

Шарқ
мутафаккирлари



Р.Баҳодиров

Абу Абдуллоҳ
ал-Хоразмий
ва илмлар таснифи
тарихидан

Р. М. Баҳодиров

**АБУ АБДУЛЛОҲ
ал-ХОРАЗМИЙ ВА ИЛМЛАР
ТАСНИФИ ТАРИХИДАН**

Тошкент
"ЎЗБЕКИСТОН"
1995

Масъул муҳаррир — Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академиясининг ҳақиқий аъзоси, фалсафа фанлари доктори
М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ

Тақризчи — фалсафа фанлари номзоди А. Шарипов

Муҳаррир — С. Мирзааҳмедова

Баҳодиров Р. М.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тари-
хидан // Масъул муҳаррир М. М. Хайруллаев. — Т.:
Ўзбекистон, 1995. — 144 б.

ISBN 5-640-01687-6

Хоразмда яшаб ижод этган алломалар орасида муносиб ўрин эгаллаганлардан бири Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдир. X асрда яшаб ижод этган ва мавсумий (энциклопедик) билимлар соҳиб бўлган бу олимнинг бизга фақат "Мафотиҳ ал-улум" ("Илмлар калитлари") асаригина етиб келган. Бу китоб ўша давр илмларини ўзига мужассамлаштириш қомусий манбаъ бўлиб, у биз учун, биринчидан, ўз даври фанларининг асосий мазмунини ва тушунчаларини кенг таърифлади, иккинчидан, ўрта асрлар илмларининг таснифи, умумий ҳажми ва ривожланиш даражасини ифodalashi билан ниҳоятда қимматлидир. Бу асар шу кунгача тулиқ ўрганилмаган. Тақдим этилаётган мазкур китоб шу камчиликларни бартараф этиш ҳамда ўқувчига илк ўрта асрлардаги илмунослик тарихи бўйича маълумотлар бериш мақсадида ёзилган бўлиб, унда "Илмлар калитлари" дан беш бўлимнинг ўзбек тилидаги таржимаси илова сифатида биринчи бор ўқувчиларга ҳавола этилади.

Рисола кенг китобхоналар оммасига мулжалланган.

72.3

№ 85—94

Алишер Навоий номи
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

X 47026220101 - 23
M 351 (04) - 95 95

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1995 й.

КИРИШ

Эрамаздан олдинги VII-VI асрларда давлат сифатида пайдо бўлган Хоразм Марказий Осиёдаги энг катта маданий марказ ҳамда жаҳон ижтимоий ва маданий тараққиётининг қадимий уюқларидан биридир. Археологик топилмалар Хоразм Сурия, Миср, Қора денгиз бўйидаги эллинистик давлатлар билан кенг савдо-сотиқ алоқалари олиб борганлигидан dalolat беради. Уша даврда қадимги Хоразмда вужудга келган ва ривожланган маданият ва, алахусус, илм илк ўрта асрларда янада кўпроқ тараққий қилди. IX—XI асрлар давомида Хоразм йирик муҳорабалардан холис бўлганлиги учун ҳам Шарқдаги энг йирик маданият марказларидан бири бўлиб қолаверди. Бу асрларда, шубҳасиз, зироат, ҳунармандчилик ва тижоратнинг ривожланишига имконият яратилди.

Ижтимоий-иқтисодий сабаблар бу дийрдаги англик маданият ва қўшни давлатлар, биринчи навбатда, Ҳиндистон маданияти таъсирида пайдо бўлган ва ривожланган маҳаллий маданиятнинг янада рамақ топшиш учун яна бир туртки бўлди.

Умумий сийсий-иқтисодий кўтарилиш Хоразмни ҳамда унинг ўрта асрлардаги маданият ва, ўз навбатида, ҳунармандчилик-тижорат марказлари — шаҳарларни ривожлантирди. Бундай марказлар ичида Қиёт, Урганч, Хива шаҳарлари асосий ва алоҳида ўрин эгаллайди. Ана шу даврларда Хоразмнинг Ҳазорасп, Сафардиз, Нузвар ва бошқа шаҳарлари ҳам анча ривожланди. Бу эса, ўз навбатида, бу ерларда илм ва маданиятнинг гуркираб ривожланиши учун муҳим омил ва қулай шароит яратди.

Ўрта асрлар мобайнида Хоразмда камол топиб, етишиб чиққан бир қатор олимлар ҳам алоҳида эътиборга сазовордирлар. Улар орасида ҳаммамизга маълум ва машҳур, алжабр илмининг асосчиси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783—850), риёзиёт, минералогия ва бошқа фанларда йирик кашфиётлар қилган, Шарқда биринчи бўлиб глобус тайёрлаган Абу Райҳон ал-Беруний (973—1048), риёзиёт соҳасидаги ишлари билан танилган Абу Наср ибн Ироқ (тахминан 1035 йил атрофида вафот этган), шунингдек математиклар Абул Ҳасан Азархурий ибн Уштоз Жаннас (X аср) ва Абу Али ал-Ҳубубий (X асрнинг иккинчи ярми), фалакиёт илми намоёнчаси Абул Ҳасан ибн Бамшаз (X аср), табиб, филолог ва табиатшунос Абул Хайр ибн Хаммор (X—XI асрлар), кимёе илми вакили Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абулмалик ас-Солиҳ ал-Хоразмий ал-Косий (XI аср) ва бошқалар бор.

Қуйида биз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, унинг "Мафотиҳ ал-улум" асари ва илмлар фазилати хусусида фикр юритамиз.

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ХОРАЗМИЙ ВА УНИНГ "МАФОТИҲ АЛ-УЛУМ" АСАРИ

Маълумки милоднинг IX—XI асрлари Марказий Осиёда таъбабат ва кимиё илмларини чуқур ўрганиб, уларни ривожлантирган Абу Бакр ар-Розий, буюк файласуф Абу Наср ал-Фаробий, илму-и-нужум ва жуғрофия фанларининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Ибн Касир ал-Фарғоний, оламга машҳур ҳозик табиб Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар даври эди.

Уша даврнинг кенг билимли, психадам олимларидан бири Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдир. Бу олим ҳақида жуда кам маълумот сақланиб қолган.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий. Унинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтган. У бу шаҳарларда яшади, таълим олди ва илмнинг бир қанча жабҳаларида катта муваффақиятларга эришди. Олим Хуросонда ҳам яшаган. Унинг машҳурлиги 976—997 йилларда ҳукмронлик қилган Сомонийлар подшоҳи Нуҳ II нинг вазири Абул Ҳасан ал-Утбий (977—982) ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилган даврида чуққисига чиққан. Шу вазифаси туфайли у "ал-котиб ал-Хоразмий" номи билан ҳам танилган. Уз хизмат вазифалари юзасидан Сомонийлар пойтахти Бухорога тез-тез бориб турган ва у ерда кўпгина алломалар билан ҳамсуҳбат бўлган бўлса ажаб эмас. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий 997 йилда вафот этган.

Олимнинг дунёқараши уша даврда кенг тарқалган қадимги юнон фалсафаси ва маданияти, Шарқ намояндалари Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Қиндий, Абу Наср ал-Фаробий ҳамда Абу Бакр ар-Розий таъсири остида шаклланди. Айни вақтда илмга чанқоқ олим хизмат асносида амирнинг бой кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга

эди. Бу кутубхонанинг тавсифи буюк мавсуъий (энциклопедик) олим Абу Али ибн Синонинг ўзи ёзган таржимаи ҳолида қуйидагича берилган: "Бир кун шохдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тиббга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шох менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб санлиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид (асарлар) турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар (тўпланган эди). Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўраймики, кўпчилик, ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим. Бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳрамани бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифининг илмдаги даражасини билиб олдим".¹

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган, кўпчилик асарлари сингари ўз даврининг илм тили — араб тилида битилган, ягона маълум бўлган асари — "Мафотиҳ ал-улум" ("Илмлар калитлари") дур. "Мафотиҳ ал-улум"нинг қўлёзма нусхалари унча кўп эмас. Яқин-яқингача унинг тўрт нусхаси бор деб ҳисоблаб келинарди. Ана шу тўрт нусхадан учтаси Буюк Британия музейида ҳамда Берлин кутубхонасида сақланади. Асримизнинг 60-йилларида америқолик олим К. Босворт Туркия кутубхоналарида ушбу асарнинг яна олти нусхаси борлигини аниқлади. Бу олти нусханинг ҳаммаси Истанбул шаҳридаги кутубхоналарда сақланади. Бир нусха Фотиҳ Миллий кутубхонасида, яна бири Нури Усмон кутубхонасида ва тўрт нусхаси Сулаймония халқ кутубхонасида сақланади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу асари ўрта асрларда фанларнинг ривожланиши тарихига молик камёб манбаъ сифатида давримизнинг кўпгина олимларининг эътиборини ўзига жалб этди.

Биринчи бўлиб бу манбаъни ўрганган ва 1160 йилдаги қўлёзма нусхаси асосида унинг аниқланган матнини 1895 йилда нашр қилдирган олим — голландиялик шарқшунос Ван Флотендир. Академик И. Ю. Крачковскийнинг фик-

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳол. Тошкент, 1980. 11-бет.

рича, бу асар 976 ва 991 йиллар орасида яратилган. Олим К. Брокельман уни қисқа ва аниқ маълумотларни ўз ичига олган ҳамда кўп фанлар ёритилган қомусий асар деб баҳолаеса, Э. Видеман асар муаллифи — Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийни биринчи мусулмон мавсуъасини тузувчиларидан деб таъкидлайди. Фан тарихи ва ривожланиши бўйича кўпгина асарлар яратган Г. Сартон бу асарни ўрта асрлар фанлари ва маданиятини ўрганишда асосий манбаълардан бири, муаллифининг ўзини эса Х асрнинг иккинчи яримдаги мавсуъий олимлардан деб ҳисоблайди. Ю. Руска "Ислоҳ" журналида ушбу асарни Х аср кимиёси бўйича манба, Ф. Сазгин эса "Мафотиҳ ал-улум"ни мавсуъий характердаги маълумотларга эга бўлган ҳамда 15 фанни ўз ичига қамраб олган манбаъ сифатида баҳолаб, айниқса тибб бўлими, гарчи унда жарроҳлик ва гигиена ҳақида маълумотлар бўлмаса ҳам, алоҳида юксак ўринга эга эканлигини ёзади.

Бу қомусий манбаъ ўз қиммати, камёблиги, аҳамияти жиҳатидан кўпгина олимлар эътиборини жалб қилди. Шу кунгача асар Ҳ. Хаджум томонидан фақат форс тилига тўлиқ таржима қилинган бўлиб, бошқа тилларга эса баъзи бир бўлимлар ёки бобларигина таржима қилинган. Масалан, тибб бўлимини Э. Зайдел, мусиқа бўлимини Э. Видеман ва В. Мюллер немис тилига, Г. Фермер — инглиз тилига, тарих бўлимининг бешинчи ва олтинчи бобини М. Унвала инглиз тилига, риёзиётга оид бўлимларни Э. Видеман, В. Хинц эса ундаги ўлчов бирликларинигина немис тилига таржима қилган ва ўз ишида фойдаланган. Асарнинг фалсафа қисмини А. Шарипов рус тилига таржима қилган. Бу қимматбаҳо асар унинг кўпгина бўлимларини олимларимиз ўрганиб, тадқиқ қилган бўлишларига қарамай, ҳозирча ўзбек ёки рус тилига тўлиқлигича таржима қилинмаган.

Бу асарга В. В. Бартольд Сомонийлар давридаги суғориш шохобчалари тартиби, давлат бошқариш ва иш юргизиш бўйича, И. Ю. Крачковский эса фан ва маданият тарихи бўйича қомусий манбаъ сифатида ёндошганлар. У. И. Каримов, М. М. Хайруллаев ва Г. П. Матвиевскаялар ҳам ишларида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарида илмлар таснифининг берилиши ҳақидаги баъзи бир маълумотларни келтирганлар. Асарнинг кимиё бўлимини У. И. Каримов, риёзиётга оид бўлимларни

Г. П. Матвиевская, жугрофияга оид бобларни Ҳ. Ҳасанов, механикага оид бўлимларни М. М. Рожанская, мантиққа оид бўлимни А. Шарипов, шеърят ва арузга оид бўлимни М. Зиёвуддинова тадқиқ қилганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ҳаёти, ижоди ва бизгача стиб келган ягона асари ҳақидаги маълумотлар ана шулардангина иборат. Биз эса бу кичкина китобчамизда биринчи бор ўзбек тилида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "Мафотиҳ ал-улум" асарининг мазмуни ва аҳамияти ҳақида фикр юритмоқчимиз.

"Илмлар калитлари" ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўша даврдаги деярли ҳамма асосий фан соҳаларини қамраб олган. Муаллиф ўрта асрлардаги ҳар бир фан мазмунини асосий атамаларини шарҳлаш йўли билан тушунтириб берган. Бинобарин, академик И. Ю. Крачковский таъкидлаганидек, бу асар ўша давр "билимларининг барча соҳаларини ўз ичига олувчи изоҳли терминологик луғат"дир.¹

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий "Илмлар калитлари" асарига кириш қисмида: "...ва мен бу асарни ("Мафотиҳ ал-улум"ни — Р. Б.) икки қисмдан иборат қилиб туздим. Биринчи қисм шарият ва у билан боғлиқ араб илмларига, иккинчи қисм эса араб бўлмаган, яъни греклар ва бошқа халқлар илмларига бағишланган"²,— деб ёзган эди.

Шундай қилиб, олим илмларни иккига бўлиб, уларни "араб" ва "араб бўлмаган"ларга ажратади. Бу эса олим ўз даврининг намоёндалари сингари илмлар таснифида фанларни икки қисмга бўлиш анъанасига содиқ эканлигини кўрсатади. Албатта, унинг таснифида шу соҳа бўйича яратилган олдинги асарлар ҳам ҳисобга олинган.

Асарнинг биринчи "араб" илмлари қисмига ўн бир бобдан иборат фикҳ, етти бобдан иборат калом, ўн икки бобдан иборат грамматика [сарҳф ва наҳв], саккиз бобдан иборат иш юргизиш, беш бобдан иборат шарият ва аруз ҳамда тўққиз бобдан иборат тарих киритилган. Иккинчи, "араб бўлмаган" илмлар қисмига эса уч бобдан иборат фалсафа, тўққиз

¹ И. Ю. Крачковский, Танланган асарлар. М.—Л., 1957, 240-бет.

² *Liber Mafoth al-Ulum*. Auctore Abu Abdallah Mohammed ibn Ahmed ibn Jusof al-Katib al-Khowarezmi /Ed., indices adjecit G. Van Vloten. Lugduni Batavorum, 1895 (Кейинчалик: "Мафотиҳ ал-улум"). 4-бет.

бобдан иборат мантиқ, саккиз бобдан иборат тибб, беш бобдан иборат арифметика, тўрт бобдан иборат ҳанадаса, шунингдек тўрт бобдан иборат илму-н-нужум, уч бобдан иборат мусиқа, икки бобдан иборат механика ва уч бобдан иборат кимиё киритилган.

Шундай қилиб, икки қисмдан иборат мазкур асарда ўн беш илм тўқсон уч бобда баён этилган.

АНЪАНАВИЙ "АРАБ" ИЛМЛАРИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ГУМАНИТАР БИЛИМЛАР

Фикҳ

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий билимлар ўрта асрларда ривожланишнинг юқори даражасига етди. Тарихий шарт-шароитлар тақозоси билан уларнинг ҳаммаси ислом дини асосларини танкил этувчи шаръий илмларга тааллуқли бўлган. Бошқа олимлар сингари Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам шаръий илмларга ўз асарининг биринчи қисмидаги олти бўлимни бағишлайди. Бу қисм мусулмон ҳуқуқшунослигига тааллуқли ўн бир бобдан иборат фикҳ (7—22 бетлар)¹ дан бошланади. Унда ислом қонунонослигининг асоси бўлган ва ислом ҳуқуқи посбонининг доимий дастури Қуръон, пайгамбар сўзлари, ҳикматли гаплари ва ҳаётини акс эттирувчи Суннат; Ҳадис ва унинг хиллари (муттасил — бевосита шохидларнинг ҳикоялари, мунқатъ — шохидлар сўзларига асосланган, кейинроқ ўтган муаллифлар ҳикоялари); Ижмъ — ислом жамоасининг яқдиллик билан тан олган қарори; Қиёс (солиштириш) — Қуръон ва Суннатда тегишли кўрсатмалар бўлмаганда, аввалроқ ушбу ҳолда тутилган йўл асосида хулоса қилиниши ҳақида гап юритилади. Баъзи ҳуқуқшунослар, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фикрича, қиёсга шариатга зид бўлмаган ҳолатни ҳам қўшади. Шундан сўнг кейинги бобларда, алоҳида ҳолда, шариат қонунқондларига амал қилиш, яъни таҳорат қилиш, намоз ўқиш, азон айтиш, рўза тутиш, закот тўлаш, баъзи солиқлар тавсифи, уларнинг миқдори ва ўлчов бирликлари, ҳажж қилиш, шариат асосида олди-сотди қилиш,

уйланиш ва қўйди-чиқди, хун тўлаш, меросни бўлиш ва бошқа турли маросим ва удумлارни амалга ошириш хусусида муфассал тўхтаб ўтилади.

Калом

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий каломга (22—41 бетлар) "Мафотиҳ ал-улум"да биринчи қисмининг иккинчи бўлимини бағишлаган бўлиб, у етти бобдан иборатдир.

Биринчи бобда каломда ишлатиладиган фалсафий атамаларга қисқача талқин берилади ва улар дин аҳли томонидан қандай тушунилши қайд этилади. Масалан: "Акциденция (туб моҳияти, эътибори билан унча аҳамияти бўлмаган жузъий хусусият) — ҳаракатланувчи нарсадаги ҳаракат, оқ нарсадаги оқлик, қора нарсадаги қоралик каби субстанциянинг ҳолати"¹. Мантиқ аҳлининг акциденция ҳақидаги тушуинчаси калом аҳли тушунчасидан фарқ қилади. "Акциденция бу бир нарсанинг иккинчи нарсадан моҳиятига кўра фарқ қилиши эмас, худди масалан, оқлик, қоралик, иссиқлик, совуқлик ва шунга ўхшаш"².

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий яшаган даврнинг ўзида бутун Яқин ва Ўрта Шарқда кўпгина мазҳаблар бўлиб, улар ўзаро кураш олиб борадиган эдилар. "Мафотиҳ ал-улум" муаллифи томонидан еттига бўлинган ва баён этилган мусулмон мазҳаблари ҳақидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу маълумотлар "Калом" бўлимининг "Мусулмон ар-боблари ва мазҳаблари исмларини зикр этиш" номли иккинчи бобда берилган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бу бобда мазҳабларнинг ўзи ва, муаллиф фикрича, таълимотидаги озгина фарқи билан ажралиб турадиган фирқаларни ҳам қайд қилиб ўтади: "Мўътазиллийлар — бу ном билан ҳақиқат-гўйлик ва яқкахудолик аҳли намояндаларини атайдилар ва улар олти фирқадан иборат. Биринчи (фирқа) Ҳасанийлар — бу Ҳасан ал-Басрий (раҳбарлик қилган) фирқасига мансуб кишилардир; иккинчиси Ҳузайлийлар — Абу Ҳузайл ал-Аллоф сафдошларидир, учинчиси Наззомийлар — Иброҳим

¹ Қавс ичида асл нусхада бўлим танкил этган ҳажм берилган.

¹ Мафотиҳ ал-улум, 23-бет.

² Уша сра, 142-бет.

ибн Саййар ан-Наззом сафдошларидир; тўртинчиси — Маъмарийлар — Маъмар ибн Аббод ас-Суламий сафдошларидир, бешинчиси Бишрийлар — Бишр ибн ал-Муътамир сафдошларидир; олтинчиси Жоҳизийлар — Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз сафдошларидир¹. Иккинчи мазҳаб — хорижийлар — Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий сўзларига қараганда ўн тўрт фирқадан иборат; учинчи мазҳаб — ҳадис жамловчиларни талқин қилувчилар бўлиб, мусулмонлар суннийларда улар маликия, шофийя, ҳанбалия ва довудияга ажраллади; тўртинчи мазҳаб — мужбирийлар — беш фирқадан иборат, бешинчи мазҳаб мушаббихийлар — ўн уч фирқадан иборат; олтинчи мазҳаб — муржийлар — олти фирқадан ва охири еттинчи мазҳаб — шиъалар — беш фирқадан иборат. Боб охирида Имомларнинг сифатлари зикр этилади.

Учинчи боб христиан динига оид бўлиб, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий сўзлари бўйича, улар малкобийлар, настурийлар ва яқубийларга бўлинадилар ҳамда христиан динида уларни номлашда ўзларининг бошқа атамаларини ишлатадилар. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи бобларда овруповий грек-христиан мазҳаблари, исломгача бўлган даврдаги Эрон ва Ямандаги диний эътиқодлар, Ҳиндистонда тарқалган баъзи дуалистик мазҳаблар ва зардуштлик баён этилади. Бу эса Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ислом ва христиан динлари билан бир қаторда иудаизм, индуизм, зардуштлик каби динлардан ҳам яхши хабардор эканлигидан далолат беради. Охири еттинчи боб мутакаллимлар томонидан Аллоҳ моҳияти ва хусусиятлари, пайғамбарона кўрабилишлик ва ҳоказо мунозарали савоълларни ўз ичига қамраб олган.

Калом бўлими исломда мавжуд бўлган диний мазҳаблар ва, алалхусус, муътазилийлар ҳақида мукамал маълумотлар борлиги билан диққатга сазовордир. Айниқса муътазилийлар X асрда расмий таъқиб қилинганини эътиборга олсак, унинг аҳамияти янада ортади. Бу бўлимдаги қимматбаҳо маълумотлар қаторига исломдан олдинги Эрон ва Яман, Ҳиндистондаги диний эътиқодлар ва мазҳабларнинг қайд қилинишини таъкидлаб ўтиш керак.

Бу бўлимда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий объектив баҳу берувчи дин тарихчиси сифатида гавдаланади. Ислом дини Шарқда кенг тарқалган ўша даврдаги мазҳаблар

ҳақидаги маълумотларнинг бу қадар тўлиқ баён этилиши муаллифнинг объективлиги, мустақил фикр эгаси ва йирик олим эканлигидан далолат беради. Бошқа томондан эса, бу маълумотлар Яқин ва Урта Шарқдаги ҳамда Марказий Осиёдаги халқларнинг динлари тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Грамматика

Араб халифалигида феодал муносабатларнинг ривожланиши араб маданиятининг юксалишига олиб келди. Бу эса араб адабий тили муаммоларини ҳал қилишга эътибор беришни талаб қилди. Араб ёзуви ва ёзма адабиёт ривожланиши ҳам бу масаланинг кун тартибига қўйилишини тақозо қилди. Шунинг учун VII—IX асрлар давомида бу Араб халифалигида маданият ривожланишининг асосий масаласи бўлди. Халифаликда турли қабилаларнинг кўплиги масаланинг долзарблигини янада оширди. Уларнинг бирлашиши нафақат адабий, балки сиёсий масалаларни ҳам ҳал қиларди.

Адабий тил грамматикасини ишлаб чиқиш масаласи қанчалик қийин бўлмасин, X асрга келиб у муваффақиятли ҳал қилинди. Араб тили қонун-қондларини аниқлашда Абу Асвад ад-Дуали ва бошқа олимларнинг ҳиссалари катта бўлди. Бу эса тилни янада ривожланиши учун имкон яратди. Грамматика, айниқса, араблар илми ва адабиёти халқаро аҳамиятга ва даражага етган Аббосийлар даврида чуқур ва мукамал ўрганилди. Бу масалада, яъни араб тили грамматикаси ривожланишига, Ироқнинг икки — Басра ва Куфа шаҳарларидаги грамматик мактаблар орасидаги илмий мунозаралар ва уларнинг жўшқин фаолиятлари катта таъсир кўрсатди. Басрада грамматикани ўрганувчи мактаб пайдо бўлиши иқтисод, адабиёт ва санъатнинг авж олиши даврига тўғри келиб, унинг намояндалари араб тили ва грамматикасининг назарий масалаларини ишлаб чиқишда жуда катта ишларни амалга оширдилар. Ушбу мактаб вакиллари сифатида Исо ас-Сағофий (вафоти 776 й.); "Китоб ал-Айн" номи билан танилган биринчи араб қомуси муаллифи Халил ибн Аҳмад (718-792); Шарқда ва Ғарбда кўзга кўринган барча йирик араб грамматиклари томонидан фойдаланилган ва шарҳланган "ал-Китоб" муаллиффи Сибавайҳ (Абу Бишр

¹ Мафотиҳ ал-улум, 24-бет.

Амр ибн Усмон Қамбар, вафоти 797 йил атрофида) ни кўрсатиш мумкин. "Ал-Китоб" Басра грамматик мактаби излавишларининг якуни бўлиб, унда араб грамматикасининг мукаммал тартиби тугал шаклда берилган. Ушбу мактаб вакиллари сифатида ал-Асмаъий (740—828), унинг шогирди, фикҳ ва филология билимдони Абу Убайд (770—837), классик араб тили ҳақидаги "ал-Комил" китобининг муаллифи ал-Мубаррад (826—898) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Басрадан бир оз кейин Куфа шаҳрида ҳам грамматик мактаб пайдо бўлди. Унинг вакиллари бўлган ар-Руоси, бизгача етиб келган "Хатолар ҳақидаги рисола" муаллифи ал-Кисоий (Али ибн Холид ал-Асадий, вафоти 805 й.), ўз асарлари билан ҳамкасблари ишларини такомиллаштирган Ибн ас-Сикит (вафоти 858 й.), Муҳаммад ал-Анборий (вафоти 939 й.), ал-Фарроий ва бошқалардир. VIII асрдан бошлаб бу мактаблар орасида бўлиб ўтган илмий мунозараларда араб тили икир-чикиригача мукаммал ишлаб чиқилди.

"Мафотиҳ ал-улум"да грамматикага (41—53-бетлар) биринчи қисмининг учинчи бўлими бағишланган. Ун икки бобдан иборат бу бўлимда юқорда зикр этилган икки мактаб вакилларининг фикрлари баён қилинган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз асарида кўпроқ Басра мактаби вакили, "Аруз" (шеърний ўлчов вазни) асосчиси Халил ибн Аҳмадга ҳамда ал-Асмаъийга мурожаат қилади. Бўлимда араб филологлари анъана бўйича бўлган уч катта сўз туркуми: исм, феъл, юкламалар, яъни асосий грамматик қондалар ҳақида керакли маълумотлар берилган. Исм туркумига кирувчи от, сифат, сон, сифатдош ва олмошларга тўртинчи боб бағишланган. Қолган бобларда араб тили хусусиятлари мукаммал баён этилган.

Иш юритиш

Иш юритишга (53—79 бетлар) бағишланган тўртинчи бўлим девон, яъни давлат иш юритиш бўлимларининг дафтарларини шарҳлашдан бошланади. Сўнгра солиқ номлари, уларни ёзиб бориш ва олиниши, Сомонийлар давлатида халқдан олинадиган ҳамма солиқ қиллари, солиқ йиғувчиларнинг вазифалари, солиқ йиғиш йўли ва ҳажми.

давлат оморларида фойдаланиладиган энг умумий ва маълум оғирлик ўлчовлари мукаммал тавсиф қилинади.

Бу эрда биз "Мафотиҳ ал-улум"да зикр этилган ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқда ҳамда Марказий Осиёда кенг тарқалган ва ишлатилган ўлчов birlikларини муфассалроқ кўриб ўтиш керак деб ҳисоблаймиз. Бу маълумотларнинг қимматини оширувчи томонлардан бири Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Ўрта асрда Шарқ мамлакатларининг турли бурчакларида ишлатилган оғирлик ва сочма ўлчов birlikларининг бир ёки икки ўлчов билан, гоҳо эса унинг икки ва ундан ортиқ эквивалентини келтирганидир. Бу эса ана шу ўлчов birlikларининг моҳиятини аниқлашда, уларни қиёсий ўрганишда ёрдам беради. Бир неча мисол келтирайлик:

"Тассуж — мисқолнинг учдан бирининг саккиздан бири¹.

Дониқ — тўрт тассуж...

Суҳа — Хоразм ва Тахористон аҳли ўлчов бирлиги бўлиб, йиғирма тўрт манга тенг, шунинг ўзи икки қафиздир.

Ғор — шунингдек (Хоразм аҳлида ишлатилади) — ўн ғурдир.

Насаф аҳлида ҳам сочилувчан жисмлар ўлчови ғор дейилиб, ҳар бири ўн ярим манга тенг юз қафизга тенгдир".

Олмониялик шарқшунос В. Хинц "Мафотиҳ ал-улум"даги кўпгина ўлчов birlikларини тадқиқ қилган. Бу бўлимнинг тўртинчи бобида почта девонида ишлатилган маълумотлар ҳам баён этилган.

Аскарлар рўйхатини тузиш, уларнинг кийим-кечагини ва уларга тўланадиган маошлари шакллари, атамалар мазмунини шарҳлаш, Ироқ ва Хуросонда, хусусан Нишопур, Бухоро, Хоразм, Насаф шаҳарларида қўлланилган майдон ўлчови birlikлари алоҳида қимматга эгадир.

¹ Араб тили хусусиятларига биноан $\frac{1}{3}$ шаклдаги касрларнинг ифодасида $n \leq 10$ шакли ўзбек тилидагидек ифодаланади, лекин $n > 10$ ҳолатда "ун иккидан бир" деб талаффуз қилиб бўлмайди ва бу ҳолда "жуз" сўзи ва "мин" — дан олд қўшимчаси ишлатиш йўли билан ифодаланади ва "ун икки бўлакдан бир бўлак" дейилади. Бироқ бу ноқулайликдан қутулиш учун ўрта аср олимлари қадимийроқ усулдан фойдаланганлар, яъни биз кўргандек $\frac{1}{3} \cdot \frac{1}{8} = \frac{1}{24}$.

² Мафотиҳ ал-улум, 62—63, 68-бетлар.

Кейинги бобларда ирригация шохобчаларида фойдаланиладиган атамалар, турли канал хиллари, сув машиналари, Марв ва икки дарё оралигидаги суғориш тизимлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу маълумотлар бошқа манбаъларда деярли учрамаслигини эътиборга олсак, уларнинг қиммати қай даражада юқорилигини ҳис қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам В. В. Бартольд уни "ўша давр ирригацион техникаси ҳолатини ўрганиш бўйича асосий манбаъ" деб таъкидлаган эди: Бу бўлимнинг муҳимлиги шундан иборатки, унда ўша даврда Марказий Осиёда тарқалган ва кенг қўлланилган, лекин ҳозирги кунларда бошқа манбаъларда кам учрайдиган ўлчов бирликлари ҳақида жиддий маълумотлар берилган.

Шеърят ва аруз

Беш бобдан иборат шеърят ва аруз (79—97-бетлар) бешинчи бўлимда кўриб ўтилган. Аввал аруз асослари ва унинг бир неча кўринишдаги ўн беш хили ҳақида фикр юритилган, жоҳилия, яъни исломгача бўлган классик араб шоирлари шеърларидан намуналар келтирилган. Сўнгра шеърый ўлчовлар (вази), ундаги баъзи бир камчиликлар, қофия ва шеърят тақриси, яъни баддий тил билан қизиқиш, араб шеърятининг кўпгина намоёндалари хусусида тўхталиб ўтилган. Маулриф ўзидан олдин ўтган араб шоирларининг танқидий таҳлили, араб шеърятини ва унинг тузилишини кўрсатишда Имрул Қайс, Абу Тамом, Жарир, Башшар ибн Бурд, Дурейд ибн Самма ва бошқа шоирларнинг шеърларидан фойдаланган.

Тарих

Муайян бир вақтдан бошлаб тарихни ҳисоблаб бориш ҳақидаги фан (хронология) сифатида тарих (97—130-бетлар)ни Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз асарининг биринчи, яъни "араб илмлари" қисмига киритган ҳамда унда исломгача бўлган ва исломдан кейинги давр тарихини, қисқача Эрон, Рум тарихини баён қилганда ўз даври анъанасига биноан подшоҳлар сулоласига алоҳида эътибор берган. Буни бўлим бобларини номланишидан ҳам кўришимиз мумкин.

"Биринчи боб. Эрон подшоҳлари ва уларнинг лақаблари зикри ҳақида.

Иккинчи боб. Халифалар, ислом [аҳли] маликлари, уларнинг сифатлари ва лақаблари зикри ҳақида.

Учинчи боб. Жоҳилия [исломгача бўлган] даврдаги Яман маликлари ва уларнинг лақаблари зикри ҳақида.

Тўртинчи боб. Яман подшоҳларидан бўлган Муъаддо маликлари зикри ҳақида.

Бешинчи боб. Рум ва Юнон маликлари зикри ҳақида.

Олтинчи боб. Форслар (Эрон) тарихига оид [асарларда] тез-тез зикр қилинадиган (ишлатиладиган) сўзлар.

Еттинчи боб. Ислом даври араблар тарихи, уларнинг юришлари ва забот этишларига оид [асарларда] тез-тез зикр қилинадиган (ишлатиладиган) сўзлар.

Саккизинчи боб. Жоҳилия [исломгача бўлган] даврдаги араб маликлари тарихига оид асарларда тез-тез зикр қилинадиган (ишлатиладиган) сўзлар¹.

Тўққизинчи боб. Рум ҳокимлари (императорлари) тарихига оид [асарларда] тез-тез зикр қилинадиган (ишлатиладиган) сўзлар¹.

Бу бобларда афсонавий подшоҳлардан бошлаб тартиб билан турли давр ва мамлакатлар маликлари зикр этилган. Бу маълумотлар қисқа бўлишига қарамай, улар, шубҳасиз, Шарқ мамлакатларининг қадимги ва ўрта аср тарихини ёритишда катта қизиқиш туғдиради.

Биринчи бобда. Эрон шоҳларининг Пешдодийлар, Кайонийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар сулоласи ҳақида маълумотлар берилган.

"Эрон подшоҳларининг биринчи сулоласи Пешдодийлардир.

Бу сулоланинг биринчи подшоҳи — *Кайумарс*. Унинг лақаби "*Килшоҳ*" яъни "ер подшосидир", чунки у, форслар фикрича, биринчи инсон бўлиб, унда ердан бошқа ҳеч қандай бойлиги бўлмаган, сўнгра

Ушханк (Хушанг) — унинг лақаби "*Бишдод*" бўлиб, маъноси биринчи одил...

Подшоҳларнинг иккинчи сулоласи — Кайонийлар.

Кай — қудратли дегани, *кайон* (шу сўзнинг кўплиги) "қудратлилар".

¹ Мафотиҳ ал-улум, 97—98-бетлар.

Уларнинг биринчиси *Кайқубоз* — унинг лақаби "*Биринчи*", сўнгра

Кайковус — унинг лақаби "*Намурд*", яъни "ўлмаган". Менинг тахминимча, бу яҳудийлар "*Намруд*" деб номлаган одам, сўнгра

Кайхусрав — унинг лақаби "*Хумойун*", унинг маъноси "*Худонинг марҳаматига сазовор бўлган*"¹.

Иккинчи бобда муаллиф "тўғри йўлдан борган" халифалар, Уммавийлар ва Аббосийлар халифалиги ҳақида муфассал маълумотлар келтиради:

"Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Абу Қўҳофа. Уни расулуллоҳ, Аллоҳ уни қўлласин ва тақдирласин, халифаси (ўринбосари, издоши, вориси) деб аташади. Унинг лақаби "*Атиқ*" (озод этилган), сифати эса "*Сиддиқ*" — "энг ҳақиқатгўй".

Умар ибн ал-Хаттоб — унинг лақаби "*Форуқ*" ("яхши фарқ қилувчи"). Халифалар орасида биринчи бўлиб уни "*амир ал-муъминин*" (худога ишонувчилар амири) деб аташган...

Уммавийлар. Уларнинг на сифатлари ва на лақаблари бўлган.

Улардан биринчиси Муъовия ибн Сахр Абу Суфйон ибн Ҳарб, сўнгра унинг ўғли

Йазид, сўнгра унинг ўғли

Муъовийа ибн Язид...

Сўнгра Аббос ибн Абд ал-Муталлиб авлодлари, Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин [ҳокимлик қилганлар].

Уларнинг биринчиси Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос — унинг ўзи "*ас-Саффоҳ*" ("қонхўр"), сўнгра унинг укаси

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад — унинг ўзи *ал-Мансур* ("музаффар"), сўнгра унинг ўғли

Муҳаммад — унинг ўзи *ал-Маҳдий*"².

Исломгача бўлган даврдаги Яман тарихи бизда катта қизиқиш уйғотади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бу давр подшоҳларини эслатиб ўтади. Ҳимйорий подшоҳлар сулоласи Яманда тахминан эрамиздан олдинги 300 йилгача ҳокимлик қилган ва барча подшоҳларнинг "*туббаъ*" лақаби бўлган.

¹ Мафотиҳ ал-улум. 98—100-бетлар.

² Мафотиҳ ал-улум. 105—106-бетлар.

Араб анъанасига кўра бир исм билан ўз ичига бир неча ҳокимларни олган бутун бир сулола назарда тутилган. Масалан: Ҳорис ар-Роиш сулоласи 13 подшоҳдан иборат эди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий тавсифида ҳам араб анъанаси бўйича қабул қилинган баъзи бир чалкашликлар бор.

"Жоҳилия (исломгача бўлган) даврадаги Муъаддо подшоҳлари: Наср оиласи — бу Яманлик Лахмийлар, улар Хисравлар вакиллари бўлиб, Ироқда яшар эдилар.

Улардан биринчиси — Малик ибн Фаҳм, сўнгра унинг ўғли

Жазима ал-Абраш ("хол-хол"), у махов касали билан оғригани учун уни "ал-Абраш" деб аташган; (уни) шунингдек "Ваззоҳ" ("ранги очиқ", "оқ") ҳам дейишарди...

Файсҳарб ал-Форсий — у Ануширвон даврида ҳокимлик қилган, сўнгра

Мунзир ибн Мунзир ва унинг укаси

Амр ибн Ҳинд, сўнгра

Нуъмон ибн ал-Мунзир — Абарвиз фил оёқлари остида ўлдирган (кишидир); у Лахм сулоласининг охириги подшоҳи эди.

Ундан кейин Ийос ибн Қубайса ат-Тоъийий подшоҳлик қилди...

Мунзир ибн Нуъмон ибн ал-Мунзир — бир неча ой ҳокимлик қилган ва "Мағрур" лақабини олган, у Жавсо муҳорабасида Холид ибн Валид Хира [шаҳрига] келган куни ўлдирилган¹.

Алоҳида боб Рум ва Юнон тарихига бағишланган. Бу боб бизни Марказий осийлик олимларнинг Рум ва Юнон ҳақидаги билимлари даражасини аниқлашга ёрдам берувчи манбаъ сифатида қизиқтиради ва шунингдек Марказий Осиёда ўрта асрларда қадимги дунё ва, алалхусус, Рум ва Юнон тарихини чуқур ва яхши билганликларидан далолат беради. Бу фикрни Рум императорлари тарихига оид охириги, тўққизинчи боб ҳам тасдиқлайди.

"Август Қайсар (Цезарь) — уни императорлар ичида биринчи бўлиб "Цезарь", яъни "Қайсар" деб аташган. Бу [сўз]нинг маъноси "кесиб олинган", шундай дейишларига

¹ Мафотих ал-улум, 110—112-бетлар.

[сабаб] уни ўлган ҳомилалор онасининг қорнини ёриб чиқариб олганлар...

Ҳарқал (Геракл)— ҳижратнинг биринчи йили Румда подшоҳлик қилган император.

Қонстантин ибн ал-Йун (Константин Юн ўғли)— ҳижратнинг 301 йилидан бошлаб Румда подшоҳлик қилган император...

Қосулик — унинг ўзи **Жосулик**. У **батриққа** бўйсунди; Ироқ имоми қовиндаги жосулик Бағдод шаҳрида бўлган ва Антоқия Батриқига бўйсунган.

Матрон — Жосуликқа бўйсунди. Хуросон матрони Маврада истиқомат қилган¹.

Олтинчи боб Эрон тарихига оид. Бу бобда ўша узоқ даврларда Эрон минтақасида ва бошқа жойларда тарқалган тиллар ҳақида маълумот берилади ва бу тиллар тарқалган вилоятлар айтиб ўтилади.

"Фаҳлавийа (пахлавий)— бу подшоҳлар ўз мажлисларида гаплашган тилдир. Бу тил Баҳлага мансуб, Баҳла эса беш вилоят [ёки шаҳар]: Исфаҳон, Рай, Ҳамадон, Моҳнаҳованд, Озарбайжон номидир.

Форсийа (Форс)— бу мажусийлар қозилари ва уларнинг яқинлари гаплашган тилдир. Бу тил Форс вилоятида [тарқалган эди].

Дарийа (дарий)— бу Мадонин шаҳарлари аҳлининг тили. унда [одамлар] подшоҳ саройида гаплашганлар ва бу [тил] пойтахтга хос. Машиқ аҳли тилларидан эни кенг тарқалгани Балх аҳли тилидир².

Еттинчи бобда асосан араб истилолари ва ислом тарқалгандан кейинги даврга оид хабарлар берилган. Бу бобда, шунингдек, баъзи исмларга изоҳ берилган:

"Робита — бу йилқилар [миниладиган ҳайвонлар]ни бўлган бадавийлардир...

Фароғина —бу Фарғона аҳлидир.

Ихшид —бу Фарғона подшоҳининг исми, подшоҳдан сўнг мансаб бўйича келган эъёнларни эса "саворатакин" дейишган...

Ҳайотили —бу Тахористонда ҳокимлик қилган бир гуруҳ шавкатли кишилар; Халаж ва Канжина турклари уларнинг авлодларидир.

¹ Мафотиҳ ал-улум, 113—114, 129-бетлар.

² Ўша ерда, 116—117-бетлар.

Хоқон — буюк турк малики (подшоҳи). Хон — бу раис, хоқон эса хонлар хони, яъни раислар раиси; бу худди форслар **шаҳаншоҳ** дегани кабидир¹.

Арабларда жоҳилия [исломгача бўлган] даврида ишлатилган аъёналарнинг шарҳларини арабларнинг исломгача бўлган даврдаги аъёналарига бағишланган саккизинчи бобда учратиш мумкин. Бу бобда атамалар билан бир вақтда алоҳида сўзлар ҳам тушунтирилади ва шарҳланади. Буни муаллиф томонидан исломгача бўлган даврда арабларда одамларнинг ижтимоий табақалари таснифи мисолида яққол кўриш мумкин.

Маълумки, ўрта асрда араб тилида ижод қилган кўпгина олимлар одамлар жамоасини имтиёзли табақа ва оддий халққа ажратишган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу масалани чуқурроқ ўрганишга бўлган интилиши саккизинчи боб таҳлилида намоён бўлади. У арабларнинг исломгача бўлган даврдаги жамоасини олти ижтимоий табақага бўлади:

"Маликлар, саноиъ, ибод, вазоиъ, жунд (аскар) ва **суқа Саноиъ** — бу маликларнинг яқинлари.

Ибод — бу маликлар хизматкорлари. Ҳирадаги ал-Мадарда яшайдиган барча одамларни ҳам **ибод** деб аташар эди.

Вазоиъ — бу қуролсозлар.

Суқа — бу оддий халқ. Бу сўз бир кишига қанчалик гааллуқли бўлса, бир гуруҳ одамларга ҳам шунчалик гааллуқлидир. [Шунинг учун] **"Ракул суқа"** ва **"рижол суқа"** дейилади. Бу сўз сиёқа [бошқариш] сўзидан келиб чиқади; **суқа** — кўпчилик [одамлар] тахмин қилганидек савдогарлар эмас².

Шундай қилиб, **"Мафотиҳ ал-улум"**да ижтимоий-сиёсий ва гуманитар илмларга катта эътибор берилган. Уларнинг гавсифи, таҳлили, баҳоси Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий давлатни бошқаришда қаттиқ интизомли ва тартибли марказлашган ҳокимият тарафдори бўлиб, тартибсизликка ва қонунсизликка қарши эканлигидан далолат беради. Қудди шу мақсадда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз асарининг биринчи бўлимидаги тўртинчи — иш юритиш бобида Сомонийлар ҳукуматида ҳужжатларни юритиш ва

¹ Мафотиҳ ал-улум, 119—120-бетлар.

² Мафотиҳ ал-улум, 127—128-бетлар.

давлат ҳокимияти низоми ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтиради. В. В. Бартольд шу ҳақида фикр юритиб: "биз бу ерда [манбаъда] Сомонийларда давлат бошқарилиши низоми ҳақида қимматбаҳо маълумотлар учратамиз ва у [манбаъ — Р. Б.] Сомонийлар дунёси ҳақидаги Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асаригаги маълумотларга қўшимчадир", — дейди.

Бироқ шу билан бир қаторда "Мафотиҳ ал-улум" да тарих бўйича кўпгина муҳим маълумотлар киритилмаган бўлимлар ҳам учрайди. Масалан, бўлимда, К. Босворт тўғри таъкидлаганидек, Мисрдаги Фотимийлар халифалиги ва Испанияда Уммавийлар халифалиги ҳақида маълумотлар берилмаган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таснифининг ўзига хос хусусияти — бу оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга ўтишдир. Буни унинг дорилар ёки касаллар, диний мазҳаблар ёки илмий тушунчалар, ҳуллас, у қандай масалага ёндошса ҳам аввал ўрта аср муаллифлари манбаъларидан маълум бўлган хабарларни, сўнгра эса ўзи топган янги материаллар ва маълумотларни баён қилишида кўрамаиз.

Буни, масалан, Ҳиндистондаги касталар ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Маълумки, касталар тушунчасини Ҳиндистон билан боғлайдилар, чунки касталар тузилиши бу мамлакатда кенг тарқалиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлди¹. Ҳиндистондаги касталар ҳақидаги маълумотларни биз Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон" асарига учратамиз.

Ҳиндистонда касталарнинг вужудга келиши синфий жамият пайдо бўлишидан олдинги даврга тўғри келади ва мамлакатда социал жамоаларни ифодалаш учун санскрит атамаси, "*жати*" ишлатилган. Қадимги ҳинд жамоасида *варна* табақаси ҳам мавжуд бўлган. Кейинчалик улар борган сари дамдуз бўлиб, ўз тузилиши жиҳатидан "каста"ни акс эттирган ва варналарни каста атамаси билан ифодалаганлар. Шундай қилиб, синфий жамият пайдо бўлишидан олдинги даврда, қадимги ва илк ўрта асрлардаги жамиятда ҳинд жамоасининг ижтимоий тузилишида қуйидаги табақалар бор эди:

¹ Одамларни маълум табақа ва даражаларга ажратиш қадимги Эронда ҳам бўлганлигини зикр этиш мақсадга мувофиқдир.

— брахманлар, унинг ўзагини коҳинлар ташкил этади;
— кшатрийлар — ҳарбий табақа;
— вайшлар — шаҳар савдогарлари табақаси, ижарачилар ва ҳунармандлар (тўқувчилар, заргарлар, дуралгорлар ва ҳ. к.);

— шудрлар — ижтимоий табақа даражасининг энг сўнгги погонасини эгаллайдиган — тегилмайдиганлардандир.

Бу табақалар ҳақида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий қуйидагиларни ёзади:

“Ҳиндистондаги одамларнинг ижтимоий табақалари:

Бароҳима — брахманлар — бу аслзода ва диндор одамлар, унинг [сўзининг] бирлиги барҳамийй.

Судариййа — бу деҳқончилик билан машғул бўлган [одамлар].

Байшиййа — бу ҳунармандлардир.

Сандолиййа — бу чолғувчилардир”¹.

Умуман олганда “Мафотиҳ ал-улум” мауллифи ҳаммага маълум кшатрийлар — ҳарбийлар кастасини эслатмаган бўлса ҳам, ҳинд жамоаси тўрт кастага бўлинишини тўғри кўрсатади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Ҳиндистондаги касталар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш билан бирга Марказий осийлик олимлар орасида биринчи бўлиб кенг илм аҳлини Ҳиндистондаги касталарнинг анъаналари билан таништирди. Буни ҳинд олими М. Унвала ўзининг “Мафотиҳ ал-улум”дан баъзи таржималар” мақоласида таъкидлаб ўтади. Шу билан бир қаторда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳинд подшоҳларининг Рай, Балаҳрай, Балухра унвонларини келтиради ва “буҳор”, “будд” атаmalarини шарҳлайди:

“*Буҳор* — бу ҳинд мажусийлари бутхонаси...

Будд — бу энг катта ҳинд санами бўлиб, уни зиёрат қиладилар ва ҳар бир санамини “будда” дейишади”².

Баъзи бир ноаниқликларни эътиборга олмаганда, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳинд жамоаси ҳақида умумий, лекин тўғри тавсифни берган. “Мафотиҳ ал-улум” Марказий Осийда IX—X асрларда, яъни Абу Райҳон

¹ Мафотиҳ ал-улум, 123-бет.

² Уша ерда, 123-бет.

Беруний асарлари пайдо бўлгунча, Ҳиндистон ҳақида маълумотлар тарқалишига ёрдамлашган илк манбаълардан биридир.

Биринчи қисмда кўриб ўтилган бўлимлар Марказий Осиё ва унга чегарадош хорижий Шарқ мамлакатлари халқларининг қадимги давр ва ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва умумий тарихи билан танишишда катта аҳамиятга эга бўлган манбаъдир. Асарнинг мавсувий (энциклопедик) тузилиши бизга илмларнинг ҳолати ва муваффақиятлари ҳақида яққол тасаввур беради. Муаллиф томонидан ҳар бир илм асосий атамаларини шарҳлаш йўли билан баён этилиши эса "Мафотиҳ ал-улум" ўша даврнинг барча илм соҳаларини ўз ичига мужассам қилган атамаларни шарҳловчи қомусисидан далолатдир.

АНЪАНАВИЙ БЎЛМАГАН — "АРАБ БЎЛМАГАН" ИЛМЛАР

Фалсафа

Фалсафа (131—140-бетлар) бўлимининг "Фалсафа қисмлари ва унинг синфлари ҳақида" деб аталувчи биринчи бобида перипатетикларнинг кўзга кўринган намоёндалари фикрлари акс этган илмлар таснифи ва унинг асосий қонуни-қоидалари берилган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифига ёндашиш жуда қизиқарли ва ўзига хос. Бу таснифда шу соҳа бўйича Қадимги Юнонда илк бор баён этилган анъаналар ҳамда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдан олдин ўтган Ўрта аср Шарқ олимларининг илмларни тартибга солиш бўйича қилган ишларининг натижалари акс этган.

Арасту каби Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам фалсафани назарий ва амалий қисмларга бўлади. Назарий қисм ҳам, ўз навбатида, учта: табиёт, риёзиёт, илоҳиётга бўлинади. Бундай бўлиш асосида материя ва шакл муносабати ётади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таъкидича, табиёт "элемент ва модда [материя]га эга бўлган нарсаларни ўрганади"¹. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз таснифига, Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийдан фарқли ўлароқ, у илм деб ҳисоблаган ва физиканинг иккинчи — моддага

¹ Мафотиҳ ал-улум, 132-бет.

муҳтож оулмаган, аммо гоҳо у билан бирга бўлган нарсаларни ўрганувчи қисмига киритган уйқу ва бедорлик, ҳаётнинг узун ва қисқалигини киритмайди.

Риёзиёт илмлари ўрганувчи мавзу "материяда мавжуд бўлган [нарсалар]"¹ объектив борликдаги нарсаларга хос миқдорлар, шакллар, ҳажмлардир. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий риёзиётни "худди олий илм — илоҳиёт ва қуйи илм — табиёт орасидаги ўртанча илмдек"² ҳисоблайди. Риёзиёт, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фикрича, "тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчиси арифметика илми, яъни сон ва ҳисоб илмидир, иккинчиси геометрия, яъни ҳандаса илми, учинчиси астрономия, яъни илму-н-нужум ва тўртинчиси мусиқа илми, яъни куй (оҳанг, мелодия, наво) илмидир"³. Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий ҳам назарий фалсафани мантиқ, риёзиёт, табиёт ва илоҳиётга бўлиб, моддий олам асоси унинг асосий аломати: сон ва сифатини ўрганиш орқалигина тушунилади ва шунинг учун барча илмлар ўзагини риёзиёт ташкил этади деган фикрни олға суради.

Назарий фалсафанинг бир қисми бўлган метафизика Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда "олий илоҳиёт илми" деб номланиб, "элемент ва материядан ташқарида бўлган нарсаларни ўрганади"⁴. Бу илм "бўлак ва қисмларга бўлинмайди"⁵. "Мафотиҳ ал-улум" муаллифи фикрича бу илм, материя билан боғлиқ бўлмаган, яъни инсон томонидан умумлаштириш жараёнида объектив борлик моҳиятлари ва умумий хусусиятларидан четда яратилган "ақл", "руҳ", "табиат" каби энг умумий тушунча ва категорияларни ўрганади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда мантиқ, гарчи ўзи алоҳида кўриб ўтилса-да, назарий фалсафа бўлимида зикр этилади. Бу ҳақида муаллифнинг ўзи "аммо мантиқнинг ўзи бир илм, унинг бўлаклари кўп [шунинг учун] мен уларни ўз бўлимида зикр қилдим"⁶, деб ёзади.

¹ Мафотиҳ ал-улум 132-бет.

² Ўша ерда, 132-бет.

³ Ўша ерда, 133-бет.

⁴ Ўша ерда, 132-бет.

⁵ Ўша ерда, 133-бет.

⁶ Ўша ерда, 132-бет.

Фалсафанинг амалий қисмида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий "одам ўзини бошқариши", яъни этика, "уйни бошқариш", яъни уйшунослик ва "жамоатни бошқариш", яъни сиёсатни кўриб ўтади ва уларни "шу мутахассислик билан шуғулланувчилар масаласидир"¹, дейди.

Умуман олганда, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг фалсафа таснифи Ибн Сино илгари сурган гоёга мос тушади.

Шундай қилиб, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифи умумий шакли қуйидагичадир:

1. Шарият ва у билан боғлиқ "араб" илмлари.

1. Фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги.

2. Калом, яъни илоҳиёт асослари.

3. Грамматика.

4. Иш юритиш.

5. Шерият ва аруз.

6. Тарих, яъни муайян бир вақтдан бошлаб тарихни ҳисоблаб бориш илми.

II. "Араб бўлмаган" илмлар [юнон ва бошқа халқлар]

1. Назарий фалсафа:

а) табиий илмлар — табиёт (тибб, самовий ҳодисалар (метеорология), минералогия, алхимия, механика) — қуйи;

б) риёзиёт илмлари (арифметика, ҳандаса, илму-н-нуҷум, мусиқа) — ўртанча;

в) илоҳий, яъни метафизика — олий илм;

г) мантиқ.

2. Амалий фалсафа:

а) этика [одам ўзини ўзи бошқариши];

б) уйшунослик [уйни бошқариш];

в) сиёсат [шаҳарни, мамлакатни бошқариш].

"Мафотиҳ ал-улум"да илмлар таснифи ҳар бир фаннинг асосини аниқлаш қамда уларнинг асосий атамаларини қисқа ва аниқ баён этиш билан бирга олиб борилади. Бу ерда, биз зикр этганимиздек, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз таснифида, ўша давр анъанаси, яъни илмларни иккига бўлишни қўллаб-қувватлаб, уни шаръий ва фалсафий илмларга ажратади.

Кўриб ўтган таснифимиз иккинчи қисм, яъни "араб бўлмаган" фанларни баён этишда фалсафани назарий ва амалийга бўлади. Назарий фалсафанинг қисмларини аж-

¹ Мафотиҳ ал-улум, 132—133-бетлар.

ратишда, таснифда кўриниб турганидек, аввал табиий фанлар, сўнгра риёзиёт ва илоҳиёт фанлари, охирида эса алоҳида мантиқ келади. Аммо фанларнинг ўзини баён этишда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий "араб бўлмаган" фанларнинг бошқа ажойиброқ баёини тақдим этади ва асарининг иккинчи қисмини шу тартибда жойлаштиради. Бу ҳолатда аввал фалсафа ва мантиқ, сўнгра тибб, арифметика, ҳандаса, илму-н-нужум, мусиқа, механика ва кимиё келади. Асарнинг иккинчи қисмини ҳам худди ана шу тартибда кўриб ўтамиз.

"Мафотиҳ ал-улум"да фалсафий масалалар "Олий илоҳий илмнинг атамалари ҳақида", "Фалсафа ва фалсафий китобларда кўп учраб турадиган сўзлар ҳақида" бобларида кўриб чиқилади.

Ўрта аср Шарқининг кўпгина файласуфлари каби Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий учун ҳам Арасту фалсафаси асосий дастур эди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий борлиқни зарурий ва мумкин бўлганга бўлиб, Абу Наср ал-Фаробий сингари худони объектив моддий олам билан бир вақтда биринчи сабаб сифатида мавжудлигига йўл қўяди, шунинг ўзи билан табиат мустақиллигини таъкидлайди. Зарурий борлиқ тушунчаси маъносида Аллоҳни тушунади.

Фалсафий атамаларни шарҳлашда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз даври перипатетик фалсафаси ютуқларини умумлаштиради. Ҳар бир нарсани материя ва шакл бирлиги сифатида кўриб чиқайтган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий материяни шакл қабул қила оладиган субстанция, шакл тушунчасини эса материя қабул қилаётган образ, кўриниш деб тушунтиради. Ал-Хоразмий фикрича, ер юзи, юлдузлар, тўрт элемент асосида ётувчи бирламчи материя умуман моддийликнинг асосидир. Нарсаларда бирламчи материя ва шакл аниқ бирлигини таъкидлаб: "Жисм бирламчи материя ва шаклдан иборатдир: шаклдан ажралган материя фақат ҳаёлдагина борлиққа эга"¹, — деб ёзади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий нарсаларни икки хилга ажратади: элементлар, яъни бирламчи элементлар ва ясама, мураккаб жисмлар. У моддий олам асосини ташкил ётувчи бўлақлар орасида қандайдир қатъий чегара борлигини инкор этади ва тўрт моддий элементлар бири-би-

¹ Мафотиҳ ал-улум, 136-бет.

рига айланишини тан олади. Дунёлаги ҳар бир ҳодиса ўзининг аниқ жойи ва мавжудлик замонига эга бўлиб, унинг ўзгариши эса табиий қонуният билан боғлиқдир. Ал-Хоразмий, калом аҳли каби, нарсаларнинг ўзгаришини илоҳий қувватга боғлаб қўймайди, у бу ҳодисани табиат қонуниятлари сабабидир, деб тушунтиради. Ал-Хоразмий фикрича, ҳар бир ҳодиса учун маълум сабаб ва макон бўлиб, бу ҳодиса ундан ташқарида бўлиши мумкин эмас.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий моддий борлиқ мавжудлигининг асосий шакллари макон ва замон эканлигини тан олади. У, шунингдек, ҳаракат билан материя орасида узвий алоқа борлигини ва бу алоқа умуман моддий олам ўзгариши эканлигини ҳам тан олади. "Замон — ҳаракат билан белгиланувчи муддатдир, масалан, фалаклар ва бошқа ҳаракатланувчи нарсалар ҳаракати"¹.

У объектив олам чексизлигини тан олиш билан бирга баъзи бир файласуфлар таъкидлаганидек (масалан, Демокрит), бўшлиқ борлигини инкор этади. Аммо у моддий бўлмаган асослар: ақл, нафс ва бошқаларни тан олади, чунки бу фикр ўша давр араб тилида ижод этувчи ўрта аср фалсафа намояндлари орасида кенг тарқалган эди. "Нафс" тушунчаси талқинида "Мафотиҳ ал-улум" муаллифи платонизмнинг асосий фикрларини, аниқроқ айтганда, қайлайдир умумий моҳиятлар олами борлигини танқид қилади. Бу масалада у ўз даври дин аҳли фикрига ҳам қўшилмайди.

"Ақл" тушунчасини талқин қилишда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий "фаол ақл", "моддий ақл", "орттирилган ақл" (ақл тушунчасининг бу хиллари Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино ва бошқа перипатетик фалсафа намояндлари асарларида кенг қўлланилган) тушунчаларига изоҳ беради. "Орттирилган ақл"ни у инсон фаолияти ва билиш ҳаракатлари натижаси сифатида таъсифлайди.

Олим талқинида ақл ва унинг хиллари, бир томондан, худди худонинг олами бошқариш вазифасини бажаришини, иккинчи томондан, табиий оламда мавжудликни ва у олам билан янада яқинроқ алоқада бўлишни ўзига олади. "Табиат — бу табиий оламдаги ҳар бир нарсани бошқарувчи кучдир. Табиий олам — Ой фалаги остидан то Ер марказигача бўлган борлиқ [дунё]"².

¹ Мафотиҳ ал-улум, 137-бет.

² Уша ерда, 136-бет.

"Мафотиҳ ал-улум" муаллифи ўша даврнинг муҳим масалаларидан бири — жисмларнинг чексиз бўлиниши ҳақидаги фикрни борлиқ ўз навбатида пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши мумкин эмаслигини исботлади. Муаллиф унинг "абстракт" (мавҳум) бўлиниши мумкинлигини таъкидлаб, уни "концептуал бўлиниш", яъни фараз қилинадиган бўлиниш, дейди.

У конкрет, моддий бўлиниш ҳақида фикр юритиб: "Табиий, яъни моддий бўлинишнинг ниҳоятси бор, чунки бўлинаётган нарса табиатан энг кичик ҳолатгача бўлинади. У, файласуфлар айтганидек, ҳиссий идрок этиш учун жуда нозиклик қилади"¹, — деб ёзади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу ҳулосаси антик давр мутафаккирлари Левкипп ва Демократ илгари сурган — нарсаларнинг бўлинимас заррачалари — атомлар ҳақидаги фараз, яъни атомистик таълимот тарафдори эканлигидан далолатдир.

Перипатетизмнинг Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий дунёқарашига таъсири уни билишда материализмга яқин келиб; билишни объектив ҳақиқат инъикоси сифатида талқин қилишда, яъни унинг гносеологик (билиш назарияси) қарашда ҳам кўринади. Арасту сингари Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам билишнинг биринчи манбаъи сезги, яъни ҳис ва идрок деб ҳисоблайди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг гносеологик таълимоти бошқа араб тилида ижод қилган файласуфлар каби нафси субстанция (вужудга келтирилган нарса) деб ҳисоблайдиган инсон нафси таълимоти билан чамбарчас боғлиқ. Арасту сингари ал-Хоразмий ҳам уч тил — табиий, ҳайвоний ва нафсоний (шахсий) руҳ борлигини таъкидлайди.

Олимнинг объектив ҳақиқатни сезишдаги ҳиссий туйғуларни тушунишга идеалистик ёндашишига қарамай, унинг дунёқарашига материалистик томонлари ҳам кўп эди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмнинг кўп жабҳаларидаги кенг билими бу масалани тушунишда объектив ёндашишига ёрдам берди. Унинг тибб, олам анатомияси ва физиологияси соҳасидаги билимлари ҳиссий идрокнинг моддий асосларини қидириш имконини берди.

"Нафсоний (шахсий) руҳ — у миёда, бўлиб, ундан бадан аъзоларига асаб орқали тарқалади"².

¹ Мафотиҳ ал-улум, 138-бет.

² Уша ерда, 139-бет.

Урта аср Шарқи перипатетиклари билишнинг бошқа манбаъсини ақл дейишади ва уни иккига: туғма ва орттирилган ақлга ажратишади. Инсон руҳининг кучларидан бири ақл деб ҳисоблаган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам уни, юқорида зикр этганимиздек, уч хилга бўлади. Унинг гносеологик назариясида биз мусулмон диндорлари асосий ва билишнинг анъанавий воситаси деб ҳисоблаган Қуръон, Суннат ва бошқаларга мурожаатни учратмаймиз. Бу масалаларга унда алоҳида бўлим — калом бағишланган.

Мантиқ

Қадимги Шарқ ва антик Юнон мутафаккирлари асарларига асосланган ва араб тилида ижод қилган тадқиқотчилар бошқа илмлар билан бирга мантиқни ҳам ўргандилар ва ривожлантирдилар. Мантиқни ўрганишга бўлган талабнинг ошишига, бир томондан, билишни оқилоли; усулларининг тарқалиши ва, иккинчидан, араб тилига таржима қилинган юнон илмларига қизиқишнинг ошиши сабаб бўлди. Уша даврнинг энг кўзга кўринган мантиқшунослари Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Баҳманёр ибн Марзбон, Ибн Буслон Мухтор ибн Ҳасан, Ибн Баҳром Абу Сулаймон ас-Сажастоний, Ибн Рушд ва бошқалар Арасту; Афлотун, Порфирий асарларини ўргандилар, таржима қилдилар ва уларга шарҳлар ёздилар. Арастунинг "Категориялар", "Таъбирлаш ҳақида", "Биричи аналитика", "Иккинчи аналитика", "Топика", "Софистика", "Риторика" асарлари Яқин ва Ўрта Шарқ файласуфлари томонидан араб тилига таржима қилинган бўлиб, "Мақулот", "Барармониёс", "Таҳлил ал-қиёс". "Китоб ал-бурҳон", "Китоб ал-жадал", "Китоб ал-муқолата", "Аш-шеър" номлари билан маълум эди. Уша даврда Порфирийнинг "Исоғучи"си ва бошқа асарлар ҳам таржима қилинган эди. "Араблар файласуфи" Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий ҳам мантиққа бағишлаб "Китоб ал-мадхал ал-мантиқий" ("Мантиққа кириш китоби"), "Китоб ал-мадхал ал-мухтасар" ("Қисқача кириш китоби"), "Китоб ал-мақулот ал-хамс" ("Беш категория ҳақида китоб") кабиларни ёзди.

Мантиқ масалаларининг ривожланишида Абу Наср ал-Фаробийнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Унинг юнон файласуфларининг мантиққа оид асарларига ёзган шарҳлари ўрта аср мантиқига қўшилган катта ҳисса бўлди. Унинг кўпгина шарҳлари Арастуниг асарларига бағишланган. Бунга "Шарҳ китоб ал-бурҳон ли Аристоталис" ("Арастуниг "Иккинчи аналитика" китобига шарҳ"), "Шарҳ китоб ал-Хитоба ли Аристоталис" ("Арастуниг "Риторика" китобига шарҳ"), "Шарҳ китоб ал-қиёс ли Аристоталис" ("Арастуниг "Биринчи аналитика" китобига шарҳ"), "Шарҳ китоб ал-мақулот ли Аристоталис" ("Арастуниг "Категориялар" китобига шарҳ") ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Абу Наср ал-Форобийнинг мантиқ соҳасидаги ишларининг давомчиларидан бири турли илм жабҳаларига оид қатор асарлар яратган, ўз даврининг дунёга машҳур мавсуъий олими Абу Али ибн Синодир. У фалсафа ва мантиққа оид бир неча асарлар яратган. Мантиқ масалаларини ўз ичига қамраб олган асарлари орасида унинг "Китоб аш-шифо" ("Шифо китоби"), "Китоб ан-нажот" ("Нажот китоби"), "Ал-Мухтасар ал-Авсот" ("Ўртача мухтасар"), "Китоб ал-ишорот" ("Ишоралар китоби") ва бошқа асарларида мантиқ масалалари хусусида фикр юритилган.

Мусулмон дунёсида фалсафа ва мантиқ соҳасида катта хизматлар қилган олимлардан яна бири Абдул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рушддир (1126—1198). "Арастуниг органонини ал-Форобий мантиқи билан солиштириш", "Мантиқ масаларига оид" ва бошқа асарлар муаллифи Ибн Рушд Арастуниг энг яқин издошларидандир. Шунингдек, ўз даврининг энг муҳим асари "Таҳофут ат-таҳофут" ("Раддияга раддия")да машҳур мусулмон илоҳиётчиси ал-Ғазолийни танқид қилиб, араб тилида ижод қилган илгор фикрли файласуфлар Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Синоларнинг материалистик дунёқарашларини ҳимоя қилади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг назарий илмлари тартибида ҳар қандай тафаккур, илмий билимнинг зарурий ибтидоси сифатида акс этган мантиқ масалаларини ҳам ўрганган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқнинг роли ва масалалари ҳақида фикр юритиб, мантиқ на назарий, на амалий илмларга кирмасдан, алоҳида, қандайдир учинчи қисмни ташкил этади, деган нуқтаи назарни илгари сурадики, бу Ибн Синонинг ана шу масалага ёндашишига мос тушади.

Мантиқ (140—152-бетлар) Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий да тўққиз бобдан иборат. Муаллиф фикрича мантиққ; кириш сифатида "Исоғучи"ни баён этиш, яъни у Арасту нинг "Категориялар" асаридagi масалалардан олдин кели ши керак. "Исоғучи"—бу кириш, юнон тилида "Эйсагоге дейилади"¹.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқининг ўзига хо ўрни унинг материалистик мавқеда турганидан далолат дир.У Арасту гоясини давом эттириб, аниқ нарсаларнинг хоссаларини белгилаш учун "индивидуал" тушунчасини киритади. У "Ихвон ас-сафо" гоясини ривожлантириб ва уни Арасту фалсафий тизими руҳига яқинлаштириб ин дивид масаласини биринчи ўринга олиб чиқади ва "ин дивид мантиқ аҳлида у: Зайд, Амр, бу одам каби [маъноларни англзтади]..."², яъни ягона моҳият де таъкидлайди.

Худди шу ерда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий араб фалсафасидаги, бир томондан, ақл билан тушуниладиган бирламчи, яъни кўпгина объектив бир хил предметла; учун умумий бўлган тушунчаларни, иккинчи томондан ақл билан тушуниладиган бирламчиларнинг ўзига хо хусусиятларини акс эттирувчи тушунчаларни шарҳлайди Масалан, "кўриниш", "тур". "Тур"—бу кўринишга нисба тан умумийроқ хусусиятга эга бўлган нарса, худди "тирик" [сўзи] "инсон", "от", "эшак" [тушунчасига қараганда умумийроқдир]³.

Олим, ўз навбатида, категорияларга бўлинувчи умумий тушунчаларни икки хилга ажратади. "Мафотиҳ ал-улум муаллифи нарсанинг моҳиятини очувчи "таъриф"—"ҳадд масаласига алоҳида эътибор беради. Масалан: "Инсон — б; онгли ҳайвондир"⁴. Бу таъриф ҳақиқий таъриф бўлиб, биз дан холи ташқи оламдаги предметлар моҳиятини акс этти ради.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ масалаларини кўриб чиқишни (биринчи бобда) сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини баён этишдан бошлади. Урта ас

¹ Мафотиҳ ал-улум, 141-бет.

² Уша ерда, 141-бет.

³ Уша ерда, 141-бет.

⁴ Уша ерда, 142-бет.

Шарқ муаллифлари мантиқда сўзларнинг маъно англатишининг уч турини, яъни сўз ўзининг тўлиқ мазмунини англатиши, сўз ўз мазмунининг бир қисмини англатиши, сўз ўз мазмунидан келиб чиқадиган нарсани англатишини фарқлар эдилар. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бу турлар ва уларнинг мантиқий тушунчалардаги маънолари хусусида муфассал тўхтаб ўтади. Шу билан олим Яқин Шарқ мантиқ аҳли илгари сурган ва тушунчалар ҳақидаги таълимотнинг кирриш қисми деб ҳисобланган маъно англатиш таълимотини давом эттиради.

Шарқ муаллифлари, шунингдек Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам, маъно англатиш ва сўзлар маъноси масаласи мантиққа тегишли бўлмай, кўпроқ амалиётга тааллуқли эканлигини тан оладилар. Бироқ иборалар, маънолар ва тушунчалар ҳақидаги масала Арасту томонидан етарли даражада ишланган бўлгани учун, Шарқ олимлари бу масалани кўриб ўтишни Арасту "Категориялар"ининг кирриш қисмига қўшишни лозим топдилар. Масалан, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий грамматик ва мантиқий категориаларни солиштириб қуйидагича ёзади:

"Субстрат¹ — бу грамматиклар айтганидек, [исмий гапдаги] эга деб айтиладиган ҳамда хабарни [кесимни] талаб қилувчи, яъни тавсифланувчи нарсадир (от билан ифодаланган эгадир). Предикат² — буни улар [грамматиклар] исмий гапдаги эганинг кесими дейишадиган ва у [кесим] сифатдир, худди "Зайд ёзувчи" иборасидагидек. [Бу иборада] "Зайд" — бу субъект (субстрат), "ёзувчи" (сўзма-сўз маъноси: ёзаётган) бу кесим маъносидаги предикатдир"³.

Абу Наср ал-Фаробий ўз асарларида мантиқ "тафаккур ҳақидаги илм бўлиб, ёзма ёки оғзаки нутқда ўз аксини топади"⁴, деган фикрни қайд қилиш билан бирга Арастунинг тафаккур ва тил, мантиқ ва грамматика орасида боғлиқлик ҳолисани ўз асарида акс этгирса, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бу ҳолини янада ривожлантиради.

¹ Бирор ҳодиса ёки ҳолат асосини ташкил этувчи нарса.

² Муҳокама предмети, яъни субъектни аниқловчи тушунча.

³ Мафотиҳ ал-улум, 142-бет.

⁴ Аль-Фараби, Абу Наср Мухаммад. Логические трактаты. Алма-Ата, 1975. С. 62. (Ғаржима муаллифники).

Иккинчи боб Арасту "Категориялар"га бағишланган бўлиб, у қуйидаги сўзлар билан бошланади: "Арастунинг мантиққа оид китобларидан биринчиси "Қотигуриёс" дейилади. Аммо "Исоғучи"га келсак у Порфирий [китоби] бўлиб, уни мантиққа оид китобларга кириш сифатида тузган. Қотигуриёснинг маъноси юнон тилида категорияларни ("фикр", "мулоҳаза"ни) англатади. Категориялар ўнта, ва [улар] "ал-Қотигуриёт" дейиладилар¹. Биринчи категория — субстанция. "Субстанция — бу ўз ҳолича мустақил мавжуд бўлган ҳамма нарсалардир: "осмон", "юлдузлар", "ер ва унинг бўлаклари", "сув", "олов", "ҳаво", "ўсимликларнинг турли хили", "ҳайвонларнинг турли хили ва улар ҳар бирининг аъзолари"². Субстанция бу талқинда, унинг муаллифи буни хоҳлайдими, йўқми, нарсалар асосининг моддийлигига олиб келади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий қарашларининг асосий томони унинг ўз даврининг кўп мутафаккирлари фикр юритган, "иккинчи субстанциялар" ҳақида гап юритмаганлигидадир.

Ундан сўнг "миқдор", "сифат", "муносабат", "макон", "замон", "ҳолат", "вазият", "ҳаракат", "ҳаракатга йўлиқмоқ" категориялари ҳақида фикр юритилади. "Мафотиҳ ал-улум"дан яна баъзи мисоллар келтирамиз: "Бешинчи категория "мақула мато"— замон категорияси, бу нарсанинг маълум замонга тааллуқлигидир: "ҳозирги" "келажак", "худди", "кеча", "ҳозир", "эртага" каби. Олтинчи категория "мақула айна"— макон категорияси — бу нарсанинг ўз жойига тааллуқлигидир, худди "уйда", ёки "шаҳарда", ёки "ерда", ёки "оламда" каби иборалардагидек³. Бу боб мантиқий категорияларнинг ўзига хос талқини билан қизиқарлидир.

Мантиқ бўлими қисқалигига қарамай, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий унда "муҳокама"га алоҳида эътибор берган, учинчи боб тўлиқ шу масалага бағишланган. Ана шу бобда ўрта асрлар мантиқ аҳлида "Барармониёс" номи билан машҳур бўлган Арастунинг мантиққа оид "Иккинчи китоби"—"Таъбирлаш ҳақида" асари кўриб чиқилади. "Мафотиҳ ал-улум" муаллифи аввало араб тилшунослари анъана бўйича сўзларни бўлган уч туркум: исм, феъл ва

¹ Мафотиҳ ал-улум, 143-бет.

² Уша ерда.

³ Уша ерда. 144-бет.

юкламаларни шарҳлайди ва уларни мантиқ нуқтан назаридан кўриб чиқади, сўнгра муҳокама ҳақидаги таълимотга ўтади. "Қавл — муҳокама [бу] "исм" ва "сўз" дан [яъни феълдан] иборат нарса... Қавл ал-жозим — қатъий муҳокама... Қадиййа — бу қавл ал — жозимдир, яъни қатъий муҳокама, худди "фалончи — ёзувчи" ёки "фалончи — ёзувчи эмас"¹. Мулоҳаза предикатнинг субстратга таъкидловчи ёки инкор этувчи, яъни унинг мавжуд бўлиши лозимлиги ёки лозим эмаслигига муносабатини акс эттиради.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда муҳокамалар таснифи бошқа кўпгина мантиқшуносларга қараганда анча тўлиқ бўлиб, олим уларни: сифат жиҳатдан — таъкидловчи ёки инкор этувчи; ҳажм (миқдор) жиҳатдан — умумий, хусусий, нозик ва миқдорий тавсифларга бўлади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқда муҳокама модаллиги бўйича лозим бўлган, мумкин бўлган ва ҳақиқийга бўлинишига катта эътибор беради ва, биринчидан Арасту ғоясини формал-схоластик ҳолда эмас, балки унинг асосий моҳиятини акс эттиради; иккинчидан, бу муҳокамалар муайян вақтда муҳокамалар таснифининг таркибий қисми эканлиги сифатида тушуниладиган фикрга яқин келади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдан олдин кўпгина мантиқшунослар муҳокаманинг бундай таснифини бермаганликларини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Кўриб ўтаётган бўлимимизнинг тўртинчи боби Арастунинг "Биринчи аналитика"сига бағишланган. Муаллиф "хулоса", "хотима", "солиштириш" каби атамаларни; асос (далил) бўла оладиган ҳукм хиллари (шартли, катта, кичик) ва бошқаларни талқин қилади ва ўзининг муҳокамалар таснифини янада ривожлантириб, хулоса чиқаришга ўтади. У шунингдек, кўринишлар, анъанавий уч шаклга (фигура), силлогизм² модулларга таъриф беради. Силлогизм хулоса чиқаришнинг энг муҳим хили ва у араб тилида ижод этган олимлар шакллантирган мантиқда алоҳида эътибор берилган назарий билимларни эгаллашдаги асосий воситадир. Араб тилида ижод этганлар томонидан шакллантирилган, мантиқ аҳли таи олган ва

¹ Мафотиҳ ал-улум, 146-бет.

² Икки фикрдан учинчи мантиқий хулоса чиқариш.

ўрганган юқоридаги кўринишлар, шакллар (фигура) ва силлогизм модуслари замонавий формал мантиқдан ўрин олган.

"Аподейтика" деб номланган бешинчи бобда асосан Арастунинг "Иккинчи аналитика"си ўз ичига олган масалалар кўриб ўтилади. Бу бобда олим, бир томондан, Арастудан сўнг моддий, формал, фаол ва мақсад каби тўрт сабаб моҳиятини, хулоса-чиқаришнинг индукция¹ ва ўхшашлик каби турли хилларини тушунтирса, иккинчи томондан силлогизм турларидан бири бўлган бурҳон, яъни изоҳлашни кўриб ўтади. У Абу Наср ал-Фаробий йўлини давом эттириб, шартли муҳокамаларни бирлаштирувчи ва ажратувчиларга бўлади.

Олтинчи "Толика" бобида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий диалектика асослари — рақибни, тўғрими ёки сохтами, қандай бўлмасин, ўз даъволаридан воз кечишга мажбур қилиш маҳоратига эга бўлган баҳс, мунозара санъати хусусида фикр юритади.

Еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи бобларда эса ўша даврда силлогизм хиллари ҳисобланган софистика, риторика ва поэтика кўриб ўтилади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий силлогизмнинг ҳар бирини Арастунинг мантиқ асарлари сифатида зикр этади.

Кўриниб турибдики, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий қадимги юнон илгор маниқий анъаналарини Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё фалсафаси материалларидаги ўзига хос, ажойиб тоялардан фойдаланиб бойитди ва ривожлантирди.

Тибб

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг илмлар таснифида назарий фалсафага табиий илмлар ва риёзиёт илмларини киритиб, биринчи гуруҳ тибб, минералогия (бу илм гарчи асарда алоҳида қайд этилмаган бўлса ҳам, иккинчи қисмининг икки, тибб ва ал-кимия бўлимларида қисман акс эттирилган), ал-кимия ва механикадан иборат дес ҳисоблайди.

Абу Бакр ар-Розий, Али ибн Раббон ат-Табарий, Алр ибн Аббос ал-Мажусий. Абу Саҳл Масиҳий ва, айниқса, Абу

¹ Жузъий ҳодисалардан умумий нағжа чиқариш.

Али ибн Сино каби буюк олимлар ва табиблар ўз вақтида тиббга катта ҳисса қўшганликлари туфайли у қадимги даврдагига қараганда анча илгарилаб кетади ва ўз ривожининг юқори даражасига етади. Абу Али ибн Синонинг "Тибб қонунлари" асари XIX асрга қадар энг муҳим қўлланма бўлиб келди ва академик В. Н. Терновский айтганидек: "уни ("Тибб қонунлари"— Р. Б.) инсоний тафаккурнинг гениал асари, ўз аҳамияти ва мазмуни жиҳатидан инсоният маданиятининг тимсоли деб айтса бўлади"¹.

"Мафотиҳ ал-улум" муаллифи назарий тибб ва фармокология масалалари билан шуғулланганлардан биридир. "Тибб қонунлари" асари бунёдкоридан олдин яшаган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий тиббга (152—183-бетлар) саккиз бобдан иборат иккинчи қисмининг учинчи бўлимини бағишлади.

Биринчи — "Анатомия" бобида муаллиф одам аъзоларини кўриб чиқади. Аввало у артерия ва веналарни, сўнг мускуллар, кўз, орқамия, ички аъзолар (ҳалқум, трахея, қизилўнғач, ошқозон ва кўкрак билан қурсоқ ўртасидаги парда)ни тавсиф қилади.

"Артерияларга қуйидагилар киради:

Абҳарони — [бу икки артерия] юракдан чиқиб келади, сўнгра бошқа артерияларга бўлиниб кетади.

Машҳур ҳаракатсиз томирларга [вена] кирувчилар:

Босилиқ. У билан [суяғни] да жойлашиб, ички томондан қўлтиқ остига қараб кетган.

Қифол. У ҳам [худди] шунингдек [фақат] билан [суяғининг] ташқи томонида жойлашган...

Хабл аз-зироб [билан венаси] — бу томир курак [суяғининг] ташқи томонида бўлиб, қифолнинг тармоқларидан бири...

Софин — бу вена болдирда бўлиб, тўпик олдида ички томондан бўртиб чиққан...

Азал [мускуллар], унинг бирлиги "азала". Бу марҳаматли парвардигори олам Аллоҳ Таъоло тирик мавжудот учун яратган ихтиёрий ҳаракат қуролидир. [Мускуллар] гўшт, асаб ва пайлардан иборат. Инсоннинг энг катта [мускули] болдир мускули, энг кичиги эса — қовоқни ҳаракатлантирувчи кўз мускулидир..."²

¹ В. Н. Терновский. Ибн Сина (Авиценна). М., 1969. С. 39.

² Мафотиҳ ал-улум, 153—154-бетлар.

Бу бўлимнинг энг катта боби касалликларга бағишланган иккинчи боб бўлиб, улар қуйидаги тартибда: аввал касаллик номи, кейин унинг хиллари ва моқияти, сўнгра эса аломатлари берилган. Муаллиф касалликларнинг арабча номлари келиб чиқишига ва уларнинг ҳаракати (яъни талаффузи)га катта эътибор беради.

"Тухама — [меъданинг овқатни ҳазм қила олмаслиги]— маълум. [Бу сўз], ваҳамадан "в" [ҳарфини] "т" га [алмаштириш] йўли билан, худди "ваҳм"дан "туҳма" [ясалгандек] ясалган алабий тилда "х" [ҳарфи] фатҳа билан ҳаракатланади...

Хашм — [ҳид билмаслик]— [бу касалликда] киши ҳид билиш қобилиятини йўқотди; ҳид билиш қобилиятини йўқотган киши на ёқимли ва на бадбўй ҳидни сезмайди; [бу сўз] "хайшум"дан келиб чиққан, чунки [касали] бурун тешикларини зарарлайди¹.

Ўрта аср Шарқ табобатида парҳез ва шифобахш таомларга катта эътибор берилган. "Мафотиҳ ал-улум" муаллифи учинчи бобни бу масалаларга бағишлаб, унда фақат таомлар номини келтириш билан чекланиб қолмай, уларни тайёрлаш усулларини ҳам кўрсатиб ўтган. У ёки бу атамани шарҳлашда муаллиф ўзидан олдин ўтган олимлар сўзларини келтиради. Масалан:

"Атрийа-аксийа [сўзи] вазнида — [угра ош, увра]— Сурия аҳли таомларидан [бири]; ал-Халил бу [сўзнинг] бирлиги йўқ деган эди; баъзилар [у] "зибийа" вазнида касра билан ҳаракатланади дейишади².

Худди шу бобда турли мевалар, кўкатлар ва балиқ турларининг номлари келтирилади.

Уша даврдаги табобатда барча дорилар икки — содда ва мураккаб турларга бўлинар эди. Улар ўсимлик, ҳайвонот ва минераллардан тайёрланар эди. Учинчи бўлимнинг тўртинчи боби содда дориларга бағишланган. Унда аввал дори номи, сўнгра эса унинг талқини берилди. Масалан:

"Истирак — [стирак]— бу зайтун дарахтининг олими...

Фил захраж — [ликний]— сурёнийча "марорат фило". У айтади: у уч хил [бўлади]; улардан бири зирқдан

¹ Мафотиҳ ал-улум. 160—161-бетлар.

² Уша ерда, 166-бет.

олинадиган ҳузаз, иккинчиси — ҳулон шарбати [подшоҳ дарахт меваси] ва учинчиси — туя сийдигидан тайёрланган дори; мси уни [учинчисини] тўғри дес ҳисобламайман...

Созаж — [малобатр]— бу Ҳиндистонда ботқоқлик жойларда ўсувчи ва сув юзасида бақатўн [сув ясиғи] сингари пайдо бўладиган ўсимлик; унинг илдизи йўқ, уни йиғадилар зигир (толасидан қилинган) ипга терадилар ва қуритадилар...

Фогира — [Ибн Сино фогираси]— бу ҳинд сув ни-луфарининг илдизи¹.

Алоҳида бобда ташқи кўринишидан бирор нарсага ўхшашлиги туфайли ном олган дорилар ҳақида маълумотлар жам қилинган. Масалан: Занаб ал-хайл — "от думи", азан ал-фа'р — "сичқон қулоқлари", рижл ал-ғуроб — "қарға оёғи", асо ар-ро'и — "чўпон ҳассаси" ва бошқалар.

Олтинчи боб мураккаб дориларга бағишланган. Унда муаллиф қуйидаги дори шакллари: маъжун, ҳапдори, тугмача (кулча) дори, юмалоқ (таблетка) дори, кукун (порошок) дори, компресс ва бошқалар хусусида тўхтаб ўтади.

Мураккаб дорилар тавсифи худди содда дорилар тавсифи тартибда, яъни аввал дори номи, сўнгра унинг таркиби берилди. Масалан:

"Майбих — [беҳи шарбати]— беҳи шарбати ва шаробдан иборат бўлгани учун унинг номи икки таркибий қисм номидан иборат...

Сиканжубин — сиркаасал (окумет) — у сирка ва асалдан иборат, кейинчалик гарчи асал ўрнига шакар, сирка ўрнига эса беҳи шарбати ёки бошқа бирор нарса ишлатилган бўлса ҳам дориларни шу ном билан аташган².

Ўрта асрлар табиблари томонидан фойдаланилган оғирлик ва сочилувчан жисмлар ўлчов бирликлари баён қилинган боб ўқувчи эътиборини ўзига тортади. Бу бобнинг муҳимлиги шундаки, у ҳозирда камсб ҳисобланган у ёки бу дорилар меъёрини аниқлашга ёрдам беради. Бу ўлчов бирликлари турли асрларда, турли минтақаларда тез-тез ўзгариб турганини эътиборга олсак, бўлим аҳамиятининг қиммати янада ошади. Бу бобда даярли барча

¹ Мафотиҳ ал-улум. 169—171-бетлар.

² Уша ерда, 176—177-бетлар.

огирлик ва сочилувчан жисмлар ўлчов birlikлари шарҳланади. "Мафотиҳ ал-улум" муаллифи бу масалага аниқлик киритиш мақсадида, яхшироқ тушунтириш учун, кўпгина birlikларини икки ва ундан ортиқ эквивалент билан шарҳлайди. Бир неча мисол келтирамиз.

"Итолиқус — ўн саккиз уқийй..."

Қиштор — бир юз йигирма ритл...

Миср боқиласи — қирқ саккиз шаъира, бу эса ўн икки қиротга тенг...

Толантун — ҳар бир ритли ўн икки уқийага тенг ҳисобида олинганда бир юз йигирма беш ритл.

Тулун — тўққиз уқийй; уни шунингдек қутул ва катта ускуражжа дейишади¹.

Олим бўлим охиридаги алоҳида бобда, инсоннинг ўша давр табобатида маълум бўлган мижоз, қон томври уришлари каби кўпгина ҳолатлари тавсифини келтирган: "Томир уришининг [бошқа] кўпгина ҳолатлари бор ва ҳар бирининг ўз номи бўлиб, уларни зикр қилиш таъни чўзиб юборади. Уларни фақат моҳир ҳозиқ табибларгина тасаввур қила оладилар, улар масалан қуйидагилар: "чумолисимон", "чувалчангсимон", "аррасимон", "кийик томир уруши", "кийксимон", "сичқон думясимон", "болғасимон", "тўлқивсимон" ва шунга ўхшашлар"².

Арифметика

Жаҳон риёзиёт тафаккурини ўзининг юқори даражали ютуқлари билан бойитган IX—X асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари риёзиёти ривожланишининг классик даври ҳисобланади. Бу давр, яъни Ўрта асрлар Шарқ риёзиёти унга самарали таъсир кўрсатган Қадимги юнон ва Ҳиндистон риёзиёти асосларида ривожланди. Ўрта асрлар риёзиёти эса Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли халқлари томонидан яратилган ва унинг шаклланишига Марказий Осиё халқларининг намоёндалари қўшган ҳиссани акс эттиради.

Ўрта асрлар Шарқ олимларининг риёзиётдаги изланишлари тўғрисида арифметика соҳасида ноль ишлатилган ўнлик позиция ҳисоблаш тизими тарқалиши асосида

¹ Мафотиҳ ал-улум, 178—180-бетлар.

² Ўша ерда, 183-бет.

муҳим натижаларни эришилди. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий асарлари жаҳон риёзиёт илмида арифметиканинг кейинчалик ривожланиши учун катта имкониятларни ўзида мужассам қилган янги ҳисоблаш тизимини бошлаб берди.

Илму-н-нужумда қўлланган бутун ва каср сонларнинг олтинчилик позиция ҳисоблаш тизимидан фойдаланишни ҳам Марказий Осиё олимлари яратганлар.

Мустақил математик фанлар пайдо бўлиши ўша давр олимлари изланишларининг катта ютуқларидир. Марказий Осиёлик Абул Вафо, Абу Райҳон Беруний ва Насириддин Тусийларни тригонометрия асосчилари деб айтиб ўтиш мумкин. Алгебра мустақил фан бўлиб шаклланишида эса Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва Умар Хайём (1048—1122) асарлари муҳим роль ўйнади.

"Мафотиҳ ал-улум"даги математик илмларни кўриб ўтишдан олдин ўрта аср риёзиёти тарихининг турли масалаларини бизнинг бир қатор олимларимиз ўрганганликларини қайд қилиб ўтиш керак.¹

Яқин ҳамда Ўрта Шарқ ва, алалхусус, Марказий Осиё халқларининг риёзиёт фанлари ривожланишида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "Мафотиҳ ал-улум" асари маълум роль ўйнади. Анъана бўйича тўрт синфга бўлинган аниқ фанларни Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг илмлар таснифидаги фалсафанинг назарий бўлимига тааллуқли бўлган ҳамда ўз ичига арифметика, ҳанласа, илму-н-нужум ва мусиқани олган риёзиёт илмларига қўшган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарида арифметика² (184—201-бетлар) беш бобдан иборат. У Ўрта асрлар Шарқ риёзиёт аҳли томонидан қабул қилинган таснифдаги сон ҳақидаги таълимотнинг биринчи бўлими бўлган назарий арифметикадан башланади. Уни олим "ал-арисмотиқо" атамаси, яъни шу илмнинг юнонча номининг араб тилидаги транскрипцияси орқали ифодалайди. Арифметиканинг бу бўлимига алоҳида эътибор берган Абу Абдуллоҳ

¹ Т. Н. Қори-Низий, С. Ҳ. Сироҷиддинов, Б. А. Розенфельд, А. П. Юшкевич, Г. П. Матвеевская, А. Аҳмедов, М. А. Аҳадова ва бошқалар асарларига қараи.

² Бу бўлим Г. П. Матвеевскаянинг "Учение о числе на средневековом Востоке". (Гашкент, 1967) китобида таъриқ қилинган.

ал-Хоразмий унга беш бобдан тўрттасини бағишлайди. 1 ва бошқа риёзиётчилар асарлари¹ Марказий Осиё олимлари ўрта асрларда назарий арифметикага алоҳида эътибор берганлар ва унинг ривожланишига улкан ҳис қўшганлар деган фикрни тасдиқлайди.

Сон назарий арифметиканинг объекти бўлиб, у П. фагор руҳида "Сон бирликлар йиғиндисидир"², лекин "би сон бўлмай, балки унинг элементи"³дир, яъни у сон тегишли эмас, деб тавсифланади.

Назарий арифметиканинг биринчи бўлими, алаҳусси "алоҳида миқдор" ҳақидаги таълимотга "Мафотиҳ а-улум"⁴нинг биринчи боби бағишланган. Бу ерда Ал-Абдуллоҳ ал-Хоразмий жуфт ва тоқ, жуфт-жуфт, жуфт-тоқ, жуфт-жуфт-тоқ, сода ва мураккаб, мутлақ каб сонларнинг таърифини баён қилади.

"Жуфт сон — бу тенг икки қисмга бўлиниши мумкин бўлган [сон]. Тўрт ва олти каби.

Тоқ сон — бу тенг икки қисмга бўлиниши мумкин бўлмаган [сон] уч ва беш каби.

Жуфт-жуфт [сонлар] — бу бир ҳосил бўлгунча кетма-кет бўлиниши мумкин бўлган [сон], олтинчи тўрт, уна ярми ўттиз икки, ўттиз иккиннинг ярми ўн олти, ў олтининг ярми саккиз, саккизнинг ярми тўрт, тўртнинг ярми икки, иккиннинг ярми бир...

Жуфт-жуфт-тоқ сон — унинг ярми жуфт [бўлиб, ҳам] бутун сонли бўлган икки тенг қисмга бўлиниши мумкин, у эса бирдан кўп ва бир ҳосил бўлмайди. У икки тенг иккига бўлинишида аввал олти, сўнгра эса у ҳосил бўлгани каби"⁴. Назарий арифметиканинг худди ш бўлимига "Мафотиҳ ал-улум"даги арифметика бўлимининг учинчи боби ҳам тааллуқлидир. Унда олим шакли сонларни кўриб чиқади ва уларни "ясси ва жисми сонларга" бўлади. Ана шу бобда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий шаклий ва ясси сонлар: тўғрибурчакли, учбурчакли бешбурчакли ва ҳоказо ҳамда жисмий: кубсимон, конус симон ва ҳоказо сонларни мукамал равишда баён этади

¹ Г. П. Матвеевская. "Учение о числе на средневековом Востоке" С. 111.

² Мафотиҳ ал-улум, 184-бет.

³ Уша ерда, 184-бет.

⁴ Уша ерда, 184—185-бетлар.

"Ясси шаклий сонлар. Уларга тааллуқли [сонлар]:

— учбурчакли сонлар, масалан: бир, уч, олти, ўн;

— квадрат сонлар, масалан: бир, тўрт, тўққиз; улар учбурчакли сонлар йиғиндисидан ҳосил бўлади ва иккита кетма-кет учбурчакли сонлар йиғиндиси квадрат сонни ҳосил қилади; кейинчалик улар ҳар бири олдингисидан икки [сон]га катта бўлган тоқ натурал сонлар йиғиндисидан ҳосил бўлади;

— бешбурчакли сонлар, масалан: бир, беш, ўн икки; улар натурал қаторда бир-биридан учга фарқ қилган ҳамма сонлардан ҳосил бўлади"¹.

"Жисмий сонлар. Конуссимон сонлар — улар шунингдек ал-музавнаб ҳам дейилади — бири иккинчиси устига қатланган ясси сонлардан ҳосил бўлади. Бунга учбурчакли ўзакка эга бўлган сонлар: бир, тўрт, ўн, йиғирма тегишли; улар учбурчакли сонлар бирлашиши туфайли ҳосил бўлади. Шунингдек унга квадрат ўзакка эга бўлган сонлар: бир, беш, ўн тўрт, ўттиз тегишли; улар квадрат сонлар бирлашиши орқали ҳосил бўлади. Худди шу исғизда бунга тааллуқли бошқа сонлар ҳам ҳосил қилинади"².

Назарий арифметиканинг иккинчи бўлимига — "боғлиқ миқдор" ҳақидаги таълимот — арифметика бўлимининг иккинчи боби бағишланган бўлиб, унда сонлар ўзаро обеликда кўриб чиқилади.

"Боғлиқ миқдор икки хил бўлади, ундан бири — енглик муносабати худди беш ва беш, ўн ва ўн; бу ил кўринишларга бўлинмайди; иккинчи хили — тенгсизлик муносабати, [у ўз вақтида каттароқ ва кичикроқ тенгсизликларга ажралади]; каттароқ тенгсизликнинг беш ўриниши бор:

— каррали, худди тўрт иккиннинг карраси, олти учнинг арраси каби;

— бир бўлакка катта бўлган, худди учнинг иккига исбати каби; [бунда] у иккидан тенг ярмига катта;

— [бир неча] бўлакларга катта, худди бешнинг учга исбати каби; [бунда] учни учдан иккисига катта;

— бир бўлакка катта каррали, худди еттининг учга исбати каби; у уч карраси ва яна шу соннинг учдан ичрини ўз ичига олади;

¹ Мафотиҳ ал-улум, 188—189-бетлар.

² Уша ерда, 189-бет.

— [бир неча] бўлақларга катта қаррали, худди саккизнинг учга нисбати каби; у уч қарраси ва яна учнинг учдан икки қисмини ўз ичига олади"¹.

Назарий арифметиканинг учинчи бўлимига — сонларни фақат мутлақ маънода ўрганувчи сонларнинг муносабати ва нисбати таълимотига биз кўриб чиқаётган асар арифметика бўлимининг тўртинчи боби бағишланган, бироқ "Ўлчанадиган [сонлар]" деб номланган. Унда birlikла таърифи, арифметик, гармоник ва бошқа нисбат турлари бериллади.

Энг катта — бешинчи бобда Марказий Осиё олимлари томонидан мукаммаллаштирилган амалий арифметика кўриб ўтилади. Кўпгина Шарқ муаллифлари фикрининг тарафдори бўлган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий унда ҳисоб тартибларига кирган "ҳинд ҳисоби" (ҳисоби ал-ҳинд) ва "ҳарфий ҳисоб" (абжад), яъни араб алифбосидаги ҳарфларнинг сон мазмунларини ишлатиш, сонлар, касрлар ва илдишларини акс эттиришни кўриб ўтади. У боб охирида алгебра асослари ҳақида маълумот бериб унга "қийин масалаларни ечишдаги ажойиб усул"² деб юкса баҳо беради. Боб мусулмон қонун-қонидларига биноан меросни бўлиш ҳақида бир неча амалий масалаларни баён этиш билан якунланади.

Ҳандаса

"Мафотиҳ ал-улум"даги ҳандаса (202—209-бетлар тўрт бобдан иборат. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фанларнинг амалий қисмига тааллуқли деб ҳисоблаган биринчи боб "Ушбу санъатга кириш" деб аталади ва унда олим бўлим номининг келиб чиқиши, Евклиднинг "Китоб ал-устқуссот" ("Бошланишлар китоби") асарининг шу фанга қўшган ҳиссаси, ҳандасада ишлатиладиган катталиқ (қиймат), сирт ва ҳоказо атамаларни кўриб чиқади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий "Чизиқлар" деб номланган иккинчи бобда чизиқлар хусусида тўхталиб "чизиқлар у хил бўлади, яъни тўғри, ботиқ ва ёйсимондир", дейди

¹ Мафотиҳ ал-улум, 187-бет.

² Уша ерда, 200-бет.

Параллел чизиқларни у қуйидагича таърифлайди: "Параллел чизиқлар — бу [шундай чизиқларки] уларни чексизликкача давом эттирилганда ҳам кесилмайдиган [чизиқлардир]"¹.

Худди шу ерда у бурчак тушунчасини ёритади. Ва, алалхусус, у: "Ясси бурчаклар уч хил бўлади: тўғри, ўткир ва ўтмас... ўткир бурчак тўғри [бурчакдан] кичик бўлади. Ўтмас бурчак тўғри [бурчакдан] катта бўлади"² — деб ёзади. Бу бобда, шунингдек, айлана, доира, томон, перпендикуляр, хорда ва бошқа тушунчалар шарҳланади.

"Мафотиҳ ал-улум" муаллифи учинчи бобни ясси геометрик шаклларга бағишлайди ва қуйидагиларни ёзади: "Ясси шакллар уч хил бўлади: ясси, қабарик, ботиқ. Ясси шакллар киллари:

Ўчбурчак. У уч хил бўлади — тўғри, ўткир, ўтмас.

Тўртбурчак. У беш хил бўлади — тўғри, тўғрибурчакли, ромбонд, параллелограмм, трапеция"³.

Шу ернинг ўзида ўчбурчак ва тўртбурчаклар ҳар бир хилининг тўлиқ тавсифи бериллади. Ушбу бобда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бешбурчак, олтибурчак, еттибурчак каби кўпбурчаклар хусусида батафсил тўхталиб, улар ҳар қайсисининг тўлиқ тавсифини келтиради.

Ушбу бўлимнинг охириги, тўртинчи боби жисмий геометрик шакллар: куб, конус, шарга бағишланган. Бу ерда, шунингдек, мураккаб эгри чизиқлик сатҳлар: ясмиқсимон, ойчасимон ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар келтирилиши олимнинг ушбу илмга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда ҳандаса илми ўрта асрда юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Илму-н-нужум

Денгизда кемалар ҳаракатининг кўпайиши, тижорат, иқтисод, сув манбаъларидан фойдаланиш ва шу қабиларнинг ривожланиб кетиши самовий жисмлар ҳақидаги фан — илму-н-нужум — астрономия, жумладан, унда ишлатиладиган асбоблар пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди.

¹ Мафотиҳ ал-улум, 204-бет.

² Уша ерда, 204—205-бетлар.

³ Уша ерда, 206-бет.

829 йилда Бағдодда катта расадхона қурилиши муносабати билан астрономик кузатишлар янада авж олиб кетди.

Халифа ал-Маъмун даври, яъни Бағдод астрономи мактаби ривожланиши авж олган вақтда ўша давр олимлари Синжор текислигида ер меридианининг бир градуси узунлигини ўлчадилар. Астрономик жадваллар тузилиши ҳам шу вақтга тўғри келади. Астрономияга оид асарлар — "Зижлар"нинг пайдо бўлиши ушбу фанни ўрганиш ниҳоятда зарурлигини кўрсатади. Оврупода узоқ вақт астрономия тадқиқот асослари сифатида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳамда ал-Фарғоний ва ал-Марвазий жадваллари ишлатилиб келинди. Марказий Осиёда астрономия Улугбе дарвида ўз ривожланишининг энг юқори даражасига етди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг кўриб ўтилдиган асарларида астрономияга (209—235-бетлар) оид бўлим тўрбобга ажратилган. Юлдузлар туркуми, уларнинг турлари ҳолати ва ҳаракати "Ҳаракатланувчи ва турғун ёриткичлар ва уларнинг юлдузлар туркумида жойлашиши" деб номланган биринчи бобда кўриб ўтилади.

Аввал астрономия сўзига таъкид берилади: "Юлдузлар ҳақидаги илм араб тилида *ат-тан-жим*, юнон тилида — *устуркумия* бўлиб, "устра" юлдузлар, "нумийа" эса илм маъносини англатади.

Ҳаракатланувчи сайёралар [ёриткичлар] — бу: Зуҳра (Сатурн), Муштарий (Юпитер), Миррих (Марс), Қуёш Зуҳра (Венера), Уторид (Меркурий), Ой, улар ўз навбатида форс тилида Кайвон, Ҳурмуз, Баҳром, Хур, Ноҳид Тир, Моҳ дейилади.

Турғун ёриткичлар — бу фалакдаги зикр этилган етти та ҳаракатланувчи сайёралардан ташқари, барча юлдузлардир.

Турғун ёриткичлар қирқ беш юлдуз туркумида жойлашган. Ана шу [юлдуз туркумида] ўн иккитаси осмон гумбазидан ўрин олган. Эклиптикадаги беш юлдуз туркуми [ўн икки бурж], яъни Қўчқор, Ҳўкиз Эгизак, Қисқичбақа, Арслон, Қиз, Тарози, Чаён, Отувчи Эчки, Сув қуювчи, Қўш балиқдир. Ҳамал (Қўчқор юлдуз туркуми) шунингдек Кабш, Жавзо (Эгизак юлдуз туркуми) — ат-Тавамайн, Асад (Арслон юлдуз туркуми) — Лайс, Сунбула (Қиз юлдуз туркуми) — Азро, Жадй (Эчки юлдуз туркуми) — Тайс, Хут (Қўш балиқ юлдуз туркуми) — Самака деб номланади.

Шимолий юлдуз туркуми — ўн тўққизта — бу: Кичик айиқ, Аждар, Катта Айиқ, Цефей, Ҳўкизбоқар (Қичқирувчи), Шам Тожи, Тизчўккан, Илонэлтувчи, Лира (Чанг), Бургут ва ўқ, Дельфин, Товуқ, Биринчи от, Иккинчи от, Тахтадаги хотин, Андромеда (Эр кўрмаган хотин), Учбурчак, Персей (Горгонанинг бошини кўтарувчи), Жилув ушлаб турувчи (Чўпон).

Жанубий юлдуз туркуми — ўн тўртта — бу: Кит, Анҳор (Эридон), Жаббор, Қуён, Буюк Ит (у Катта Итнинг ўзидир), Кичик Ит, Кема (Арго), Гидра (Шижкатли), Қарға, Жом (Коса), Центавр (Кентавр), Қурбон-оҳ, Жанубий Тоғ, Жанубий Балиқ¹. Бу бобда, шунингдек, Ойнинг ушбу (қирқ беш) юлдуз туркумидаги илгирма саккиз манзили ҳақида ҳам маълумот берилган.

Иккинчи — "Гумбазлар" [Фалаклар] ва уларнинг (тартибий) қисмларини зикр этиш. Юлдузларнинг қоида қалағидаги жойлашиши ҳақида "Ер устиининг (хиллари) ва унинг иқлимлари ҳақида" деб номланган бобга фалаклар тузилиши ва унда фасллар алмашинуви ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий али алоҳида илм сифатида ажратмаган ва астрономияга алоҳида фан сифатида хизмат қиладиган жуғрофия ақида ҳам маълумотлар берилган. Жуғрофий тушунчаварга, олим фикрича, экватор, кенглик, узунлик ҳамда турли шаҳарлар номлари киради.

Учинчи бобда ўрта асрларда нафақат Яқин ва Ўрта Тарқда, балки Овруло мамлакатларида ҳам кенг тарқалган астрология фани намояндаларининг турли қарашлари ҳақида гап юритилади.

Охириги — "Астрономлар асбоблари ҳақида" деб номланган бобда ўша даврда астрономлар ишлатган асбоблар зикр этилади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий устурлоблар тасувида тўхталиб, ушбу асбобнинг хиллари ва қисмларини шарҳлайди: "Али-Идода — линейкага ўхшаш (узун таль) бўлиб, унинг чеккаларига ўртасида тешиклари бўлган перпендикуляр тахтакачлар (даста) ўрнатилган"².

Шу бобнинг охирида вақтни ўлчашда ишлатилган қатор асбобларнинг тавсифи баён этилган.

¹ Мафотиҳ ал-улум, 210—213-бетлар.

² Ўша ерда, 233-бет.

Муסיқа

Илк ўрта асрда бошқа илмлар билан бир қаторда муסיқа илми ҳам шаклланди ва ривожланди. У ўзининг ривожланишида маҳаллий (Марказий Осиё ва Эрон) муסיқа анъаналаридан озуқа олиш билан бирга бошқа мамлакатлар ва халқлар, аввало эллинистик Юнон муסיқавий-назарий ютуқларини ўзида мужассам қилди.

Юнон муסיқасининг таъсири таржимачилик иши авж олган пайтда айниқса кучайди. Бу вақтда Арастунинг "Гармоника" ва "Ритмика", Евклиднинг "Гармоника" ва "Қонун", Птолемейнинг "Гармоника", Никомахнинг "Гармоника" ва шу каби бир қанча асарлари араб тилига таржима қилинган эди.

Антик юнон мутафаккирлари Аристоксеннинг¹ муסיқавий таълимоти изидан бориб, муסיқани риёзиёт илмлари қаторига киритдилар ва уни "Гармоника" деб номладилар. Гармоника деганда сонлар муносабати орқали ифода этилган муסיқавий оралиқлар мутаносиблиги назарда тутилган. Юнон олимлари анъанаси Ўрта асрлар Шарқ маданиятига катта таъсир кўрсатганлиги муסיқада ҳам ўз аксини топган.

IX—XI асрларда "муסיқа назариясини математик шакл орқали ифода этиш муҳим" деган фикрни илгари сурган олимлар муסיқа назариясини ўргандилар ва ишлаб чиқдилар.

Кейинги бир неча юз йиллар давомида Шарқ ва Ғарб муסיқа назариясига олимлари Абу Наср ал-Форобийнинг "Муסיқага оид катта рисола", Абу Али ибн Синонинг "Китоб аш-Шифо", "Китоб ан-Нажот" асарлари ва шу каби бошқа китобларга таяниб, тадқиқотлар олиб борганлар. Ўрта аср олимлари муסיқадан баъзи бир касалларни даволашда дори сифатида ҳам фойдаланганлар.

Ўзидан олдин ўтган олимларнинг муסיқа ҳақидаги таълимотини давом эттирган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий уни риёзиёт илмлари қаторига қўшади. Муסיқа (235—246-бетлар) ҳақидаги бўлим уч бобдан иборат. "Муסיқавий асбоблар номлари ва улар билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида" деб номланган биринчи бобда, одатдагидек, аввал "муסיқа" сўзининг келиб чиқиши, сўнгра Марказий Осиёда ўша вақтда

¹ Эрампиздан олдинги 350 йилларда яшаган.

қўлланилган турли мусиқавий асбоблар номлари ва уларнинг келиб чиқиш жойлари берилади. У танбур, сурнай, чанг, шоҳруд ва бошқа асбоблар шакллари ва тузилиши ҳақида фикр юритади. У айниқса барбат — уд тузилишига батафсил тавсиф беради ҳамда сўз этимологияси ва тор номларини келтиради: "Уднинг тори тўртта. Уларнинг энг қалини — бу "бамм" [тори], ундан кейин "маслас" [тори] келади, учинчи, [тор] "масна" ва тўрттинчи энг ингичка [тор]—"зир"¹. Кейин Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий уднинг тўрт сози устида тўхталиб: биринчи — кўрсаткич бармоқ, иккинчи — ўрта бармоқ, учинчи — сўфи бармоқ, тўрттинчи — жимжилоқникидир, дейди. Баъзилар уднинг бешинчи тори Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий даврида киритилган деб ҳисобласалар, баъзилар бешинчи торни Абу Наср ал-Форобий киритган деган фикрни илгари сурадилар. Аммо Абу Наср ал-Форобий даврида беш торлик уд ҳали кенг тарқалмаган эди. Беш торлик уд ҳақидаги маълумотлар Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда ҳам учрамайди. Бунга беш торлик уд кейинчалик кенг қўлланмаганлиги ёки у фақат Абу Наср ал-Форобий каби мусиқанинг жуда ўткир билимдонлари томонидангина ишлатилганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин. "Мусиқа "жам"лари ҳақида" деб номланган иккинчи бобда муаллиф китобхонларни мусиқа назариёти билан таништиради, куй, оҳангдошлик, парда ораси, товуш қаторлари, мусиқадаги ўзаро мослик, унинг уч услуби ва ҳоказолар ҳақида ёзади. "Амалда ишлатиладиган ритмлар ҳақида"ги учинчи боб муаллиф яшаган минтақада кенг тарқалган ритмларга, уларнинг хиллари ва ўлчовларига бағишланган.

Механика

Механиканинг ривожланиши ва алоҳида илм сифатида шаклланиши антик даврдан бошланди. Механика бошланғич маънода турли "мосламаларнинг" машина ва механизмлари ҳамда усталик билан ясалган ҳар хил қурилмаларни англатган. Антик механикада учта асосий йўналиш — динамика, статика, кинематика бор эди.

Ҳаракат ҳақидаги умумий таълимот сифатидаги динамика кинетик ва динамик деб аталувчи иккита концепцияга эга эди. Биринчи концепция тарафдорлари материя

¹ Мафотих ал-улум, 238-бет.

ва ҳаракатни абдий деб ҳисобласалар, иккинчи концепция тарафдорлари эса қарама-қарши фикрда туриб материяга ҳаракат ёт ва унга тинч ҳолат хосдир деб ҳисоблаганлар.

Статика — "ўлчаш санъати", арифметика — "ҳисоблаш санъати" билан бир қаторда, арифметиканинг ўзига ўхшаб, назарий, яъни геометрик характердаги ва амалий, яъни кинематик характердаги қисмларга бўлинади.

Кинематика ҳунармандчилик ва назарий анъаналар орасидаги ўртанча, астрономик изланишлар ривожланишининг рағбатлантирувчи омили бўлиб хизмат қилади.

Механиканинг бу уч йўналиш бўйича ривожланиши, бир томондан, назарияни математикалаштириш, яқинчи томондан эса геометрияни қўллаш учун имконият яратди. Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги мамлакатларда антик механика ютуқлари механиканинг кейинги ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўрта аср олимлари Арасту, Герон, Филон ва бошқаларнинг антик механикага оид асарларини таржима қилдилар, уларни ўргандилар ва ўз замондошларига таништирдилар ҳамда ўз ютуқлари билан уларни бойитдилар. Бу олимлар қаторига Собит ибн Қурра, Коста ибн Луқа, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Битружийларни киритиш мумкин.

Шарқда техника юқори даражада ривожланмаганлиги сабабли механика ўз ривожланишининг бошланишида механиканинг антик даврдаги ривожланишига тенг келди, бироқ кейинчалик у аста-секин кенг қулоч ёйди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифида табиий илмлар "Мафотиҳ ал-улум"нинг иккинчи қисмидан ўрин олган механика билан яқунланади. У ўрта асрлик бошқа олимларга ўхшаб механикани "илм ал-ҳийал", яъни "усталик билан ясалган қурилмалар ҳақидаги илм" деб номлайди. Ҳатто илмнинг номланиши ҳам унинг антик механика билан боғлиқлигига кўрсатади. М. М. Рожанская таъкидлаганидек: "Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг "Илмлар калитлари" ("Мафотиҳ ал-улум") асари ушбу мавзудаги энг қадимий ва бу маънодаги (Шарқ мавсуъалари — Р. Б.) энг мукаммал асарлардандир"¹.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарида механика (246—255-бетлар) бўлими икки бобдан иборат. Озгина куч

¹ М. М. Рожанская. Механика на средневековом Востоке. М., 1976, с. 80—81.

билан "оғирликларнинг жойини ўзгартириш ва унинг мосламалари ҳақида"ги биринчи бобда механиканинг турли асбоблари ва механизмлари: пишанглар, винтлар, поналар, пармалар, ҳарбий машиналар ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар берилади.

Иккинчи боб "Сув ҳаракати ва пневматик қурилмалар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган механизмлар" тавсифига бағишланган: унда сув ҳаракатлари ҳақида маълумот берилади, сув, қум сатҳини ўлчайдиган хронометрик қурилмалар, сув ва уни кўтариш учун ишлатиладиган турли мосламалар, сифонлар, жўмаклар, помпалар (сув насослар), сув чархпалаги, сув тегирмони, сувсачраткичлар ва ҳоказолар кўриб ўтилади ва уларнинг ишлаши тавсифланади. М. М. Рожанскаянинг таъкидлашича бу ерда шунингдек, Героннинг "Автоматлар" асарининг қайта ишланиши ва Филон Византийнинг "Пневматика" асари-дан баъзи маълумотлар келтирилади. Боб охирида дурадгорларнинг баъзи бир асбоблари ҳақида маълумотлар берилади.

Кимиё

Табиблар дорилар тайёрлашда тез-тез у ёки бу кимиёвий жараёнлардан фойдаланишга мажбур бўлар эдилар. Шунинг учун ҳам кўпгина табиблар кимиёни яхши билар ва ўз даврининг йирик кимиёгарлари бўлган эдилар.

Маълумки, кимиё ўрта асрларда ҳали алоҳида фан сифатида мавжуд эмас эди. У секин-аста Жобир ибн Ҳаён (вафоти 722 й.) Ҳунайн ибн Исҳоқ (вафоти 877 й.), Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино ва бошқалар асос солган алкимиё асосида пайдо бўла бошлади. Абу Бакр ар-Розий тавсифлаган кимиёвий жараёнларда ишлатиладиган асбоблар узоқ вақтгача Оврупо кимиёвий тажрибахоналарида ишлатилган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий кимиёнинг турли масалаларини тадқиқ қилиб, уни кенг ёритган ва унга ўз асарининг иккинчи қисмидаги охириги бўлимни бағишлаган. Кимиё (255—266-бетлар) бўлими уч бобдан иборат.

Биринчи бобда "алкимиё" сўзининг талқини берилади. Муаллиф фикрича, у "камо", "йакми" феълидан келиб чиққан бўлиб "бекитмоқ", "яширмоқ" маъносини англата-

ди. Олим, шунингдек ушбу "санъат" билан шуғулланувчилар уни "ҳикмат" деб аташларини ҳам эслатиб ўтади. Бундан сўнг алхимия санъати асбобларининг тавсифи келтирилади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий уларни икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга зарғарлар ва ҳунаромандлар томонидан кенг қўлланилган алхимия асбоблари киритилган. Булар қаторига эритиш ва қуйиш учун ишлатилган асбоблар: *кур* — темирчилик ўчоғи, *бутақ* — тигель, *мошиқ* — болға, *рот* — қолип, *зиққ* — [ўчоққа] ҳаво ҳайдаш учун ишлатиладиган тери кабилар киради. Муаллиф деярли барча асбоблар тавсифини тўлиқ келтирган. Масалан: "*Рот* — қолип — бу эритилган кумуш, олтин ва бошқа "жисмлар" (металлар — Р. Б.) қуйиладиган нарса. Уни, шунингдек, "*мисбака*" ҳам дейишади. У темирдан худди қамишининг [икки] ярмига ўхшаб тайёрланади"¹.

Китобда материал аста-секин мураккаблаштириш усулида, яъни соддадан мураккабга ўтиш орқали берилган. Бу иккинчи гуруҳ асбоблар — мутлақо кимиёвий асбоблар тавсифида яққол намоён бўлади. Бу гуруҳга *бут бар бут* — тигель устида тигель, *қарв* — қовоқ, *анбиқ* — алембик, *анбиқ аъмо* — кўр алембик, *асол* — алудел ва ҳоказолар киради.

Иккинчи боб ўша даврда алхимия учун хом ашё сифатида ишлатиладиган жисмларга бағишланган бўлиб, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий уларни минерал ва органик жисмларга бўлади. Минерал жисмларни у ўз вақтида қуйидаги гуруҳларга бўлади: "жисмлар", яъни металлар; "рухлар"; "дори-дармонлар", тузлар, бура (танакор), купорослар, қимматбаҳо тошлар ва бошқалар.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий олтин, кумуш, темир, мис, кўрғошин, қалай, рух алхимия аҳли жисмларига таалуқлидир деб ҳисоблайди ва уларга қуйидаги рамзларни беради: олтин — Қуёш, кумуш — Ой, мис — Зухра, кўрғошин — Заҳал (Сатурн), темир — Миррих (Марс), қалай — Муштарий (Юпитер), рух — Уторид (Меркурий)².

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фикрча руҳларга (арвоҳ), олтингургурт, аурипигмент (ёки реалгар), симоб ва нов-

¹ Мафотиҳ ал-улум, 256-бет.

² Ўша ерда, 258-бет.

шадил киради. Шу ернинг ўзида ушбу гуруҳ номини, яъни "руҳлар" сўзининг талқини берилади.

Дори-дармонлар (ақоқир). Бу гуруҳнинг айрим жисмлари барча кўринишлари билан тавсифланади. Масалан: *Милҳ* — туз. У ширин (яъни ош тузи), аччиқ, оқ, қизил — ундан тигель тайёрланади, чақмоқ тошлар, нефтли — нефть ҳиди бўлган, тухумли — қайнатилган тухум ҳиди бўлган, ҳинд — қора, тош, сийдик — сийдикдан олинандиган, ишқорли (поташ) — ишқордан олинандиган бўлади¹.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий қимматбаҳо тошларни ҳам муфассал тавсифлайди ва уларга қуйидагиларни киритади: *марқшисо* — марказит; *дахнаж* — малахит; *файрузаж* — файруза, *лозвард* — ложувард ва ҳоказолар. Бир нечта мисол келтирамиз:

"*Марқшисо* — марказит — у квадрат, думалоқ яхлит бўлак ҳамда бошқа турли шаклда бўлади ва унинг бир неча тури бор: сариқ, у олтин рангли, оқ-қумуш ранг, қизил — мис рангли дейилади...

Дахнаж — малахит — бу яшил тош бўлиб, ундан узукларга кўз ва маржон тошлар тайёрланади"².

Муаллиф шунингдек ясама, яъни сунъий йўл билан тайёрландиган дори-дармонларни ҳам тавсифлайди ва уларга қуйидагиларни киритади: *занжор* — зангор бўёқ (ярь — медянка), *зунжуфр* — киноварь, *усрунж-сурик*, *мурдосанж* — глет ва бошқалар. У ясама дори-дармонларнинг номларини қайд қилиш билан чекланиб қолмай уларни тайёрлашдаги кимиёвий жараённи ҳам батафсил баён қилади. Масалан:

"*Зунжуфр* — киноварь — уни симоб ва олтингугуртдан эладилар; олинган жисмларни катта шиша идишга солачилар ва [тагидан олов] ёқадилар ва улар киноварга айланади; олов меъёри тажриба йўли билан аниқланади; олинандиган дезалари миқдорлари: бир ҳисса симоб ва бир ҳисса олтингугурт"³.

Охири учинчи боб алкимиёвий жараёнлар ва жисмларни ишлаш усулларига бағишланган. Бу бобда хом ашё номлари ва тўлиқ тавсифи берилади ҳамда уни ишлаш жараёни баён этилади. Масалан: *тақтир* — дистилляция

¹ Мафотих ал-улум, 259-бет.

² Уша ерда, 260—261-бетлар.

³ Уша ерда, 263-бет.

(софлаш, тозалаш), *тахдид* — эритиш, *муъқад* — қотириш, *ташаййа* — қовуриш ва ҳоказо. Зикр этилган ана шу жараёнларга хос хусусият уларнинг лаборатория шароитларига яқинлиги ва бажарилиши мунтазам тартибга эгаллигидан иборат.

Мисол тариқасида шу жараёнлардан бирини келтирамиз:

"*Тақтир* — дистилляция, софлаш — гулоб тайёрлашга ўхшаш: моддани (жисми) қовоқ [кукурбит] ичига соладилар ва тагидан олов ёқадилар, натижада унинг [модданинг] суви аламбикка кўтарилади ва қобила (қабул қилувчи асбоб)га тушади ҳамда ўша ерда йиғилади"¹.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий минерал жисмлар билан бир вақтда органик жисмларни ҳам тавсифлайди ҳамда соч, қон, сийдик, тухум, ўт, мия, чиганоқ ва шохларни органик жисмларга киритади. Олимнинг фикрича, инсон сочи органик жисмлар ичида энг қимматлисидир.

Ўша даврларда алхимияда бир металл иккинчи металлга айланиши мумкин, деган ишонч ҳукм сурган, яъни оддий металллардан олтин ва кумуш олиш мумкин деб ишонишган эди. Кўпгина алхимиягарлар сунъий олтин тайёрлаш билан машғул бўлганлар. Бунинг учун аввал жисми ҳайдаш ва дистилляция қилиш йўли билан тозалаб, сўнгра суяқ қолатга келтирганлар, шундан кейин маълум миқдор ва нисбатда бир-бирини бирлаштирганлар. Ва ниҳоят модда қотириш амалини бажариб орзу қилинган, оддий металлларни олтин ва кумушга айлантириш оладиган модда ал-иксир ҳосил қилинарди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам ал-иксир ёрдамида металлларни ўзгартириш мумкин, деган ғояга ишонган. Бу хусусида у бундай деб ёзган эди:

"*Ал-иксир* — бу шундай дорики, у билан эритилган жисмлар [металлар] пиширилса, металлни олтин ёки кумушга айлантириш ёки унинг рангини оқ ёки сариққ ўзгартириш мумкин"².

Абу Али ибн Сино Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу фикри нотўғрилигини исботлайди. Ибн Сино ўзининг фалсафий асари бўлмиш "Китоб аш-Шифо"да алхимиянинг асосий назарий фикри — оддий металлларни оли

¹ Мафотиҳ ал-улум, 264-бет.

² Ўша ерда, 265-бет.

сифат металлларга айлантириш мумкин деган фикрни танқид қилади ва бундай деб ёзади:

"Улар яхши ўхшатишни амалга оширишлари мумкин, бунда қизил [металлни] бўяб оқ рангга шундай айлантиришлари мумкинки, у кумушни, ёки сариқ рангга айлантирадиларки, у олтинни эслатади.

Эҳтимол зикр этилган [металлар] субстанцияси таркибига кирган элементлар орасида бўлган нисбат бошқасининг таркибида бўлган [нисбатдан] фарқ қилади. Шундай экан, у ҳолда [бирорта металл] таркиби бошқача айлантирилиши мумкин эмас. [Металлни] фақат таркибини ўзгартириш орқалигина керак бўлганга айлантирилади"¹.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий кимиё бўлимини ёзишда ўзидан олдин ўтган Абу Бакр ар-Розий асарларидан фойдаланган, лекин унга боғланиб қолмаган. Буни боб номларидан ҳам кўриш мумкин. Абу Бакр ар-Розий ўзининг "Сирлар сири китоби"да кимиё фани предметини нарсаларни, асбобларни ва жараёнларни билишга ажратган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эса биринчи бобда алкимиё санъати асбоблари, иккинчисида — нарсалар ҳақида ва охириги — учинчи бобда турли хил кимиёвий жараёнлар ва нарсаларни ишлаш усуллари ҳақида фикр юритган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий кимиёвий жисмлар таснифида, гарчи масалани ҳал этишнинг ўз ечимини берган бўлсада, Абу Бакр ар-Розий изидан борган. Бу ал-Хоразмий ва ар-Розий таснифи тузилишларини солиштирганда яққол кўринади.

Абу Бакр ар-Розий таснифи:

- I. Минерал жисмлар олти гуруҳга бўлинади:
1) "руҳлар", 2) "жисмлар", яъни металллар, 3) тошлар,
4) купорослар, 5) бура (танақор), 6) тузлар.

II. Ясама жисмлар.

III. Ўсимлик жисмлар.

IV. Ҳайвоний келиб чиқишли жисмлар.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таснифи:

- I. Минерал жисмлар, шунингдек, олтига бўлинади:
1) "жисмлар", яъни металллар, 2) "руҳлар", 3) тузлар,
4) бура, 5) купорослар, 6) тошлар.

II. Ясама жисмлар.

¹ У. И. Каримов К вопросу о взглядах Ибн Сины на химию. Ибн Сина: Материалы науч. сессии Академии наук УзССР, посвященной 1000-летию юбилею Ибн Сины. Ташкент. 1953, С. 44—45.

III. Органик келиб чиқишли жисмлар.

Бундан кўриниб турибдики, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таснифи Абу Бакр ар-Розий таснифига ўхшаш бўлса ҳам, улар тузилиши жиҳатидан фарқ қилади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда "истинзол" жараёнининг тавсифи берилган, бу эса яна бир бор Ўрта аср Шарқ мавсуфий олимлари ва улар раҳнамоси Абу Бакр ар-Розийни флогистон назариясининг асосчиси деб ҳисоблаш лозимлигини кўрсатади.

* * *

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз ўтмишдошларининг илмий билиш ҳақидаги кўпгина фикрларини маълум даражада умумлаштирди ва бойитди, бир қатор тушунчалар ва атамаларни, табиёт ва риёзиёт фанлари тузилишини аниқлаш ва белгилашга янгиликлар киритди. Бу фикр тибб бўлимига ҳам тааллуқлидир, чунки у маълум бўлган хабарлар билан бирга бошқа манбаъларда учрамаган янги маълумотларни ҳам келтиради. Ушбу фикрни Ўрта асрлар кимиёсида ишлатилган тушунча ва усуллар тавсифи берилган ҳамда илк Ўрта асрларда Шарқда олиб борилган кимиёвий изланишлар ҳақида янги маълумотлар келтирилган кимиё бўлими ҳақида ҳам билдириш мумкин.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий тинмай меҳнат қилиб йирик тадқиқотлар олиб борган ва кимиё тарихи, алалхусус, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари кимиёси билан танишишга муяссар бўлган ҳамда қимматбаҳо маълумотлар йиққан олимлардан биридир. Ана шундай олимлар асарларидаги маълумотлар амалий тажрибалар олиб боришга ва лабораторияда ишлатиладиган кўпгина янги жисмларни топишга, турли материалларни, кимиёвий жисмларни ишлашнинг янги усулларини топишга асос солди. Ўрта асрларнинг ана шу даврида олиб борилган йирик тадқиқотлар Шарқ алкимиё йирик намояндаларига илгару учрамаган ва ноаниқ бўлган кўпгина фактларни очиш, жисмлар ва асбоблар таснифини тузиш учун имкон яратди. Барча кимёгар олимлар ўз изланишларида амалиётга, яъни тажриба ва кузатишларга алоҳида эътибор бердилар. Бу давр, шубҳасиз, кимиёвий билимлар ривожланишида янги янада юқори поғона бўлди. Шу билан бир қаторда Ўрта аср Шарқ алкимиёси тарих тақозоси

билан қадимги дунё ва кейинги Ғарбий Олруподаги алхимия орасидаги ўртанча ҳалқа бўлди.

Асарда математик илмлар Урта асрлар Шарқи ривожланган илмларининг ривожланиш ҳолатини кўрсата оладиган даражада кенг ва тўлиқ ҳолда баён этилади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий математик тушунчани ақлнинг ихтиёрий ижоди эмас, балки объектив оламнинг маълум томонлари, предметлар объектив муносабатларининг инъикоси деб талқин этади. Классик меросни чуқур ўрганиш унга ўтмишдошлари ва замондошлари илгари сурган математик масалалар, назарияларни тўлиқ шарҳлаб бериш имконини яратди. Унинг таърифлари ва шарҳлари ўзининг қисқа ва аниқлиги ҳамда Шарқ математикасига хос мисол ва масалаларнинг кўплиги билан ажралиб туради.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий арифметикада Абу Наср ал-Форобий ғояларини давом эттириб ва ривожлантириб, худди "муаллим ас-соний" каби, арифметикани назарий ва амалий арифметикага ажратади. У куб сонлар билан бир қаторда шаклий сонларни мукамал равишда кўриб чиқиш билан назарий арифметиканинг баъзи бир томонларини бойитди. Унинг кўпчилик Шарқ муаллифларидан фарқли ўлароқ назарий арифметикага каср тушунчасини киритиши сон тушунчаси кенгайганидан ва у амалий эҳтиёж учун зарурлигидан далолат беради. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таснифига кўра ҳандаса ҳам назарий ва амалий қисмларга бўлинади, бу эса уни бошқа ривожланган илмлари каби юқори даражада ривожланганидан далолат беради. Бу бўлимларнинг барчасига ва астрономия бўлимига хос битта хусусият борки, у ҳам бўлса барча илмлар амалий йўналишининг очиб берилишидир.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз таснифида мусиқани ривожланган илмларига қўшади ва унда мусиқавий асбоблар, товушларнинг ўзаро муносабатлиги, тартиби, сози (лад)ни тавсифлайди ва охири бобда ритм ҳақидаги таълимотни кўриб чиқади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифининг ўзига хос чизгилари бор. Масалан, у Абу Наср ал-Форобийдан фарқли ўлароқ механикани ривожланган илмлар қаторига эмас, балки табиий илмларга қўшиб, Арастунинг ривожланган илму-н-нужумдан бошқа барча илмларга ҳаракат ётдири, деган фикрини қўллаб-қувватлайди. Механика бўлимида, оғир юкларни ва далаларни сугортиш

мақсадида сувларни кўтариш учун ишлатиладиган қурилмалар, яъни содда машиналар кўриб чиқилади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий уларни таърифлайди, тузилишини тавсифлайди ва тушунтиради. Унинг механизмларни ишлатилиши ва бир хиллигига қараб тасниф қилиши Ўрта асрлар Шарқи механикаси тарихида катта аҳамиятга эга бўлди.

Умуман олганда, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз даври табиий ва риёзиёт илмларини яхши билган, уларни назарий фалсафага киритган ҳамда уларни баён этишда стихияли-материалистик нуқтан назар тарафдори бўлган деган хулосага келишимиз мумкин.

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ХОРАЗМИЙ ВА ЎРТА АСРЛАРДА ИЛМШУНОСЛИК

Энди "Мафотиҳ ал-улум"нинг илмлар таснифи бўйича яратилган асарлар орасида тутган ўрни, аҳамияти ва уларга қўшган ҳиссасини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун, аввало, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўтмишдошлари, замондошлари ва ундан сўнг ўтган олимларнинг шу мавзуда ёзилган асарларига "Мафотиҳ ал-улум"ни солиштирамиз.

Илмий билиш ривожланиши тарихида фанлар таснифи масаласи билан фалсафа ва унинг бошқа фанларга муносабати орасида доимо узвий боғлиқлик бўлган.

Маълумки, қадимги вақтда барча табиий ва ижтимоий илмлар асосларини ўз ичига олган ягона — фалсафа илми мавжуд бўлган ва, табиийки, ҳеч қандай илмлар таснифи ҳақида гап бўлмаган. Эрамиздан олдинги III асрдан бошлаб, яъни эллинизм даврида баъзи бир фанлар, аввалс риёзиёт ва тибб алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқди. Шу билан бир вақтда қадимги Юнон фалсафаси нафақат фалсафий, балки риёзиёт, табиий ва ижтимоий фанлар масалаларини ҳамраб олган натурфилософия сифатида ривожланди.

Илмларнинг борган сари ривожланиши илмлар таснифини тақозо қилди. Бу эса илмий билиш масалаларини ҳар томонлама ўрганиш учун катта замин яратди. Антик даврда илмлар таснифи аниқ шаклланди ва бу соҳанин биринчи таълимотлари Демокрит, Афлотун ва айниқса Арасту каби қадимги Юнон мутафаккирлари асарларида

ишлаб чиқилди. Улар таълимоти негизда илмлар оддийдан мураккабга, умумийдан алоҳидага ўтиш тартибида жойлашган.

Афлотун (эрамиздан олдин 427—347 йиллар) илмлар таснифи масаласини ҳал этишда диалектика, яъни фикр юритиш санъатини биринчи ўринга қўяди. Диалектика эса ўз ичига, биринчидан, физика — ҳиссий қабул этиш ва, иккинчидан, этика — хоҳиш ва иродани қамраб олади. Илмлар таснифи масаласига ёндашишда икки хил йўналиш пайдо бўлди. Бу ҳам бўлса материалистик "Демокрит йўли", яъни материя руҳга нисбатан бирламчи эканлиги ва идеалистик "Афлотун йўли", яъни руҳ материяга нисбатан бирламчилиги.

Илмлар таснифи ва умуман фалсафа илмининг материалистик йўналишига катта ҳисса қўшган Арасту (эрамиздан олдинги 384—322 йиллар) илмлар таснифи масаласини "Метафизика", "Топика", "Никомах этикаси" каби асарларида кўриб чиқди ва ривожлантирди.

Арасту фикрича, ҳар бир фан ўзининг махсус маънавий кўриниши — "борлиққа" эга. "Борлиқ", ўз навбатида, умумий предмет ва аналогия (қиссалаш) асоси бўлиб, ягона борлиқнинг турли кўринишларини бирлаштиргани сабабли илмларнинг бирини иккинчиси билан боғлаш мумкин. Демак, илмларни тасниф қилиш ҳам мумкин.

Арасту ўзининг биринчи фалсафа деб атаган фалсафий тизимини уч қисмга бўлади. Унда биринчи қисмини бошланиш ва сабабни ўзига асос қилиб олган назарий илмларга ажратади. Назарий илмлар аналитика (маънавий), табиёт, риёзиёт ва метафизикадан иборат бўлиб, ҳар бири борлиқни объект сифатида ўрганади. Иккинчи қисм амалий илмлар — этика (ахлоқ), иқтисод ва сиёсатни ўз ичига олади. Амалий илмлар, ўз навбатида, ижод шарт-шароитларини белгилайди. Ана шу ижодий ёки тасвирий илмлар поэтика, риторика ва санъатдан иборат бўлиб, учинчи қисмини ташкил этади.

Зенон (эрамиздан олдинги 336—264 йиллар) асос солган стоиклар мактаби намояндалари ҳам ушбу масалани кўриб чиқишда ягона фалсафа илмини табиёт, маънавий ва этикага ажратишди. Фалсафани худди шундай бўлишни Эпикурда (эрамиздан олдинги 342—270 йиллар) ҳам учратамиз.

Шарқда Юнон мутафаккирлари таълимоти ва айниқса, Арасту асарларининг кенг тарқалиши туфайли Ўрта асрлар олимлари илмлар таснифи ҳақидаги қарашлар билан ҳам танишдилар. Арасту мероси ва унинг илмлар таснифи фалсафанинг кейинги даврлардаги ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ўрта асрлар араб—мусулмон Шарқда илмий билиш ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий талабларига жавоб тариқасида янги тарихий-маданий асосда ривожланди. Янги илмлар пайдо бўлиши илмлар таснифини ва ҳар бир илмга кирган кўпгина масалалар чегарасини аниқлашни тақозо қилди.

Илмларнинг ривожланиши натижасида IX асрдан бошлаб ўша даврда бўлган барча илмларни тартибга солишга ва илмлар таснифини ишлаб чиқишга биринчи уринишлар бўлди.

Шарқда биринчи бўлиб илмлар таснифи масаласини ёндашган ва уни ҳал қилишга ҳаракат қилган олим — Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийдир (801—866 йй.). Бу вақтнинг ўзида илмларнинг фалсафа, тибб, риёзиёт, илму-н-нужум, мусиқа каби кўпгина жабҳаларида катта муваффақиятларга эришган ал-Киндий ўзидан кейинги мутафаккирлар фойдаланган араб тилидаги фалсафани атамаларни тузишга ва илмий таснифни киритишга асос солди. Ал-Киндий илмлар таснифи соҳасига оид "Инсоний билимлар таснифи", "Илмнинг туб моҳияти ва унинг таснифи", "Арасту китобларининг сони ва фалсафани ўзлаштириш учун нима лозим" каби бир неча асарларни ёзди. Аммо, таассуфки, охириги қайд қилинган асаридан бошқалари бизгача етиб келмаган. Ўзининг таснифиди ал-Киндий фалсафага катта аҳамият беради ва уни "ҳамма нарса ҳақидаги билим" деб атайти. У фалсафани билим ва фаолият, назарий ва амалий донишмандликка ажратади. Ал-Киндий фикрича назарий билим (ёки донишмандлик), риёзиёт, табиёт ва илоҳиётни, амалий билим эса — ахлоқ, уй ишлари ва фуқаролик сиёсатини ўзиди мужассамлаштиради. У илмий билиш ҳақидаги таълимотини уч поғонадан иборат қилиб тузади. Биринчи поғона мантиқ ва риёзиётдан, иккинчи поғона табиётдан, учинчи поғона эса метафизикадан иборат. Фалсафа вазифаларини аниқлашда ал-Киндий тутган ўрин Арасту тутган ўринга жуда яқин ва ўхшашдир. Ал-Киндий фикрича

моддий олам предметлари, яъни "биринчи субстанциялар"ни уларнинг асосий хусусиятлари — миқдори ва сифатини ўрганиш асосидагина билиш мумкин. Демак, ҳар бир илм асосини риёзиёт ташкил этади. Арифметика миқдорга тааллуқли бўлса, ҳандаса ва илму-н-нужум — сифатга тааллуқлидир. Риёзиётдан сўнг эса мантиқ, табиёт, психология, метафизика, ахлоқ, сиёсат келади.

Шундай қилиб, ал-Киндий фалсафий фанларни ўрганишда риёзиётга алоҳида аҳамият беради. Унинг фикрича, фалсафа илм сифатида риёзиётга асослангандир.

Ал-Киндийнинг фан олдидаги энг муҳим хизмати шундаки, у юнон, форс ва ҳинд олимлари яратган бой ғоявий меросларни ўрганиб, уларнинг илгор анъаналарини ривожлантириш орқали Яқин ва Ўрта Шарқда илгор, табиий-илмий ва фалсафий фикрларни ривожлантиришга асос солди. Амалда у Ўрта асрлар Шарқидаги илмлар таснифининг илгор таълимоти асосчисидир. Объектив нарсаларнинг хусусияти, ташқи олам предметлари ва уларнинг хусусиятларини ажратишга асосланган ал-Киндий таснифи илмларнинг предмети ва вазифаларини кейинчалик ўрганиш ва аниқлашда катта роль ўйнади.

Ал-Киндий рационал фикри араб тилида ижод қилган ар-Розий, ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Беруний каби илм намояндаларининг дунёқараши шаклланишига асос бўлди.

Ўрта асрларда ижод қилган ва араб тилида ўз асарларини яратган олимлар илмлар таснифи билан бир қаторда алоҳида ҳар бир илмнинг ҳам ички таснифи билан шугулланганлар. Бунга Абу Бакр ар-Розийнинг (865—925) юқорида зикр этилган кимёвий жисмлар таснифини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Илмлар таснифининг асосчиларидан бири — бир юз олтишидан зиёд асар муаллифи — Абу Наср ал-Форобийдир (873—950). Абу Наср ал-Форобий юнон донишмандлиги ютуқларини Ўрта асрлар Шарқида тарғиб қилган ва уларнинг изидан борган толмас заҳматқашдир. Абу Наср ал-Форобийнинг мавсуъий билимлари ва катта илмий қобилияти унга ўз даврининг биринчи энг мукамал таснифини яратиш имконини берди. Илмлар таснифига бағишланган "Мантиққа кириш", "Саодатга эришиш" ва "Илмлар таснифи" асарларида Абу Наср ал-Форобий шу соҳага тааллуқли бўлган фикрларни баён этади. Қуйидаги шаклдаги таснифни келтиради:

1. Тил ҳақидаги илм, ситти бўлимдан иборат.

2. Мантиқ.

3. Риёзиёт — мустақил еттига илмга бўлинади:

1) арифметика, 2) ҳандаса, 3) оптика, 4) юлдузлар ҳақидаги илм, 5) муסיқа ҳақидаги илм, 6) оғирликлар ҳақидаги илм, 7) механика.

IV. Табиёт ва илоҳиёт илмлари ёки метафизика.

V. Шаҳарни бошқариш илми (ёки сиёсат илми), қонуншунослик ва калом.

Абу Наср ал-Фаробий ўз таснифида фақат ҳар бир илм объекти хусусиятларини эмас, балки унинг ўзига хос қонун ва қоидаларини ҳамда унга хос билиш воситаларини ҳам ҳисобга олади.

Абу Наср ал-Фаробий фикрича, табиёт илмларини ўрганитишдан олдин ундан аввал келган риёзиёт илмлари маълумотларига эга бўлиш керак. Абу Наср ал-Фаробийнинг илмлар таснифи ўзаги материалистикдир, чунки у объектив ҳақиқат асосларидан келиб чиқади. Олим фикрича, ҳар бир илм моддий жисмларнинг у ёки бу тарафларини, маълум гуруҳи ёки маълум томонларини ўрғанади. Илмлар ва билим умуман борлиқ маҳсули сифатида субъектив хоҳишдан вужудга келмай, балки инсонларда уларга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши натижасида секин-аста ва муттасил вужудга келади. Абу-Наср ал-Фаробий тизимида турли илмлар бир-бирларини ўзаро инкор этмайди, аксинча, улар ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилади. Унинг илмлар таснифи Шарқда қанчалик катта роль ўйнаган бўлса, Оврупода ҳам шундай роль ўйнади ва кейинги давр мутафаккирларига кучли таъсир кўрсатди.

Абу Наср ал-Фаробийдан кейин ҳам қатор олимлар илмлар таснифи масаласини ўргандилар. Шундай олимлар қаторига "Ихвон ас-Сафо" ("Софлик биродарлари")ни киритиш мумкин. Улар X асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган диний-фалсафий фикр юритувчи бир гуруҳ кишилар бўлиб, "Ихвон ас-Сафо ва Хуллон ал-Вафо" ("Соф биродарлар ва содиқ дўстлар") деб ном олган эдилар. Улар илк Ўрта асрларда мусулмон Яқин Шарқида, кейинчалик эса мусулмон Ғарбида фалсафий фикрнинг тарқалишида катта роль ўйнадилар. Улар барча динларга бир хилда муносабатда бўлдилар, дин қобиғи остида ўзига

хос фалсафий тизимни тузмоқчи ва динни у билан алмаштирамоқчи бўлдилар. Буни сезган дин аҳли шарият ва фалсафани бирлаштириш мумкин эмас, деган фикрни илгари сурди. Бу "Ихвон ас-Сафо" асарлари гайри расмий равишда тарқатилишига сабаб бўлди.

Улар ўша давр илмларини ўз ичига олган мавсуъа (энциклопедия) яратдилар. Бу мавсуъа фалсафий илмларга бағишланган бўлиб, унда идрок ва мантиқий тафаккурга асосланган илмлар назарда тутилди. Улар метафизика ва илоҳиёт қаторида унга риёзиёт ва табиёғатни киритган эдилар. Мавсуъада риёзиёт ва мантиққа ўн тўртта рисола, табиёғатга ўн еттита, метафизика ва психологияга — ўнта, илоҳиёт ва дин масалаларига — ўн битта рисола бағишланган эди.

"Ихвон ас-Сафо" мавсуъасида илмий билишни тасниф қилиш ҳаракати берилган бўлиб, унинг асосини нафс хусусиятлари ёки билим ташкил этади. "Илмий санъатлар ҳақида" рисоласида берилган таснифда илмлар уч кўринишга бўлинган. Биринчи кўриниш илмлари ҳаётни тартибга солиш ва ҳаётини ишлар тўғрилиги ҳақида бўлиб, улар таъкидича, пропедевтика (дастлабки билимлар мажмуъи)дир. Иккинчи кўринишни шарият деб аталувчи ва нафснинг у дунёдаги ҳолати билан боғлиқ нарсаларни ўрганувчи илмлар ташкил этади. Учинчи кўриниш — фалсафа.

Дастлабки билимлар мажмуъи тўққизта илмни ўз ичига олган:

1. Ёзиш ва ўқиш илми.
2. Лексикография ва грамматика.
3. Ҳисоблаш ва айирбошлаш илми.
4. Шеърийят ва метрика (аруз вазни).
5. Фол очиш, ссҳргарлик, афсун.
6. Алқимий ва моҳирлик.
7. Астрология¹ ва санъат.
8. Олди-сотди илми, тибб.
9. Ривоятлар илми, тарих, Аллоҳни билишни акс эттирувчи илоҳиёт.

¹ Юдузларга қараб фол очиш, инсон ҳаёти ва тақдирини айтиб бериш.

Шариат олти илмдан иборат:

1. Қуръон.
2. [Қуръон] талқини илми.
3. Пайғамбарлар ривоятлари илми.
4. Фикҳ, суннат ва бухорилган нарсалар.
5. Хутба (ваъз), ваъда бериш, фидойилик¹ илмлари.
6. Тушларни талқин қилиш илми.

Фалсафа тўрт бўлимдан иборат:

1. Риёзиёт тўрт кўринишга эга:

- а) арифметика;
- б) ҳандаса;
- в) илму-н-нужум;
- г) мусиқа.

2. Мантиқ, у беш кўринишли бўлади:

- а) поэтик (шеърӣ) санъатлар ўхшашлигини билиш;
- б) риторика санъатини билиш;
- в) диалектика санъатини билиш;
- г) исботлаш санъатини билиш;
- д) диалектика ва мунозараларда софизмларни (сафсатани) билиш.

3. Табиёт, у етти кўринишли бўлади:

- а) бошланишлар ҳақидаги илм (беш нарсани: материяни, шаклни, замонни, маконни ва ҳаракатни билиш);
- б) самовий гумбазлар таркиби ва шаклларини билиш, Ернинг ҳаракати ва турғунлигини билиш;
- в) пайдо бўлиш ва йўқолиш ҳақидаги илм, тўрт элемент ва уларга тааллуқли бўлган барча нарсалар ҳақида;
- г) астрологияга бўйсундирилган амрлар ва ғалати қилиқлар ҳақидаги илм;
- д) минераллар ҳақидаги илм;

¹ Э. Г. Браун фикрича, "Иквон ас-Сафо" тасаввуфни ҳам шу илмлар қаторига киртадилар. Қаранг: Brown E. G. A Literary History of Persia. Cambridge, 1951, Vol. I, P. 379.

- е) ўсимликлар ҳақидаги илм;
- ж) ҳайвонлар ҳақидаги илм.

4. Метафизика, у беш кўринишли бўлади:

- а) зарурий борлиқни (яъни Аллоҳни), унинг хусусияти ва хатти-ҳаракатларини билиш;
- б) руҳий бошланишлар ҳақидаги илм;
- в) нафсоний бошланишлар ҳақидаги илм;
- г) сиёсат ёки бошқарув ҳақидаги илм; унинг беш хили бор: пайғамбарлик бошқаруви, подшоҳлик бошқаруви, одамлар жамоасини бошқарув, хусусий бошқарув, шахсий бошқарув;
- д) нариги дунё (охират) ҳақидаги илм.

Шундай қилиб "Ихвон ас-Сафо" вакиллари ўзлари яратган илмлар таснифида гарчи умуман идеалистик вазият тарафдори бўлсалар ҳам, диний-идеалистик ва материалистик анъаналарни бирлаштиришга ҳаракат қилдилар.

IX асрга келиб илк ўрта асрлар маданиятида барча илмлар иккига — ўз ичига Ислом тартиб-қоидалари, Қуръон тили, араб тили асослари ва услуби билан боғлиқ гуманитар билимларни мужассам қилган "улум ал-қадимийа"—"анъанавий илмлар" (ёки "улум ал-ислом", ёки "улум ан-нақлийа", ёки "улум аш-шаръийа", яъни "шариат илмлари") ва риёзиёт, табиёт, мантиқ, метафизика ва бошқа илмлардан иборат "улум ал-ажам"—"араб бўлмаган илмлар" (ёки "улум ат-табиийа", ёки "улум ал-ақлийа", яъни "ақл-идроққа асосланган илмлар")га бўлинган.

Биринчи гуруҳ илмлар вазифасига Исломни, диний билишни мустаҳкамлаш, қонулаштириш ва ишлаб чиқиш, иккинчи гуруҳга эса моддий олам, табиатнинг хусусиятларини ўрганиш кирган.

Илк ўрта асрларда Шарқда ушбу соҳада ижод қилган ва ўз асарини илмлар таснифига бағишлаган олим Ибн Надимдир (X аср). Унинг тўлиқ исми Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ал-Варроқ ал-Бағдодий. Ўз отасидан китобларга муҳаббатни мерос қилиб олган Ибн Надим "ал-Фихрист" ("Рўйхат") асарини яратди ва унда илмлар таснифига бўлган муносабатини акс эттирди. Китобнинг биринчи варианты тўрт бўлимдан иборат бўлиб, "араб бўлмаган" илмларга бағишланган. Сўнгра муаллиф ўз асарини "мусулмон илмлари" ҳисобига кенгайтирган ва улар

баён этилган олти бўлимни олдинги тўрт бобдан аввал берган, натижада асар ўнга бўлимга етган.

Шундай қилиб унинг асари қуйидаги бўлимлардан иборат:

I. Араб ва бошқа ажам тиллари, мусулмон бўлмаган муқаллас китоблар, Қуръон ва унинг талқини (уч бобда кўриб ўтилган).

II. Грамматика ва лексикография (уч бобда кўриб ўтилган).

III. Тарих, адабиёт, таржимаи ҳол, шажара (уч бобда кўриб ўтилган).

IV. Шеърят (икки бобда кўриб ўтилган).

V. Догматик илоҳиёт, унга тасаввуф ҳам киритилган (беш бобда кўриб ўтилган).

VI. Ҳуқуқшунослик (саккиз бобда кўриб ўтилган).

VII. Фалсафа ва қадимий фанлар, бунга мантиқ, риёзиёт ва тибб киритилган (уч бобда кўриб ўтилган).

VIII. Тушларнинг таъбири, ажойиб ривоятлар, сеҳр гарлик, кўзбойлоқчилик (уч бобда кўриб ўтилган).

IX. Мазҳаблар ва динлар тарихи (исломдаги ва че эллардаги, масалан: Ҳиндистон, Хитойдаги диний эътиқодлар икки бобда кўриб ўтилган).

X. Алқимий қадимги вақтларда ва бугун.

Бўлимлар номларидан Ибн Надим "Ихвон ас-Сафо йўлидан борганлиги ва уларга ҳамфикр бўлганлиги аниқ кўринади.

X асрда илмлар таснифига оид асар яратган олимлардан яна бири Абу Ҳаййон ат-Тавҳидийдир (вафоти 990 й.) У ўз таснифи асосига диний илмларни қўяди, сўнгра табиий илмларни қуйидаги тартибда жойлаштиради:

1. Ҳуқуқшунослик.

2. Китоб (Қуръон).

3. Суннат.

4. Ўхшашлик бўйича дедукция (умумий ҳолатда хусусий хулосалар чиқариш).

5. Калом.

6. Грамматика.

7. Тил.

8. Мантиқ.

9. Тибб.

10. Илму-в-нужум

11. Арифметика.
12. Ҳандаса.
13. Риторика ва стилистика.
14. Тасаввуф.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдан сўнг илмлар таснифини материалистик нуқтаи назаридан ишлаб чиққанлардан бири Ўрта Осиёлик буюк аллома Абу Али ибн Синолир Аллома илмлар таснифини катта фалсафий асари "Донишнома" ("Билимлар китоби") да ва ушбу масъалага бағишланган "Ақсом ал-улум ал-ақлиййа" ("Ақл-идроққа асосланган илмлар бўлимлари") махсус асарида баён қилган.

Ибн Сино назарию фалсафани уч гуруҳга булади:

I. Қуйи илм: У табиёт деб аталади ҳамда мавжудлиги моддий борлиқ ва ҳаракат билан белгиланади. Бу гуруҳ ўз навбатида саккизта асосий қисмларга бўлинади:

- 1) табиатнинг умумий масалалари;
- 2) олам асосини ташкил этувчи жисм ҳолати;
- 3) ташкил топиш ва йўқ қилиб юбориш тушунчаси;
- 4) турли ҳаракатлар натижасида тўрт элементда улар қўшилишидан олдин пайдо бўладиган ҳолатлар;
- 5) ноорганик олам;
- 6) ўсимлик олами;
- 7) ҳайвонот олами;
- 8) нафсни ва ҳайвонлар, алалхусус, инсон фаҳмлаган кучларни билишни ўрганати. Бу гуруҳ қуйидаги етти тармоққа эга: тибб, астрология, физиогномоника, туш-ни таъбирлаш илми, туморлар ҳақидаги илм, сеҳр-гарлик, алхимия.

II. Ўрганча илм. У риёзиёт деб аталиб, материя ва ҳаракат билан боғлиқ, лекин улар билан белгиланмайдиган объектлар билан шуғулланади. Риёзиёт қуйидаги тўртта асосий қисмдан иборат:

- 1) сон ҳақидаги илм;
- 2) ҳандаса;
- 3) илму-н-нужум;
- 4) мусиқа.

У қуйидаги бир неча тармоқларга бўлинади: қўшиш ва айириш санъати, алгебра, ер ўлчаш, механика, оғирликлар кўтариш ҳақидаги илм, ўлчаш ва тарозлар ҳақида илм, аниқ асбоблар ҳақидаги илм, оптика, сув жойини ўзгартириш ҳақидаги илм, астрономик жадваллар ва

калбларлар (тақвимлар) ҳақидаги илм ва "ғаройиб" асбоблар тайёрлаш ҳақидаги илм.

III. Олий илм. У илоҳиёт деб аталади ва на мавжудлиги, на белгиланиши материя ва ҳаракатга муҳтож бўлмаган объектлар билан шуғулланади. У бешта асосий қисмга эга:

1) барча мавжудот учун умумий бўлган тушунчаларни билиш;

2) табиёт ва риёзиёт илмлари ҳамда мантиқ асослари ва ибтидолари ҳақидаги таълимот;

3) биринчи ҳақиқат ва унинг яқкалигини исботлаш ҳақидаги таълимот;

4) биринчи руҳий субстанция ҳамда иккинчини исботлаш;

5) самовий ва ердаги моддий субстанцияларнинг юқоридики зикр этилган субстанцияга бўйсунishi.

Унинг тармоқларига ҳақиқат ҳақидаги хабарнинг келиши ва нафснинг қайтиши ҳақидаги илм киради.

Амалий фалсафа ҳам уч гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ фақат бир шахсга тааллуқли, яъни ахлоқ масалалари билан шуғулланади.

Иккинчи гуруҳ одамларнинг оиладаги ўзаро мулоқоти, яъни уйни бошқариш масалалари билан шуғулланади.

Учинчи гуруҳ шаҳар ёки мамлакат чегарасида бўлган инсонлар жамияти билан, яъни сиёсат билан шуғулланади.

Амалий фалсафа таркибидаги бу гуруҳ илмлар ҳам, назарий фалсафа каби, ўз навбатида, асосий қисмлар ва тармоқлардан иборат. Ибн Сиконинг илмлар таснифи табиёт илмларини янада чуқурроқ ўрганиш учун йўл очиб берди.

Айни шу даврда Марказий Осиёда диний илмлар ҳам жуда ривожланди. Натижада баъзи бир олимлар диний илмларни табиёт илмларига нисбатан юқори кўйишга ҳаракат қилдилар. Улар орасида Абу Ҳомид ал-Ғазолий, Абул Ҳасан ал-Ҳужвирий, Фахруддин Розий, Жалолуддин ас-Суютий ва бошқалар бор.

Идеалистик фалсафанинг йирик намоёнаси ва ўрта асрнинг кўзга кўринган диний олими Абу Ҳомид ал-Ғазолий (1058—1111) ўзининг илмлар таснифига бўлган муносабатини "Кимийа саодат" ва "Иҳё улум ад-дин" ("Дин илмларининг тирилиши" (яъни қайтадан вужудга келиши) асарларида баён қилган.

Абу Ҳомид ал-Ғазолий барча илмларни икки гуруҳга бўлиб, биринчи ўринга диний илмларни қўяди ва қуйидаги таснифини беради:

I. Диний илмлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Қалбга тегишли бўлган илмлар:

а) қалб ҳолатига тааллуқли илмлар;

б) эътиқодга тааллуқли илмлар.

2. [Бадан] аъзоларига тааллуқли бўлган илмлар:

а) таҳорат қилиш ва намоз ўқиш тадбирига оид илмлар;

б) рўза [тутиш] илми;

в) солиқ [тўлаш] илми;

г) ҳажж [қилиш] илми;

д) никоҳ илми.

II. Фалсафий (ақл-идрок) илмлари. Улар олтига бўлинади:

1. Риёзиёт.

2. Мантиқ.

3. Табиёт (физика).

4. Метафизика.

5. Сиёсат.

6. Ахлоқ (этика).

Абу Ҳомид ал-Ғазолий физикани табиат ҳақидаги илм деб ҳисоблайди ва уни саккизта асосий бўлим ва стита бўлимчага ажратади. Унинг илмлар таснифи, асосан муаллиф ҳақиқий илмлар деб атаган, диний илмларни кенг очиб беришга қаратилган.

Худди шу фикрни давом эттирган олимлардан бири фалсафа, мантиқ, тибб билимдони Фахруддин ар-Розийдир (1148—1210). Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусан бўлиб, у Фахруддин Розий тахаллуси билан машҳурдир. Унинг илмлар таснифи "Жомий ал-улум" ("Илмлар мажмуъи") асарида берилган. Ушбу асарни ёзишдан мақсад одамларга илмларни ва уларнинг кетма-кетлигини тушунтиришдан иборатдир деб таъкидлайди олим. Фахруддин Розий ўз олдига диний илмларни очиб бериш ва уларнинг вазифаларини тушунтириш масаласини қўяди. У илмларни диний билиш ва исломни ҳар томонлама ўрганиш воситаси сифатида кўриб чиқади. Ўз таснифига олтишдан зиёд илмларни киритган Фахруддин Розий уларнинг барчасини бир мақсадга, динни турли томонлардан ўрганиш ва у ҳақидаги билимларни тарқатишга қаратади. Биринчи ўринда калом бўлиб, у ўзида илмлар таснифининг асосий

моҳиятини акс эттиради. Кейин эса олим диний илмлар хусусида алоҳида тўхтаб ўтади. Шундан сўнг Фахруддин Розий фалсафага ўтади. Аввал, анъана бўйича, назарий фалсафа таркибига киритилган илмлар, яъни табиёт илмлари кўриб чиқилади. Бу илмларга тибб, деҳқончилик, риёзиёт ва унинг бўлимлари киритилган. Сўнгра амалий фалсафа таркибига киритилган илмлар: ахлоқ (этика), сиёсат ва уй бошқариш баён этилади. Бу ерда Фахруддин Розий диний илмлар билан бирга табиёт илмларининг ҳам баъзи томонларини шарҳлаганини таъкидлаб ўтиш лозим. Барча илмларни у уч йўналишда, ташқи асослари бўйича, мураккаблиги ва қийинлиги, тадқиқ қилиниши бўйича кўриб чиқали. Ҳар бир илм, ўз навбатида, уч қисмга бўлинади. Шу йўл билан Фахруддин Розий илмини янада чуқур ўрганади ва уни динни билишдаги аҳамиятини аниқлайди. Олим асарни охирида шахмат ҳақидаги илмин алоҳида қилиб ажратади. Бу илм тасниф билан шугулланган ҳеч бир олимда учрамаслигини қайд қилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида зикр этилган таҳлил яна бир бор Фахруддин Розий илмлар таснифини тушунишда ва тадқиқ қилишда Абу Ҳомид ал-Ғазолий издоши бўлганлигидан далолат беради.

Илғор фикр тарафдорлари илмлар таснифига бундай диний ёндошишларни танқид қилиб чиқдилар. Улар қаторига Ибн Рушд ва Насириддин Тусийларни қўшиш мумкин. Андалузиялик перипатетиклардан бири Ибн Рушд (1126—1198) Ибн Бажжа (1070—1138) ва Ибн Туфайл (1110—1185) кабилар ўрта асрларда Арасту таълимотининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшди. Унинг тўлиқ исми Абдул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рушд. У ал-Киндий асос солган, ал-Форобий асарларида мукаммал ишлаб чиқилган шарҳ перипатетик фалсафасини давом эттирди.

Ибн Рушд гарчи илмлар таснифига бағишлаб махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, уни маълум даражада ривожлантирди. Унинг тасниф ҳақидаги фикрини "Таҳофут ат-таҳофут" ("Раддияга раддия") асарида учрэтамиз. Бу асарда Абу Ҳомид ал-Ғазолийнинг илмлар таснифи танқид қилинади. Ибн Рушд табиёт илмининг олти хилини тан олди, ammo Абу Ҳомид ал-Ғазолий фикрига қарама-қарши ҳолда улар қаторидан тибб, астрология ва физиогномикани чиқариб ташлади. Ибн Рушд фикрича, тушлар таъбири, башорат илми, сеҳргарлик илмлари асосан

(луч), афсун илии эса фақат таажжублантиради. Ибн Рушд алхимиянинг ҳақиқий илмлигига шубҳаланди ва, Ибн Сино каби, металлarning бири бошқасига айланишини рад этди.

Ибн Рушд каби материалистик йўл тутган олимлардан бири Насириддин Тусийдир (1201—1272).

У XIII асрда Марказий Осиё ва Эронда энг кўзга кўринган файласуф бўлиб, илмлар таснифи ҳақидаги таълимотини "Асос ал-Иқтибос" ва "Ахлоқи Носирий" да баён этган. Насириддин Тусий фикрича, илмлар таснифининг асосини илм предмети бўлган нарсалар моҳияти, хосияти ва алоқалари ташкил этади. Бу эса илм моҳияти ва илмий билишни материалистик тушунтириш учун асос яратди. Илм предмети Насириддин Тусий учун нафақат илмлар таснифи, балки унинг турли бўлимларининг ўзаро алоқалари асоси ҳамдир. Ана шу асосла олим ўрта асрлик бошқа олимлар сингари фалсафани икки — назарий ва амалий бўлимга ажратади.

Назарий фалсафа мустақил уч бўлимга — метафизика, риёзиёт ва табиётга бўлинади. Бўлимлар эса, ўз навбатида, бўлакларга бўлинади.

1. Метафизика — бу мавжудлиги материя билан боғлиқ бўлмаган моҳиятлар ҳақидаги таълимотдир. У икки негизга эга: а) Аллоҳ Таъоло ва унинг яқинларини билиш — илоҳиёт ва б) турли нарсалар ҳамда барча ҳақиқат ҳолатини билиш — биринчи фалсафадир. Биринчи фалсафа бир неча бўлакларга эга: пайғамбарликни билиш, имоматчилик, охираат шарт-шаронтларини билиш ва ҳоказо.

2. Риёзиёт — бу тушуниш учун материя билан боғлиқлиги ҳисобга олинмиши шарт бўлмаган моҳиятлар ҳақидаги таълимотдир. У тўрт негизга эга: а) миқдор, унинг сифатлари ва иккинчи даражали хусусиятларини билиш — ҳаядаса; б) сон ва унинг хусусиятларини билиш — арифметика; в) самодаги ва сздаги жисмларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қарши жойлашиши, жисмлар ҳаракати, миқдори ва ҳажмини билиш — астрология ва астрономия; г) товушлар муносабатини аниқлаш учун ишлатиладиган ўлчовлар, улар орасида пайдо бўладиган ҳаракат вақти ва тўхталишни билиш — мусиқа. Риёзиёт, шунингдек оптика, механика, алгебра каби бир неча бўлакларга бўлинади.

3. Табиёт — бу материя билан боғлиқлиги ҳисоби олингандагина аниқ бўладиган моҳиятлар ҳақидаги таълимотдир. У саккизта негизга эга: а) замон, макон, ҳаракат... ўлчовларни билиш — табиий абсолютлар ҳақидаги илм; б) содда ва мураккаб жисмлар, шунингдек ердаги ва самодаги элементларни билиш — само ва олам ҳақидаги илм; в) жисмлар ва элементларнинг таркибий қисмлари ва шакллари умумий материяга ўтишини билиш — пайдо бўлиш ва йўқолиш ҳақидаги илм; г) момақалдироқ, чақмоқ, ёмғир каби самовий ҳодисаларнинг келиб чиқишини билиш — самовий ҳодисалар илми; д) мураккаб жисмлар ва уларнинг таркибий қисмлари хусусиятларини билиш — минералогия илми; е) ўсаётган жисмлар, уларнинг нафси ва имкониётларини билиш — ботаника илми; ж) ихтиёрий ҳаракат асосида ҳаракатланувчи жисмларни билиш — зоология; з) нотик, инсон нафси ҳолатини билиш — психология.

Тусий мантиқни ҳам назарий илмларга қўшиб, унга алоҳида жой ажратади ва у ҳақиқат ҳамда янги билимларни эгаллашда ягона усул бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблайди.

Амалий фалсафа жамият фалсафаси сифатида у мустақил бўлимга эга.

1. Ахлоқ фалсафаси — алоҳида шахслар ахлоқини тузатиш ҳақида фикр юритиш.

2. Уй бошқариш фалсафаси — уй ичида бўладиган муомалалар, oilавий кирим, эр-хотин орасидаги ўзарк муносабат, болаларни тарбиялаш ҳақида фикр юритиш.

3. Жамият фалсафаси — бир шаҳар, туман, вилоят, мамлакат ичида бўладиган муомалалар, ўша жойлардаги жамоалар мавжудлиги ва ишлаб туриши ҳақида фикр юритиш.

Шундай қилиб, Насириддин Тусийнинг илмлар таснифида Ибн Синонинг илм предмети ғояси янада ривожлантирилган ҳамда фалсафий илмлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Илмлар таснифини кўриб чиқишга материалъстик ёрдамчан олимлардан яна бири Ибн Халдундир (1332-1406). Унинг тўлиқ исми — Абу Зайд Абдур Раҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Урта аср араб мутафаккирлари ва тарихчиларидан бири, "Ибн Халдуннинг Фарб ва Шаф бўйлаб саёҳати" автобиографик асар муаллифи Ибн Хал

сабатини акс эттиради.

Ибн Халдун илмларни икки туркумга ажратади:

1. Фалсафий ҳикмат илмлари (ал-улум ал-ҳикмийя; ал-фалсафийя) бу инсон ўз тафаккури туфайли эгаллайдиган билимлардир, улар шунингдек ақлий илмлар (ал-улум ал-ақлийя) деб ҳам юритилади.

Бу илмлар тўрт бўлимдан иборат бўлиб, улар ў вақтида бир неча йўналишларга эга.

1. Мантиқ

2. Табиёт

3. "Илоҳиёт илми" — метафизика.

а) сеҳр ва туморлар илми; б) араб алифбоси ҳарфларининг сирини; в) алхимия.

4. Риёзиёт илмлари:

а) ҳандаса. Қуйидаги йўналишларига эга:

— жисмлар чизиклари, юзасини ўлчаш,

— ҳажмли жисмлар, конусларни ўлчаш,

— майдонларни ўлчаш;

б) сон ҳақидаги илм. Қуйидаги йўналишларга эга:

— арифметика,

— ҳисоб санъати,

— алгебра,

— тижорат, каср, илдиз ва ҳоказо,

— мол-мулкни бўлиш;

в) мусиқа. Қуйидаги йўналишларга эга:

— товушлар, мақом,

— ашула айтиш санъати;

г) астрономия. Қуйидаги йўналишларга эга:

— юлдузлар ҳаракати,

— астрономик жадвалларни тузиш,

— астрология.

II. Анъанавий илмлар (ал-улум ан-нақлийя). Бу барча илмлар асосини манбаъи Қуръон ва Суннат бўлган шариат илмлари ташкил этади. Ибн Халдун фикрича, бу илмлар қуйидаги саккиз хилга бўлинади:

1. Қуръон талқини илми.

2. Қуръон ўқиш илми.

3. Ҳадислар ҳақидаги илм.

4. Ҳуқуқ ҳақидаги илм.

5. Мол-мулкни бўлиш илми.

6. Илоҳиёт ҳақидаги илм.

7. Тасаввуф ҳақидаги илм.

8. Тушлар таъбири илми.

Анъанавий илмларга, шунингдек, а) лексикография, б) грамматика, в) стилистика (сўз услуби ҳақидаги таълимот) ва г) яхши феъл-атвор ҳақидаги илми ўз ичига олган тил ҳақидаги илмлар таълуқдир, чунки бу илмлар шариат илмларини таъминлаш учун хизмат қилади.

Ибн Халдун илмларни юқорида зикр қилинган икки гуруҳга бўлгандан сўнг фалсафий илмлар негизларини қайта эътиборга олади. Улар қуйидаги етти илмдан иборат. Фалсафий илмларнинг биринчи негизи мантиқ бўлиб, муаллиф фикрича у ушбу илмларга киришди. Кейинги тўрт негизни арифметика, ҳандаса, илму-н-нужум, мусиқани ўзида жам қилган риёзиёт илмлари ташкил этади. Ибн Халдун олтинчи негиз сифатида табиёт илмларини кўрсатади. Фалсафий илмларнинг якуний негизини илоҳиёт илмлари ташкил этади. Инсон тафаккурини билишни асос қилиб олган Ибн Халдун ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Сино асос солиб Шарқ перипатетизмининг давом эттирди ва ривожлантирди ҳамда Насириддин Тусий материалистик таълимотини тўлдирди. Бу эса Ибн Халдуннинг Урта аср тараққийшароити ижтимоий-фалсафий фикрининг ривожига катта ҳисса қўшганидан далолат беради.

Шу даврларда илмлар таснифини баён этишда фақат диний илмларга эътибор берган олимлар ҳам бўлган. Улардан бири Жалолуддин ас-Суютийдир (1445—1509). У ўн тўрт илми зикр қилиб ўтади ва уларга фақат Аллоҳ кўрсатмаларини амалга оширишга ёрдам берувчи илмларнигина киритган. Улар:

1. Дин асослари ҳақидаги илм.
2. Қуръон талқини ҳақидаги илм.
3. Ҳадис ҳақидаги илм.
4. Ҳуқуқшунослик асослари ҳақидаги илм.
5. Мол-мулкни бўлиш ҳақидаги илм.
6. Синтаксис [наҳв] ҳақидаги илм.
7. Морфология [сарф] ҳақидаги илм.
8. Хатни тўғри ёзиш ҳақидаги илм.
9. Риторика ҳақидаги илм.
10. Стилистика ҳақидаги илм.
11. Ваъхонлик санъати (стилистика) ҳақидаги илм.
12. Анатомиа ҳақидаги илм.

17. Тасаввуф ҳақидаги илм.

Ас-Суютий анатомия ва тиббни шариат илмларига тобеъ қилишга ҳаракат қилади ва динни ўрганмайдиган барча илмларни инкор этади.

Бу фикрни кейинчалик тасаввуф аҳли янада кенгайтди. Улар тушунчаларида илм — фақат дин учун, унинг мустаҳкамлиги ва ривожланиши учун хизмат қиладиган воситадир.

Биз кўриб ўтган ва илмлар таснифига бағишлаб IX—XVI асрларда ёзилган асарларни "Мафотиҳ ал-улум"га солиштирсак, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифига қўшган ҳиссасини тўғри баҳолай оламиз.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Абу Наср ал-Форобийдан сўнг биринчилар қаторида ўздан олдин ўтган қадимги ва Урта асрлар олимлари ишлаб чиққан мантиқий-гносеологик билимларни тартибли равишда ўрганиб чиқди ва мантиқ ҳамда гносеология масалаларини Арасту руҳида тадқиқ этди. Онтология масаласида эса антик давр мутафаккирлари, алахусус Левкипп ва Демокритнинг атом ҳақидаги таълимотини давом эттирди.

Фалсафий масалаларни ўрганишда риёзиётга алоҳида ўрин ажратган ва уни фалсафа деб ҳисоблаган ал-Киндийдан фарқли ўлароқ, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳамма илмларни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш кераклигини таъкидлайди. Бу эса "Мафотиҳ ал-улум"да ўз аксини топди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Ал-Киндий илмлар таснифидаги объектив нарсаларнинг хусусиятларини ўрганиш негизидан фойдаланди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг илмлар таснифида даврининг илғор фикри бўлган, Абу Бакр ар-Розий томонидан таклиф этилган кимиёвий жисмлар таснифида ҳам фойдаланди.

Объектив воқеликни ўзининг илмлар таснифида асос қилиб олган Абу Наср ал-Форобий йўлидан борган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий материалистик йўналишларни янада давом эттирди. Бу эса унинг материяни табиий борлиқ бирламчи элементларининг асоси сифатида тан олишидадир.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмлар таснифини, "Ихвон ас-Сафо" таснифидан фарқли ўлароқ, илмлар борлиқнинг турли томонларини акс эттириши нуқтаи назаридан яратган.

"Ал-Фихрист" ("Рўйхат") мазмуни Ибн Надим ҳам Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий сингари Ўрта асрларда кенг тарқалган илмларни "мусулмон" ва "мусулмон бўлмаган"ларга ажратганини кўрсатади. Ибн Надим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдан фарқ қилиб, метафизика (илоҳиёт)ни алоҳида кўриб чиқмайди ва тасаввуфни ҳам илмлар қаторига киритади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмлар таснифни замонадошлари "Ихвои ас-Сафо", Ибн Надим, Абу Ҳаййон ат-Тавҳидий таснифига солиштирсак, уни ушбу масалани ҳал қилишга материалистик ёндашганини, илмий билимларнинг таснифини кенг шарҳлаганини яққол кўриш мумкин.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмларни "араб" ва "араб бўлмаган" илмлар тарзида, яъни диний илмларни табиий ва риёзиётдан алоҳида, бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриб чиқади. Абу Ҳомид ал-Ғазолий эса гарчи риёзиётни очикдан-очик инкор қилмаса ҳам, табиий илмларини диний илмларга бўйсундирмоқчи бўлади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифидаги баъзи бир материалистик ғоялар кейинчалик Ибн Рушд, Насириддин Тусий ва Ибн Халдун асарларида ва таснифларида янада кенгайтирилди ҳамда тўлдирилди.

Шундай қилиб, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифини синчиклаб ўрганиш унда илгари сурилган назарий фалсафа тизими ва унинг қўйи — табиий, ўртанча — риёзиёт ва олий — илоҳиёт деб учга бўлиниши Ибн Сино ва Насириддин Тусий таснифларига мос келишини кўрсатади. Ибн Сино ал-Киндий ва ал-Форобий асос солган Ўрта асрлар материалистик фалсафа йўналишини давом эттирган ва ривожлантирган бўлса, Насириддин Тусий уларни идеалистик ҳужумлардан муҳофаза қилиб, қайта тиклади. Бу эса Тусийдан катта мардлик ва чуқур билимни талаб қилди.

Агар ат-Тавҳидий ва ас-Суютий амалий фалсафани инкор этиб, уни ўз таснифларига қўшмаган, Ибн Надем ва Ибн Халдун унга умуман эътибор бермаган, "Ихвои ас-Сафо", ал-Ғазолий, Фахруддин Розий амалий фалсафани илоҳиётнинг бир қисми деб ёндашган бўлсалар, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий амалий фалсафани диний илмлардан алоҳида, мустақил ҳолда кўриб чиқди ва шу йўсида Арасту йўналишини давом эттирди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ахлоқ, уй юргизиш ва сибсатга бўлинган амалий фалсафаси билан ал-Киндий ва Ибн Сионий амалий фалсафага ёндашиши мос келади.

Фикримизни умумлаштирадиган бўлсак, кўпгина табиий илмларини, маантиқ ва фалсафани талқин қилишда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Синога яқин бўлиб, Шарқ перипатетизмининг асосий негизларини тан олиши унинг фалсафий дунёқарашида материалистик йўналишни яна бир бор исботлайди.

Турли олимлар томонидан ишлаб чиқилган илмлар таснифларини Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмлар таснифига солиштириб унинг "Мафотиҳ ал-улум" асари Ўрта асрлар маданияти ва маънавий кураши майдонида бошқа таснифлар орасида илгор ўринлардан бирини эгаллаган деган фикрга келишимиз мумкин.

"Мафотиҳ ал-улум"ни келажакда давлат тилимиз — ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб нашр этилса, табиийки, кенг илм аҳли, халқимизни қадриятларимиз жавоҳирларининг бири билан янада яқинроқ ва батафсил таниш-тирган ҳамда аждодларимиз яратган дурдоналардан баҳаманд бўлишига имкон яратган бўламиз. Бу эса ҳозирги сунда Мустақилликни қўлга киритган ҳур Ўзбекистонни қаҳонга танитиш мақсадида қўйилган қадамлардан бири бўлишига аминимиз.

МАФОТИҲ АЛ-УЛУМ

БИРИНЧИ ҚИСМ

(97) ОЛТИНЧИ БЎЛИМ — ТАРИХ¹

У тўққиз бобдан иборат.

Биринчи боб. Эрон подшоҳлари ва уларнинг лақаблари зикри ҳақида.

Иккинчи боб. Халифалар, ислом [аҳли] маликлари, уларнинг сифатлари ва лақаблари зикри ҳақида.

Учинчи боб. Жоҳилия [Исломгача бўлган] даврдаги Яман маликлари ва уларнинг лақаблари зикри ҳақида.

Тўртинчи боб. Яман маликларидан бўлган Муъаддо маликлари зикри ҳақида.

Бешинчи боб. Рум ва Юнон маликлари зикри ҳақида.

Олтинчи боб. Форслар [Эрон] тарихига оид [асарларда] тез-тез учрайдиган (ишлатиладиган) сўзлар.

Еттинчи боб. Ислом пайдо бўлганидан кейин забт этишлар ва газовотлар [ҳақидаги] араблар тарихига оид [асарларда] тез-тез зикр қилинадиган (ишлатиладиган) сўзлар.

Саккизинчи боб. Жоҳилия [Исломгача бўлган] даврдаги араб маликлари тарихига оид [асарларда] тез-тез зикр қилинадиган (ишлатиладиган) сўзлар.

Тўққизинчи боб. Рум маликлари тарихига оид [асарларда] тез-тез зикр қилинадиган сўзлар.

*Биринчи боб***ЭРОН ПОДШОҲЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЛАҚАБЛАРИ
ЗИКРИ ҲАҚИДА**

[Эрон] подшоҳларининг биринчи сулоласи *Пешдодийлардир*.

Бу сулоланинг биринчи подшоҳи — *Кайумарс*. Унинг лақаби *Килишоҳ*, яъни "ер подшоҳи", чунки у, форслар

¹ Қавс ичида ван Флотен нашр қилган "Мафотиҳ ал-улум"нинг араб тилидаги матни бетлари кўрсатишган. Араб тилидан муаллиф таржимаси.

фикрича, биринчи инсон бўлиб, унда ердан бошқа ҳеч қандай бойлик бўлмаган, сўнгра

Ушҳанг (Ҳушанг) — унинг лақаби "*Бишдод*" бўлиб, маъноси (99) "биринчи одил", сўнгра

Таҳмурас — унинг лақаби "*Нажиб*" — "олижаноб", уни шунингдек "*Зийнованд*", маъноси "яхши қуролланган" деб ҳам атардилар. Чунки у биринчи бўлиб қурол ишлаб чиқарган, сўнгра

Жам — унинг лақаби "*Шид*", яъни "ёрқин нур сочмоқ"; ушбу сабабдан қуёш нурини форс тилида "*Хуршид*" дейдилар, чунки қуёш (форс тилида) "хур" дейлади, сўнгра

Биваросф — унинг лақаби "*Заҳҳок*", бу арабийлаштирилган "даҳок" сўзи бўлиб, унинг маъноси "ўн офат эгаси (соҳиби)"; бу аздаҳо, яъни аждарҳо сўзининг арабийлаштирилгани бўлиши ҳам мумкин деб тахмин қилдилар, чунки унинг елкаларида иккита гурраси бўлган, сўнгра

Афридун — унинг лақаби "*Муъаййад*" — "қувватланувчи, қўллаб-қўлтиқланувчи", сўнгра

Ираж — унинг лақаби "*Мустафо*" — "мушгоз, имтиёзли, танланган", сўнгра

Мануҷиҳр — унинг лақаби "*Фируз*", яъни "зафарли (ғалабали)", сўнгра

Афрасийоб ат-туркий — турк. исмининг маъноси "тегирмон (ғилдирагининг) парраги". Форслар подшоҳи бўлмагани учун унинг лақаби бўлмаган, сўнгра

Навзар — унинг лақаби "*Озода*", яъни "озод" сўнгра

Зоб ва *Каршосб*. (100) улар икки шерик сифатида танилган, чунки улар биргаликда подшоҳлик қилганлар.

Подшоҳларнинг иккинчи сулоласи — *Кайонийлар*.

Кай — "қудратли" дегани, "*кайон*" (шу сўзнинг кўплиги) — бу "қудратлилар".

Уларнинг биринчиси *Кайқубоз* — унинг лақаби — "*Биринчи*" сўнгра

Кайковус — унинг лақаби "*Намурд*", яъни "ўлмаган" Менинг тахминимча, бу яҳудийлар "*Намурд*" деб номлаган одам, сўнгра

Кайхусрав — унинг лақаби "*Ҳумойун*", унинг маъноси "худонинг марҳаматига сазовор бўлган", сўнгра

Кайлуҳросб — унинг лақаби "*ал-Балхий*", чунки у Балхда яшаган, сўнгра

Кайбишtosб — унинг лақаби "*Ҳирбоз*", яъни "оташла раст". Уни шундай дейишларига сабаб Зардушт унга оташпарастлик динини таклиф қилганда унинг қабу қилганидир, сўнгра

Кайардашир — унинг ўзи Баҳман ибн Асфандийор — уни ушбу икки исм билан аташган. Унинг лақаби "*Саҳи* (ҳотамтой, олийҳиммат)", сўнгра

Ҳумой — Баҳман қизи (101) — унинг лақаби "*Жирозоб*", сўнгра

Доро — унинг лақаби "*Буюк, катта*", сўнгра

Доро ибн Доро — унинг лақаби "*Иккинчи*".

Сўнгра бу сулоладан кейин Искандар Македонияли подшоҳлик қилди; унинг юнонча исми *Александрос ибн Филфус*; уни шунингдек "*Зул қарнай*" — "икки шохлик" ҳам дейишади. У Эронни забт этди ва ҳар бир жой (вилоятга) малик тайинлади. Улар тўқсонга эди—ҳ; бир шаҳарда биттадан. Улар, пойтахти Мадонн (Кт сифон) шаҳри бўлган Ироқ маликларига бўйсун эдилар.

Улар [Эрон подшоҳлари] — *Ашконийлар* учинчи сулолани [ташқил этадилар]. Улар *Ашк ибн Доро* фарзандлари бўлгани учун шундай деб номланишган. *Ашк ибн Доро* бу сулоланинг биринчиси бўлган ва уни лақаби "*Жавшанда*" эди, сўнгра

Ашк ибн Ашк — унинг ўғли, унинг лақаби "*Ашкони*" сўнгра унинг ўғли

Собур — унинг лақаби "*Заррин*", яъни "олтин", сўнгра унинг ўғли

Баҳром — унинг лақаби "*Жударз*", сўнгра унинг ўғли

Нарси (102) — унинг лақаби "*Нийу*", сўнгра

Ҳурмуз — унинг лақаби "*ас-Солор*", сўнгра унинг ўғли

Баҳром — унинг лақаби "*Рушан*", яъни "ёруғ, равшан" сўнгра унинг ўғли

Баҳром — унинг лақаби "*Назода*", яъни "олижананга" сўнгра

Нарси — у овга берилиб кетгани учун лақаби "*Ширин*", унинг маъноси "овчи, сайёд", сўнгра

Ардавон — унинг лақаби "*қизил*".

Тўртинчи сулола — *Сосонийлар*.

Улар *Бобек ибн Сосон* фарзандлари. Уларнинг биринчиси *Ардашир ибн Бобек*, унинг лақаби "*Бобекон*", яъни *Бобек ўғли*, сўнгра унинг ўғли

Собур — унинг лақаби "*Набарда*", сўнгра унинг ўғли *Ҳурмуз* — унинг лақаби "*Мард, қаҳрамон*", сўнгра унинг ўғли

Баҳром — унинг лақаби "*Бурдабор*", сўнгра унинг ўғли *Баҳром ибн Баҳром* — унинг лақаби "*Шоҳанда*", яъни "ҳаққоний", сўнгра унинг ўғли

Баҳром ибн Баҳромон, чунки у Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром; унинг лақаби "*Сахистон шоҳ*", яъни Сеистон подшоҳи, сўнгра унинг укаси

Нарси — унинг лақаби "*Нахширкон*", яъни "ёввойи ҳайвонлар овчиси", сўнгра унинг ўғли

Ҳурмуз — унинг лақаби "*Куҳбаз*", яъни "тоғ соҳиби (эгаси)", сўнгра унинг ўғли

Собур — унинг лақаби "*Ҳуя Сунбо*"; *Ҳуя* форс тилида елка (дегани), *Сунбо* эса (103) тешувчи. Араблар уни елкадор деб атаганлар. Тахмин бўйича унинг шу лақаб олишига сабаб, араблар елкаларини тешиб унга ҳалқа кийгизганидандир. У (араблар) елкаларини чиқарган дейишади, сўнгра унинг укаси

Ардашир — унинг лақаби "*Чиройли*", сўнгра

Собур ибн Собур — унинг лақаби "*Собур ал-жунуд*" "аскарларни синовчи", сўнгра

Баҳром ибн Собур — унинг лақаби "*Кирмон шоҳ*" (Киртон подшоҳи), сўнгра унинг ўғли

Йаздажирд — унинг лақаби "*Осий*", "*Қўпол*"; форс тилида бу—дафр (муттаҳам, қаллоб, фирибгар, товлатачи) ва базакар (осий), сўнгра унинг ўғли

Баҳром Жур — у ёввойи эшакларни ов қилишни жуда хши кўргани учун унга ушбу лақабини ("*жур*" — "*ғур*") еришган, сўнгра унинг ўғли

Йаздажир — унинг лақаби "*Синоҳ дўст*", яъни аскарларни сеувчи" сўнгра унинг ўғли

Ҳурмуз — унинг лақаби "*Фарзона*", яъни "донишманд", сўнгра унинг укаси

Фируз — унинг лақаби "*Мардона*", яъни "мард", сўнгра унинг ўғли

Балош — унинг лақаби "*Каронмоё*", яъни "қимматли", сўнгра унинг укаси

Жомосб — унинг лакаби "*Никорин\ жът*
(Ю4)"буялган", "на^шланган", сунгра

Кисро (Хисрав) — унинг лак;аби "*Анушарвон*" ва "*Odit подшоҳ,*". У ва ундан кейин хукм (сурган) юритга! подшоҳлар *Акосира* — *хисравийлар* дейилган, сунгра унинг угли

Хурмуз—унинг лакаби "*Туркзод*", яъни турк аелинин УГЛИ, ЧунКИ УНИНГ ОНАСИ ХоКРИ (ТурК ПОДШОХИНИНГ) *ИЗИ булган, сунгра унинг угли

Кисро (Хисрав) — унинг лакаби "*Абарвиз*", яъни "*ʒjn* ратли шох_", сунгра унинг угли

К,убоз ~~ унинг лакаби "*Шируйа*", сунгра унинг у>ли *Ардашир* — унинг лакаби "*Кучак*", яъни "кичик" сунгра

Кисро ибн К_убоз ибн Хурмуз ийн Анушарвон — унинг лакаби "*Купгоҳ,*", яъни "*^ис^а*", сунгра

Бурой бинт Абарвиз — унинг лакаби "*Бахтли*" (саодатли), сунгра унинг синглиси

Озармидухт — унинг лакдби "*Одила*", сунгра

Фаррухзод ибн Абарвиз — унинг лак.аби "*Бахтиёр*" сунгра

Йаздажир ибн Шцирёр — унинг лакаби "*Охирги подшоҳ_*".

(J05) *Иккинчи боб*

ХАЛИФАЛАР, ИСЛОМ [АХ.ЛИ] МАЛИКЛАРИ, УЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ ВА ЛА^АБЛАРИ ЗИКРИ ХАСИДА

Уларнинг биринчиси *Абу Бакр Абдулло.- и/*м Ад*) *J^ух-офа*. У ни Расулulloҳ_, Аллоҳ^ у ни к.улласин ва та^дирласин, халифаси (издош, ворис) дейишади. Унинг лакаби "*Атиц*" ("озод этилган"), сифати эса "*Сиддиц*" ("энг хақ_крний"), сунгра

Умар ибн ал-Хаттоб — унинг лакаби "*Фору*?*" ("яшк| фарк. к^илувчи")

Халифалар орасида биринчи булиб у ни "*Амир ал-му* минин*" (худога ишонувчилар амири) дсйишган, сунгра

Усмон ибн Аффон — унинг лакаби "*Зу-н-иурайн*" ("и" ки нур эгаси"), сунгра

Али ибн Абу Толиб—у "Васий"¹ — ("васият қилувчи") уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин.

Сўнгра улардан кейин Умавийлар.

Уларнинг на сифатлари ва на лақаблари бўлмаган. Уларнинг биринчиси

Муъовийа ибн Сахр Абу Суфйон ибн Ҳарб, сўнгра унинг ўғли

Йазид, сўнгра унинг ўғли

Муъовийа ибн Йазид, сўнгра

Марвон ибн ал-Ҳакам, сўнгра унинг ўғли

Абд ал-Малик ибн Марвон; унга "Абу Заббон" деган лақаб беришган, сўнгра

Ал-Валид ибн Абд ал-Малик ибн Марвон, сўнгра унинг укаси

Сулаймон ибн Абд ал-Малик, сўнгра

Умар ибн Абд ал-Азиз (106) ибн Марвон — у "Ашажж Бани Умаййа" ("бошидан яраланган (жароҳатланган) Умавий") сўнгра

Йазид ибн Абд ал-Малик, унинг укаси

Ҳишом ибн Абд ал-Малик, у "Аҳвал Бани Умаййа" ("ғилай Умавий"), сўнгра

Ал-Валид ибн Йазид ибн Абд ал-Малик, сўнгра

Йазид ибн ал-Валид ибн Абд ал-Малик — унинг лақаби "Ноқис" ("нуқсонли"), сўнгра унинг укаси

Иброҳим ибн ал-Валид, сўнгра

Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн ал-Ҳакам; у [Умавийлар сулоласининг] охиригиси бўлиб, унинг лақаби — "Ҳимор" ("эшак") эди, у шунингдек "ал-Жаъдийй" ("жингалак соч" номи билан) машҳур бўлган.

[Аббосийлар]

Сўнгра Аббос ибн Абд ал-Муталлиб авлодлари, Аллоҳ уларни барчасидан рози бўлсин, [ҳокимлик қилганлар].

Уларнинг биринчиси Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос — унинг ўзи "ас-Саффоҳ" [қонхўр], сўнгра унинг укаси

¹ Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сақланаётган нусхаси бўйича: ар-радийй — ёқимли, мамнун.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад — унинг ўзи "ал-Мансур" ("ғолиб"), сўнгра унинг ўғли

Мусо — унинг ўзи "ал-Ходийй", сўнгра унинг укаси

Ҳорун — унинг ўзи "ар-Рашид", сўнгра унинг ўғли

Муҳаммад ибн Ҳорун — унинг ўзи "ал-Амин", сўнгра унинг укаси

Абдуллоҳ ибн Ҳорун — унинг ўзи "ал-Маъмун", сўнгра унинг укаси

Муҳаммад Абу Исҳоқ ибн Ҳорун — унинг ўзи "ал-Муътасим", сўнгра унинг ўғли

Ҳорун ибн Муҳаммад (107) — унинг ўзи "ал-Восиқ", сўнгра унинг укаси

Жаъфар — унинг ўзи "ал-Мутаваккил", сўнгра унинг ўғли

Муҳаммад ибн Жаъфар — унинг ўзи "ал-Мунтасир", сўнгра

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Муътасим — унинг ўзи "ал-Мустаъин" сўнгра

Зубайр ибн ал-Мутаваккил — унинг ўзи "ал-Муътазз", сўнгра

Муҳаммад ибн ал-Восиқ — унинг ўзи "ал-Муҳтади", сўнгра

Аҳмад ибн ал-Мутаваккил — унинг ўзи "ал-Муъта-
мид", сўнгра

Ал-Муваффақ — валийул аҳд ва ("ал-Муътаמיד") укаси — унинг исми Талҳа, сўнгра

Аҳмад ибн Муваффақ — унинг ўзи "ал-Муътадид", сўнгра унинг ўғли

Али — унинг ўзи "ал-Муктафи", сўнгра унинг укаси

Жаъфар — унинг ўзи "ал-Муктадир", сўнгра унинг укаси

Муҳаммад — унинг ўзи "ал-Қоҳир", сўнгра

Абу ал-Аббос Аҳмад ибн ал-Муктадир — унинг лақаби "ар-Рози", сўнгра унинг укаси

Иброҳим — унинг ўзи "ал-Муттақи", сўнгра

Абдуллоҳ ибн ал-Муктафи — унинг ўзи "ал-Мустак-
фи", сўнгра

Ал-Фазл ибн ал-Муктадир — унинг ўзи "ал-Мутид", сўнгра унинг ўғли

Абд ал-Карим — унинг ўзи "ат-Тоиб".

ИМАН МАЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЛАҚАБЛАРИ ҲАҚИДА

Қаҳтон авлодларининг бири, Яманнинг биринчи по-
лоҳи Ҳимйар ибн Сабо, сўнгра

Ҳорис ар-Роши — унинг лақаби "Туббаъ¹ ал-аввал";

ман аҳли (108) унга бўйсунгани учун уни шундай
лақаб аташган. У ҳақида "Роши" ("бойитувчи") дейишар-
ди, чунки у уларни бойитди, яъни кийинтирди ва
уларга бойлик ҳадя этди, сўнгра унинг ўғли

Абраҳа — унинг ўзи "Маъқлар эгаси", чунки у ўз
ришининг бутун масофасида маъқлар ўрнатди, сўнгра
унинг ўғли

Ифриқас — у барбарлар ерида "Ифриқиййа" (шаҳрини)
унёд этди, сўнгра унинг укаси

Ал-Абд зу-л-аззор ("Ваҳима солувчи"), тахмин қилиш-
арича уни бу ном билан аташларига сабаб у ан-Наснос
амлакатини босиб олгани ва сўнгра асирлик ваҳимасига
ушган [унинг] аҳолисини банди қилганлигидир.

Ҳудод ибн Шураҳбил — унинг ўзи Билқис отасидир,
ўнгра

Билқис — Сулаймон ибн Довуд уйланган аёл, улар
оқкаласига тийчилик ато бўлсин (алайҳимо ас-салому),
ўнгра унинг амакиси

Йосир Йунъим — уни шундай дейишларига сабаб, у
шамларга [яшашлари учун] хайр-саховат қилганлиги-
тандир, Билқис [Яманни] тарк этганлиги натижасида
сушқунликка (инқирозга) учраётган давлатни
юшқаришга киришганлигидир, сўнгра

Шамир Йаръаш — унинг ўзи Абу Кариб ибн Иф-
риқас; Йаръаш (яъни "титровчи", "қалтировчи") дейи-
лишига сабаб унинг титроқ (қалтироқ) бўлганлигидир.
Шунингдек Исқандар Румий [Зул-қарнайн] эмас, у
икки шоҳли (зул-қарнайн) бўлган деб тахмин қила-
дилар. Айтишларича у икки кокилли бўлганлиги сабаб
уни шундай дейишган, сўнгра унинг ўғли

¹ Қадимги Яман подшоҳларининг унвони.

Абу Малик ибн (109) Шамир, сўнгра унинг ўгли
"Туббаъ ал-Ақран" ("Шоҳли") — унинг ўзи "Иккинчи
Туббаъ", сўнгра унинг ўгли

Молик — унинг ўзи "Икки қўшни эгаси", сўнгра
Туббаъ ибн ал-Ақран ибн Шамир Йаръаш, сўнгра
унинг ўгли

Кали Кариб, сўнгра унинг ўгли
Асъад Абу Кариб — унинг ўзи "Ўртанча Туббаъ"
сўнгра

Ҳассон ибн Туббаъ, сўнгра унинг укаси
Амр ибн Туббаъ — унинг лақаби "Мавсоқ" ("тар
этмайдиған"), уни шундай дейишларига сабаб, ётга
ўрнини тарк этмаганлигидир, "висоф" улар тилида — ўри
Уни (шунингдек) "жой эгаси" лақаби бўлган, чунки
касал бўлгани учун тахтиравонда ўтирган ва уни одамла
елкаларида кўтариб юрганлар, сўнгра

Абд Кулол ибн Йасуб, сўнгра
Туббаъ ибн Ҳассон — унинг лақаби "Кичик Туббаъ";
Туббаълардан охиргиси ва у онасининг ўгли ал-Ҳори
ибн Амр ибн Ҳужр ал-Киндийини Маъаддо (қабиласи
малики (этиб тайинлади), сўнгра

Марсад ибн Абд Кулол, сўнгра
Валиъа ибн Марсад, сўнгра
Абраҳа ибн Саббоҳ, сўнгра
Ҳассон ибн Амр ибн Туббаъ, сўнгра
Зу Шанотир, ҳимёрий тилида бу, "Зирақлар эгаси"
(маъносини) англатади, сўнгра

Зу Нувос ("Осилиб турувчи кокиллар эгаси"), унинг
елкасига осилиб тушган, яъни тебраниб турган (110) икки
кокили бўлганлиги сабабли шундай деб аташган, сўнгра
Зу Жадан — у [уларнинг] охиргиси.

Сўнгра ҳабашлардан уч нафари маликлик қилган,
уларнинг биринчиси

Абраҳа ал-Ашрам, сўнгра унинг ўгли
Йаксум, сўнгра унинг укаси
Масруҳ ибн Абраҳа, сўнгра
Сайф ибн зи Йазан — у форс малики Анушарвондан
ёрама сўради. Анушарвон унга Ваҳриз бошчилигида қў-
шин юборди ва ҳабашлар Ямандан қувилдилар. Сўнгра
[кейинчалик] Сайф ибн зи Йазан ўлдирилди ва Яманда
ҳокимликни қўшни форс маликлари эгалладилар. Сўнгра
ҳокимлик мусулмонларга ўтди.

ЖОҲИЛИЯ [ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН] ДАВРИДАГИ ЯМАННИНГ МУЪАДДО МАЛИКЛАРИ ЗИКРИ ҲАҚИДА

Жоҳилия давридаги Муъаддо маликлари:
Наср оиласи — бу Ямандан [келган] Лахмийлар, улар
хисравийлар ворислари [хизматчилари] бўлиб Ироқда
яшаганлар.

Уларнинг биринчиси — Малик ибн Фаҳм, сўнгра унинг
ўгли

Жалима ал-Абраш ("Доғли, хол-хол"); у махов
касали билан оғригани учун "ал-Абраш" деб аташган;
(уни) шунингдек "Ваззоҳ" ("ёруғ, оқ") ҳам дейишарди,
сўнгра

Амр ибн Адийй — у ўзига (111) Хирани пойтахт қилиб
танлаганлар ичида биринчидир, сўнгра

Имру ал-Қайс ал-Бадъ "ал-Бадъ", яманликлар тилида —
"Биринчи" сўнгра унинг ўгли

Амр — унинг ўзи ибн Ҳинд, сўнгра
Авс ибн Қаллом, сўнгра
Имру ал-Қайс ал-Бадан — унинг ўзи "Муҳарриқ
ал-аввал" ("биринчи ёндирувчи"), чунки у биринчи
бўлиб, одамларни олов билан жазолаган, сўнгра унинг
ўгли

Нуъмон — у ал-Хаварнақ ва ас-Садирга асос солган.
Форис Ҳалима — унинг ўзи "Аъвоир" ("гилай"), шунинг-
дек "Соих" ("сабҳатчи"), чунки у ер юзи бўйлаб сабҳат
қилган, лекин ҳеч ким уни кўрмаган, сўнгра унинг ўгли

Мунзир, сўнгра унинг ўгли
Асвад, сўнгра
Мунзир ибн Мунзир, сўнгра
Нуъмон ибн Мунзир, сўнгра
Нуъмон ибн Асвад, сўнгра халифалик
Абу Йаъфур ибн Алқамға ўтди, сўнгра

Имру ал-Қайс ибн Нуъмон — у [ўз] дўсти Синни-
морни унга "Синнин" қалъасини қуриб бўлганидан сўнгра
ўлдирган [кишидир], сўнгра унинг ўгли

Мунзир — у Мо' ас-Само ўгли; Мо' ас-Само унинг
онаси бўлиб, уни "Морийя" дейишарди; унинг ўзи
"Зулқарнайн" ("Икки шох эгаси"), сўнгра

Ҳорис ибн Амр ибн Ҳажар ал-Киндий — [унинг лақаби] "Мурор" ¹ейувчи", сўнгра

Мунзир ибн Мо' Ас-Само иккинчи марта, сўнгра унинг ўғли

Амр — уни "ибн Ҳинд", "Музаррит ал-Ҳижора", "Муҳарриқ ас-Соний" лақаблари бор эди, сўнгра унинг ўғли (112)

Қобус ибн Мунзир, сўнгра

Файсҳарб ал-Форсий-у Анушарвои даврида подшоҳлик қилган, сўнгра

Мунзир ибн Мунзир ва унинг укаси

Амр ибн Ҳинд, сўнгра

Нуъмон ибн Мунзир — у Абарвиз фил оёқлари остида ўлдирган [кишидир]; у Лахм сулоласининг охириги подшоҳи эди. Ундан кейин

Ийос ибн Қубайса ат-Тодий подшоҳлик қилди, сўнгра Зодвийа ал-Форсий, сўнгра

Мунзир ибн Нуъмон ибн Мунзир — бир неча ой подшоҳлик қилган ва "Мағрур" лақабини олган, у Жааза жангида Холид ибн Валид Хира [шаҳрига] келган кунни ўлдирилган.

Жафна сулоласидаги араб подшоҳлари.

Улар — *Ҳассонийлар* — Шом [Сурия] маликлари ҳам Ямандан келиб чиққанлар; улар [Рум] императорлари ноиблари бўлиб хизмат қилганлар. Уларнинг на сифатлари ва на лақаблари бўлмагани учун мен уларнинг исmlарини зикр этмадим.

Бешинчи боб

РУМ ИМПЕРАТОРЛАРИ (МАЛИКАЛАРИ) ЗИКРИ ҲАҚИДА

Доро ибн Дорони ўлдирган Александр ибн Филфусда (яъни Искандар Зулқарнайн) сўнг Юнон шаҳарларида бири бўлган, "донишмандлар шаҳри" сифатида машҳур бўлган Македониядан (113) чиққан ўн нафар (шаҳ) императорлик қилдилар, Улар ҳаммаси "Баталмйус" (Птолемейлар, Лагидлар) ² — унинг маъноси "ҳарбий" ва улар ҳар бирининг ўз лақаби бўлган. Улардан биринчиси

¹ Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Ташкент, 1974, IV том, № 989. (Кейинчалик: Беруни, IV т., №).

² Эллинистик Мисрда эрамиздан олдинги 305-30-йилларда ҳокимлар қилган подшоҳлар сулоласи.

Баталмйус ал-Ариб ибн адиб, сўнгра
Баталмйус ибн Лағус, "отасини севувчи, отасига меҳрибон", сўнгра

Баталмйус ас-Соний ("ҳунарманд"), сўнгра

Баталмйус [астроном] "соҳиб ал-илм бил-нужум", "отасини севувчи, отасига меҳрибон", сўнгра

Баталмйус ас-Соний ас-соний ("иккинчи ҳунарманд"), сўнгра

Баталмйус ал-Мухлис ("самимий, очиқ кўнгил"), сўнгра

Баталмйус Искандарий, сўнгра

Баталмйус ал-Хайр ("хайрли, яхши"), сўнгра

Баталмйус ал-Хадидий ("темир"), сўнгра

Баталмйус ал-Хабис ("баттол, баджаҳл"), сўнгра

Қлуфатро бинт Муҳайса (Клосопатра) подшоҳлик қилди.

Сўнгра Рум юнонликлар устидан галаба қилди ва Ол Суфар сулоласи подшоҳлиги бошланди. (Уларнинг) биринчиси Йулйус (Юлиус), сўнгра

Август Қайсар (Цезарь) — уни императорлар ичида биринчи бўлиб "Цезарь", яъни "Қайсар", деб аташган. Бу [сўз]нинг маъноси (114) "кесиб олинган", шундай дейишларига [сабаб] уни ўлган ҳомиладор отасининг қорнини эриб чиқариб олганлар, сўнгра

Қустантик ибн Ҳилоний (Константин Хилоний ўғли) ўз пойтахти Бозантийони қурди, уни девор билан ўради ва [шаҳар] Қустантинийа (Константина) деб атала бошланди. Уша пайтдан бошлаб ҳозиргача бу шаҳар румликлар пойтахтидир.

Ҳаркал (Геракл) — ҳижратнинг биринчи йили Румда подшоҳлик қилган император.

Қустантин ибн ал-Йун (Константин Юн ўғли) — ҳижратнинг 301 йилидан бошлаб Румда подшоҳлик қилган император.

Мен бу ерда Птолемейлардан сўнг подшоҳлик қилган Рум императорлари исmlарини эслатиб ўтмадим, чунки уларнинг на лақаблари ва на машҳур сифатлари бўлмаган.

Олтинчи боб

ФОРСЛАР [ЭРОН] ТАРИХИГА ОИД [АСАРЛАРДА] ТЕЗ-ТЕЗ УЧРАЙДИГАН СЎЗЛАР.

Марозоба — марзубон [сўзининг] кўпчилиги — бу подшоҳдан кейинги [мансаб погонасидаги] кишилар бўлиб, улар чегара вилоятлари ҳокимларидир. "Марз" форс

тилида "чегара"ни, "марзубон"— "чегара вилояти ҳокими" маъносини англатади.

Жайҳун дарёси қирғоқларини эронликлар "марзи Турон", яъни турклар чегараси деб атасалар, Хуросон аҳли уни "марзи Ирон", яъни Эрон чегараси деганлар.

Хуросон — унинг маъноси [шарҳи] Шарҳ.

Хурборон — бу Ғарб.

Нимруз — бу жанубий шамол томони, (115) чунки Қуёш тушда унинг қаршисида туради.

Озарбоддон — бу шимолий шамол эсадиган томон. "Озар" қиш ойларидан бири, "бод" эса шамол ва уларнинг маъноси қишқи шамол эсадиган томон. Сўнгра сўз арабийлаштирилган ва Озарбайжон бўлиб қолган.

Дирафш — бу форсча "дирафш Кобийон" сўзидан арабийлаштирилган (сўз). Дирафш — бу байроқ; Даҳқокка қарши чиқиб уни ўлдирган кишининг исми Афридум Коби эди. Унинг байроғи айиқ терисидан эди: [баъзилар арслон терисидан деб айтадилар. Эрон подшоҳлари байроқни муқаддас деб ҳисоблаб, уни олтин билан қопладилар ва қимматбаҳо тошлар билан безадилар.

Асовира — [бу] "усвор" [сўзининг] кўплиги, [усворнинг] маъноси чавандоз, чунки форслар фақат ботир ва машҳур қаҳрамоннинггина "усвор" деб атайдилар.

Суристон — бу ас-Савод¹. Сурёнийлар унга мансубдилар, уларнинг ўзлари набатийлардир.

Боғистон — [бу] мажусийлар бутхонаси; боғ — бу бут. ал-Асмоъий айтишича, шунинг учун ҳам Бағдои дейилади, унинг маъноси "бут ҳадяси", (116) шунинг учун подшоҳни ҳамда имом ва саййидни ("хўжани") "бағ" дейишган. Ушбу (сўз билан) хитой подшоҳини бағ бур, яъни "подшоҳ ўғли", дейишган; Ибн Дуруставайҳ ўз китоби "Тасҳиҳ ал-Фасиҳ"да ал-Асмоъий Бағдод сўзинини талқинида хатога йўл қўйган, чунки форслар бутпарас: бўлмаганлар, дейди. Бу "Боғ дод", "боғ" — бу боғ, "дод" эса киши исми. Бу Ибн Дуруставайҳнинг ёлгон ижтироси ва кўпол хатоси. Чунки "бағ" (сўзи форсларда) "худо" "хўжа", "подшоҳ"ни англатади; улар бутларни ҳурматлаганлар ва унинг марҳаматини сўраганлар. Улар бутларни "бағ", бутхонани эса "бағистон" дейишган. Умрим

қақи [умримни ўртага қўйиб қасам ичаманки] форслар бутларга сиғинганлар ва уларни подшоҳлар ва имомлар шаклида тасвирлашган. Эҳтимол "бағдод" — бу "подшоҳ ҳадяси".

Мавбаз — мажусийлар қозиси; мавбазон мавбаз эса қозилар қозиси.

Ҳирбоз — бу оловни [сақловчи] ходим, кўплиги ҳаробиза.

Форслар тилларига [қуйидагилар] киради:

Фаҳлавийя (пахлавий) (117) — бу подшоҳлар ўз мажлисларида гаплашган тилдир. Бу тил Баҳлага мансуб, Баҳла эса беш вилоят [ёки шаҳар]: Исфохон, Рай, Ҳамалон, Моҳнаҳованд, Озарбайжон номидир.

Форсийя (форс) — бу мажусийлар қозилари ва уларнинг яқинлари гаплашган тил. Бу тил Форс вилоятида [тарқалган эди].

Дарийя (дарий) — бу Мадон¹ шаҳарлари аҳлининг тили, унда (одамлар) подшоҳ саройида гаплашишган ва бу [тил] пойтахтга хос. Машриқ аҳли тилларидан энг кенг тарқалгани Балх аҳли тилидир.

Хузийя — бу Хузистон вилояти аҳолисига мансуб тил; унда шунингдек подшоҳлар ва катта амалдорлар қожатхоналарида, истифроғ (қайт қилиш) жойларида, ҳаммомларда счинаятганда, бассейнда (сунъий ҳовуз) ва таҳорат хоналарида гаплашганлар.

Сурёнийя (сурёний) — бу Суристон (Ассурия) вилояти, яъни Ироқ саводи², аҳолисига мансуб тил. Сурёнийларни (осурийлар), шунингдек набатийлар дейишган. Унда подшоҳ яқинлари бирор нарса сўраб мурожаат қилганда, ёки зулмдан арз қилганда гапиришган, чунки у хушомадгўйлик (билан сўзлашга мос) тил эди.

Форслар ёзуви [иш юритиш бўйича] дафтарлари.

Дод дафтира — [суд] ҳукми (118) ёзуви рўйхат дафтари.

Шаҳр ҳамор дафтира — шаҳарга солиқ солиш учун [ерни ҳисоблаш] рўйхат дафтари.

Када ҳамор дафтира — подшоҳ саройи [мулкни] ҳисоблаш рўйхат дафтари.

Канж ҳамор дафтира — хазинани ҳисоблаш рўйхат дафтари.

¹ Мадон, яъни Ироқ.

² Одий халқ.

¹ Дажла ва Фрот оралигидаги текислик илгари шу ном билан аталган; Ироқ маъносига ҳам ишлатилади.

Охур ҳамор дафира — отхоналарни ҳисоблаш рўйхат дафтари.

Отеш ҳамор дафира — оловни [ўчоқ] ҳисоблаш дафтари.

Разомкон дафира — вақфларни ҳисоблаш рўйхат дафтари.

Акосира — [бу] синиқ кўплик шаклларига билакс кисро [сўзининг] кўплиги; *кисро* [форс тилидаги] *хусраа* [сўзининг] арабийлаштирилган шакли.

Еттинчи боб

ИСЛОМ ПАЙДО БЎЛГАНИДАН КЕЙИН ЗАВТ ЭТИШЛАР ВА ҲАЗАВОТЛАР [ҲАҚИДАГИ] АРАБЛАР ТАРИХИГА ОИД [АСАРЛАРДА] ТЕЗ- ТЕЗ ЗИКР ҚИЛИНАДИГАН (ИШЛАТИЛАДИГАН) СЎЗЛАР

Шурта — бу белги, унинг кўплиги "*шурат*".

Шуратийун — бу қора байроқ кўтарганлар, уларнинг раҳбарини эса "*соҳиб шурат*" дейишади.

Ҳарба (найза) — Ҳабашистон (Эфиопия) қироли Нажошники эди ва у найзани Расулуллоҳга, Аллоҳ уни қўлласин ва тақдирласин, ҳадя қилди (119). У [найза] байрамда намозга чиққанида Расулуллоҳ, Аллоҳ уни қўлласин ва тақдирласин, қўлларида бўлган. Халифаларга у мерос бўлиб қолган. Бу пайғамбар, Аллоҳ уни қўлласин ва тақдирласин, ўз қўли билан Уҳуд жангида Абу ибн Халафни ўлдирган найзадир. У шунингдек *Аназа* ҳам дейилади.

Бурда (плаш) — (бу) Расулуллоҳ, Аллоҳ уни қўлласин ва тақдирласин, шоир *Каъаб ибн Зухайр*га кийгизган плашдир, шоирдан уни [плашни] *Муъовийа* сотиб олган. Халифаларга у ҳам мерос бўлиб қолган.

Робита — бу йилқилари [миниладиган ҳайвонлари] бўлган бадавнийлардир.

Одийа — бу [яхши] чопқир отлари бўлган [одамлардир].

Шаноқиса — бу аскарлар қавми, ундан нисбий сифат "*шаноқисий*" [бўлади].

Анбў — бу деҳқонлар ўғиллари, ундан нисбий сифат "*банавий*" [бўлади].

Фароғина — бу Фарғона аҳлидир.

Ихшид — бу Фарғона подшоҳининг исми, подшоҳдан сўнг мансаб бўйича келган аъёнларни эса "*саворатахин*" дейишган.

Афшин — бу Ушрусана маликининг (подшоҳининг) исми.

Ҳайотила — бу Тахористонда ҳокимлик қилган бир гуруҳ шавкатли кишилар: Халаж ва Канжина турклари (120) уларнинг авлодларидир.

Хоқон — буюк турк малики (подшоҳи). *Хон* — у раис, хоқон эса хонлар хони, яъни раислар раиси; бу худди форслар шоҳаншоҳ дегани кабидир.

Жаббуя — Ғузийя малики; Харлухийя маликини ҳам жаббуя дейишарди.

Йанолаткин — бу жаббуянинг валий аҳди. Ҳар бир раислар раиси ёки турклар подшоҳи, ёки деҳқонларнинг йаноли, яъни валий аҳди [бор].

Субоши — бу қўшин (соҳиб) қўмондони.

Тархон — бу аслзода, хўжа, уни [сўзни] кўплиги *тароҳина* бўлади.

Бағбур — бу Хитой подшоҳи; синд, хитой ва соф форс тилида "*бағ*" — бу подшоҳ, "*бур*" эса — ўғил.

Рой — бу Ҳинд подшоҳининг (исми).

(121) *Қаннуж рой* — бу энг катта вилоят Қаннужда ҳокимлик қилган подшоҳ.

Балаҳрой ва Балухро — уларда [ҳиндларда] энг буюк подшоҳ.

Сарийя — бу тунги ҳужумларга юборилган кишилар гуруҳи; [сўз] "*суро*" [тунги саёҳат] дан келиб чиқади ва унинг кўплиги "*саройо*".

Сориба — бу кундуз кўни бирор ишга юборилган одамлар гуруҳи; унинг [сўзининг] кўплиги "*савориб*".

Баъсо — бу кундузи ва кечаси топшириқ билан юборилган одамлар гуруҳи.

Тажмир — бу аскарларни душманга узоқ вақт ҳарши туриши.

Ҳамро — бу ажамлар [чет элликлар].

Арҳо — бу мустақил ва бир-бирига муҳтож бўлмаган қабилалар.

Аҳмос — бу аслзода, олий мартабали одамлар; *Бану Тамим*, *Бакр ибн Воил*, *Абд ал-Қайс*, *Азд ва Кинда* қабилаларининг ҳар бири хумс дейиларди. Бу қабилалар бошлиқлари (122) аҳмос бошлиқларидир.

Валд'иъ ал-жунд — бу қўшин овқатлари ва қуролларидир; унинг бирлиги *вазиъа*.

Шуъуб — бу "*шаъб*"нинг кўплиги. (бу сўз) ажам учун худди арабларга қабилалар маъноси кабидир. Аллоҳ Таъоло сўзлари: "Биз сизларни ҳамма (бир-бири билан) танишиши учун халқлар ва қабилалар қилиб яратдик"¹, ажамларга мутаассиблиги [иштиёқи, майли] бўлган кишини "*шуъубийй*" деб атайдилар дейишди; шунингдек бу [сўз] арабларга қандай тааллуқли бўлса, ажамларга ҳам шундай тааллуқлидир: "*бану Қаҳтон шаъб*" ва "*бану Аднон шаъб*", сўнгра

Қаб'ил — (қабил), унинг [сўзнинг] бирлиги "*қабил*" бўлиб, "*қаб'ил ар-ра'с*" — маъноси: бош суяги — сўзидан келиб чиққан.

Ҳайй — айтишларича "*ҳайй*" ва "*қабил*" орасидаги фарқ шуки "*ҳайй*"да "*бану фулон*" дейилмайди, масалан "*Қурайш*", "*Сақиф*",

Маъдд ва *Жузам*, ammo қабил номи айтилаётганда "*бану фулон*" дейишади, масалан: *бану Тамим*, *бану Салул*, сўнгра

Амо'ир — [одамлар гуруҳи] қабиладан сўнг (яъни қабиладан кичик), унинг [сўзнинг] бирлиги "*ъмора*", масдари эса "*ъмора*", сўнгра

Бутун — (оила, уруғ), унинг [сўзнинг] бирлиги "*батн*"² [бу сўз] музаккар.

Афхал — (бўғин), унинг [сўзнинг] бирлиги "*фахиз*", сўнгра

Фасо'ил — (фахиздан кичик бўлган уруғ), унинг бирлиги "*фасила*", сўнгра

Ашира — "қариндошлар".

Мисок — бу кимгадир ўлжа сифатида чекига тушган асир.

Дароҳим вафийа (тўлиқ) — бу вазни (123) [бир] мисқолга тенг бўлган дирҳамдир.

Вазн сабъа — бу ўнтасининг вазни етти мисқолга тенг бўлган дирҳамлар, "*вазн хамса*" ва "*вазн самониййа*" ҳам худди шундай.

Қаромил — бу икки ўрқачли туя.

Бухор — бу ҳинд мажусийлари бутхонаси.

Фархор — бу Хитой ва Юқори Сўғд мажусийлари бутхонаси.

Будд — бу энг катта ҳинд санами бўлиб, уни зиёрат қиладилар ва ҳар бир санамни "*будда*" дейишади.

Ҳидистондаги одамларнинг ижтимоий табақалари:

Бароҳима — браҳманлар — бу аслзода ва диндор одамлар, унинг [сўзнинг] бирлиги "*барҳамийй*".

Судариййа — бу деҳқончилик билан машғул бўлган [одамлар].

Байшиййа — бу ҳунармандлардир.

Сандолиййа — бу чолғучилардир.

Зутт — бу йўл кўриқчилари; бу гуруҳ Синддан [бўлиб], уларни "*жаттон*" дейишади.

Моҳ Қуфа — бу Динавар [шаҳри].

Моҳ Басра — бу Наҳованд, Ҳамадон ва Қум [шаҳарлари].

Зумум ал-Акрод — бу қурлар маҳалли (майдони, минтақаси) бўлиб, унинг [сўзнинг] бирлиги (124) "*замм*".

Хишабот — бу денгизда ўрнатилган устунлар; улар устида, тунда кема (соҳибалари) эгалари йўналишни аниқлашлари учун чироқ ёқиб қўйилади.

Махрож — бу Зобиж ва Заиж подшоҳи.

Фустот — бу Мисрдаги шаҳар.

Илийо — бу Байт ул-Муқаддас шаҳридир, иврит тилида Уршалим [Қуддус]. У [шаҳар] Фаластинда жойлашган.

Суғур — (чекара вилоятлар) — бу Рум шаҳарларига (Кичик Осиёга) яқин жойлашган Шом (Сурия) шаҳарлари.

Авосим — бу суғур ортида (жойлашган), худди у [суғур] билан ҳимоя қилинган шаҳарлардир.

Аводил — бу (суғур) чекара вилоятлари, улар [чекарадан] ажратилган.

Ҳарамон — бу Мисрдаги икки катта бино бўлиб, ҳар бирининг баландлиги тўрт юз чўзим. Уларнинг иккаласи тош ва мрамардан ишланган бўлиб конус шаклига эга; улар атрофида бир қанча кичик эҳромлар бор. Одамлар таъкидлашича, улар [Нуҳ навридаги] Тўфонгача қурилган ва улар ичида [бойликлар, қимматбаҳо нарсалар] яширилган. Баъзилар тахминича улар ичида "фиръавнлар" деб аталувчи (125) қиптий маликлар қабрлари жойлашган.

Қиптийлар — (бу) Миср аҳлидир.

Наморид — улар сурёнийлар маликлари эдилар, унинг [сўзнинг] бирлиги "*нумруд*".

¹ Қуръонул-Карим, 49-*"Ҳужурот"* сурасининг 13-оятидан парча.

² Батидаги одам сони аморадагидан кам.

**ЖОҲИЛИЯ [ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН] ДАВРДАГИ
АРАБЛАР ТАРИХИГА ОИД [АСАРЛАРДА] ТЕЗ-ТЕЗ
ЗИКР ҚИЛИНАДИГАН (ИШЛАТЛАДИГАН) СЎЗЛАР**

Ҳижоба — (парда, чойшаб) — бу Байтуллоҳ ал-Ҳаром чойшаби.

Рифода — бу маблағ, уни Қусай ибн Килоб Қурайш [қабиласига] ҳожиларни овқатлантириш учун ажратишни фарз қилган [солиқ]. [Қабиланинг] ҳар бир аъзоси имкониятига яраша ўз молининг [бир қисмини] ажратган ва натижада ҳожиларнинг таомларига сарфланадиган катта пул маблағи йиғилган.

Сиқоё — бу ҳожиларга [сув] ичириш (сув билан таъминлаш).

Дор ан-надва — бу Маккадаги мажлис учун йиғиладиган бино. Надва сўзи "ноди"дан келиб чиқади, нодининг маъноси — мажлис.

Мутаййабун — муваффақиятга эришиш учун кўмаклашувчилар — бу Қурайш қабиласининг бир неча уруғи; уларга "хилф (уюшма) мутаййабин" тааллуқлидир.

Аҳлоф — бу [қурайшийларнинг] Абд Маноф, Зуҳра, Асад ибн Абд ал-Узза, Таййим ва Хорис ибн Фаҳр уруғлари.

Хилф мутаййабин — бу Бану Қусай билан мутаййабинларга қарши уруш учун иттифоқ тузган, сўнгра эса фикридан қайтган [кишилари].

(126) *Хилф фузул* — Қурайшийлар Маккада бир-бирларига зулм ўтказганлар, аммо (сўнгра) мазлумларга ёрдам бериш учун иттифоқ тузганлар; бу [иттифоқ] *хилф фузул* [номи билан] машҳур.

Ҳарб ал-фижор — (фижор жанги) — муҳаррам ойида қурайшийларда ва [бошқа] араб қабилаларда ҳар хил [кўнгилсиз] воқеалар бўлар эди; бунинг сабаби фижор жанги эди, шунинг учун улар бу жангни инкор этдилар (ундан воз кечдилар).

Йавм зи қор — бу Абарвиз (Хисрав парвиз) ва Бану Шайбон қўшинлари орасидаги жанг, унинг сабабчиси подшоҳ Абарвиздан қочган ва Бану Шайбонда [панох топган] Нуъмон ибн Музир бўлган. Абарвиз уни қайта-

риб беришни талаб қилган, лекин уни қайтармаганлар. [Шундан сўнг] у улар [Бану Шайбон] устига қўшин юборган, (лекин) Бану Шайбон Абарвиз қўшинини тормор қилган, бу арабларни ажам [эронликлар, араб бўлмаганлар] устидан қозонган ғалабасининг биринчи куни эди.

Йавм ал-Вақит — бу ислом даврида Бану Тамим ва Бакр ибн Во'ил орасида бўлган [жанг].

Йавм шувоҳит — бу [жанг] жоҳилия [исломгача бўлган] даврида Миср ва Яман аҳли орасида бўлиб ўтган.

Бакр [жанги] кунлари ва Во'ил икки ўгилнинг ғалаба кунлари олтига: *Унайза кун*, *Воридот кун*, *ал-Ҳина кун*, *ал-Қусайбот кун*, *ал-Файсал кун* ва *Таҳлоқ ал-Лимам кун*.

(127) *Ҳумс* — бу Қурайшийлар ва улар динига сиғинган Кинон уруғидаги кишилар.

Таҳаммус — диндаги мутаассиблик.

Аҳобиш — бу Қурайшийлар билан иттифоқ тузганлар; улар қуйидаги уруғлардан эди: *Ол ал-Мусталақ*, *ал-Ҳазн ибн Хазима* ва бошқалар; иттифоқда бирликлари учун улар шундай ["*таҳаббуш*"] дейилганлар.

Ҳарб Доҳис ва Ғабро — (доҳис ва ғабро жанги) — бу [жанг] *Абс*, *Зубйон* ва *Бану Бағид* [қабилалари] орасида бўлиб ўтди. Улар [Доҳис ва Ғабро] Қайс ибн Зуҳайр отларининг номлари.

Ат-Таво'ин — ўлат касаллари.

Тоғуни Амвос (ўлати) — бу ислом даврида Шомда (Сурияда) [пайдо бўлган] биринчи ўлат касали. Ундан кейин

Тоғун Ширўа ал-Малик (ўлати) Ироқда бўлди.

Жориф — (бу) ўлат касали ибн Зубайр даврида бўлган.

Тоғун ал-Фатайот — "қизлар ўлати", у шунингдек *Тоғун ал-Ашроф* — "аёнлар ўлати" [ҳам] дейилади — у [ўлат] ал-Ҳажжож даврида бўлган ва бундай дейилишига сабаб ундан кўп қизлар ва аёнлар вафот этганлигидандир.

Тоғун Ғуроб — "ғуроб ўлати" — бу [ўлат] шундай дейилишига сабаб ундан вафот этган биринчи кишининг номи Ғуроб эди ва бу ал-Валид ибн Йазид даврида бўлган.

Жоҳилия [исломгача бўлган] давридаги арабларда одамларнинг ижтимоий табақаси.

Мулк [маликлар], *саноиъ*, *ибод*, *визоиъ*, *жунд* (аскар) ва *суҳа*. Аммо (128)

Саноиъ — бу маликларнинг яқинлари.

Сановъ — бу маликларнинг яқинлари.

Ибод — бу маликлар хизматкорлари. Ҳирадаги ал-Мадарда яшайдиган барча одамларни ҳам ибод деб аташар эди.

Вазовъ — бу қуролсозлар.

Суҳа — бу оддий халқ. Бу сўз бир кишига қанчалик тааллуқли бўлса, бир гуруҳ одамларга ҳам шунчалик тааллуқлидир. [Шунинг учун] "ражул суҳа" ва "рижол суҳа" дейилади. Бу сўз *сийоқа* [бошқариш] сўзидан келиб чиқади; *суҳа* — кўпчилик [одамлар] тахмин қилганидек савдогарлар эмас.

Ридф — бу Ҳира қироли (подшоҳи)нинг халифаси (вориси, ўринбосари), ўлжанинг тўртдан бир қисми унга тегишли, у маликнинг ўнг томонида ўтиради ва ундан сўнг, лекин бошқа ҳаммадан олдин ичади, "ридофа" — бу ўринбосарлик (хилофа).

Ақйол — князлар (аскар бошлиғи ва вилоят ҳокими), доҳийлар, йўлбошчилар¹ — унинг [сўзнинг] бирлиги "қайл".

Мақовил — унинг [сўзнинг] бирлиги *миқвал* — [бу] Яманда қўмондон бўлганлар; [улар табақаси] Завун [табақасидан] пастроқ.

Завун — Табобийадан пастроқ бўлган. *Завун ва Азвон* зу [сўзнинг] кўплиги, шунинг учун улар маликларининг (подшоҳлари) лақаби "*зи ал-Манор*", "*зи ал-Аъвод*" ва ҳоказо бўлган.

Махлоф — Ямандаги вилоятлар, унинг [сўзнинг] бирлиги "михлоф"; ҳар бир михлофнинг ўз номи бўлган.

Тўққизинчи боб

РУМ ТАРИХИГА ОИД [АСАРЛАРДА] ТЕЗ-ТЕЗ — ЗИКР ҚИЛИНАДИГАН СЎЗЛАР

Батриқ — (қўшин бошлиғи) — бу Рум қўмондонларидан бири бўлиб, унинг қўли остида ўн минг киши бўлган. Ҳаммаси бўлиб 12 та батриқлар бўлган: улардан олтитаси доимо император ҳузурида (129) мамлакатда бўлган [қолган олтитаси — мамлакат чегараларида]

Тархон — бу беш минг кишига қўмондонлик қилувчи батриққа бўйсунган (батриқ қўл остида бўлган) [ҳарбий қўмондон] дир.

Қумух — (у) икки юз кишига қўмондонлик қилади.

Қунтарх — қирқ аскар қўмондони

Доқарх — ўн нафар аскар қўмондони.

Думистикҳум — [катта батрақ ва уларнинг раиси], император халифаси (ўринбосари, вориси) ва унинг вазири.

Луғутит — бу хатларни тақдим этувчи киши.

Аммо диний мартабалар (қуйидагича):

Батрак — бу энг юқори [диний] мартаба, агар [бу сўз] арабийлаштирилса, у ҳолда [у] *батриқ* сифатида [талаффуз этилади]. Империяда (подшоҳликда) батриқлар тўртта эди: уларнинг бири Қунстантинияда, иккинчиси Румда, учинчиси Искандарияда ва тўртинчиси Антоқияда жойлашган эди. Бу шаҳарлар "*Каросийй*" дейилади, унинг [сўзнинг] бирлиги "*курсийй*".

Қосулиқ — унинг ўзи *жосулиқ*. У батриққа бўйсунди; Ироқ имоми қошидаги жосулиқ Бағдод шаҳрида бўлган ва Антоқия Батриқига бўйсунган.

Митрон — жосулиққа бўйсунди. (130) Хуросон матрони Марвада истиқомат қилган.

Усқуф — улар ҳар бир шаҳарда бўлади ва матронга бўйсунди, сўнгра

Қасис, сўнгра *Шаммос*. Улар қўл остида қорилар, мусиқачилар, меҳроб (черковда) ходимлари бўлган. Сўнгилари мартабаларга кирмайди.

"Мафотиҳ ал-улум" китобининг араб илмларига бағишланган биринчи [мақоласи] қисми тугади.

Аллоҳга беадад ҳамдлар бўлсин, Аллоҳ саййидимиз набийй Муҳаммадни, унинг тоҳир оиласини кўп қўлласин ва тақдирласин.

¹ Бу, шунингдек Жоҳилия давридаги Яманда маликдан кейинги, маълум минтақалар ҳокимлари, мансабни эгаллаган шахсларни аниқлатган.

ИККИНЧИ ҚИСМ

(131) РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН АЛЛОҲ НОМИ БИЛАН ВА УНГА ИШОНГАН ҲОЛДА [БОШЛАЙМИЗ]

Илмлар калитлари китобининг иккинчи [мақоласи] қисми ажам (бошқа, араб бўлмаган) халқлар илмларига бағишланган ва у тўққиз бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим фалсафа илми [ҳақида бўлиб], у уч бобдан иборат.

Биринчи боб. Фалсафанинг қисмлари ва унинг синфлари ҳақида.

Иккинчи боб. Шу илм ва унга тааллуқли бўлган жумлалар ва иборалар ҳақида.

Учинчи боб. Фалсафий китобларда кўп учраб турадиган сўзлар ва уларнинг шакллари ҳақида.

Биринчи боб

ФАЛСАФАНИНГ ҚИСМЛАРИ ҲАҚИДА

Фалсафа юнонча "философия" сўзидан келиб чиққан бўлиб, уни "ҳикматни севиш" деб талқин қилинади. [Бу сўзни] арабийлаштирилгач. [фалсафа билан шугулланувчиларни] "файласуф" дейишган, сўнгра ундан "фалсафа" келиб чиққан. Фалсафанинг маъноси — нарсаларнинг ҳақиқийлиги илми ва энг солиҳиятли иш учун амалий ҳаракат (демакдир). (132).

Фалсафа икки қисмга бўлинади. Битта қисми назарий ва бошқаси — амалий. Мантиқни баъзилар [файласуфлар] буларга боғлиқ бўлмаган учинчи қисмга ажратадилар, баъзилар назарий фалсафа илмининг қисми, баъзилар фалсафанинг қуроли, баъзилар фалсафанинг қисми ва қуроли деб ҳисоблайдилар.

Фалсафанинг назарий қисми учга бўлинади. Элемент ва модда [материя]га эга бўлган нарсаларни ўрганувчи

[қисмини] *илми табиа* [физика]; элемент ва материядан ташқарида бўлган нарсаларни ўрганувчи [қисмини] *илоҳий ишлар илми*, юнон тилида [уни] *теология* дейилади; материяси бўлган нарсаларни ўрганмайдиган, лекин ўзи материяда мавжуд бўлган [нарсалар] масалан: миқдорлар, шакллар, ҳаракатлар ва шунга ўхшашларни ўрганувчи [қисми] *таълимий ва риёзиёт (математика) илми*; у худди олий илм — илоҳиёт ва қуйи илм — табиёт орасидаги ўртанча илмдек.

Аммо мантиқнинг ўзи бир илм, унинг бўлақлари кўп [шунинг учун] мен уларни ўз бўлимида зикр қилдим.

Амалий фалсафа уч қисмга эга. Биринчи (қисм) одам ўзини ёки битта алоҳида [шахс] сифатида бошқариши ва уни *ахлоқ илми* [этика] дейилади. Иккинчи қисм махсус бошқариш ва уни *уйни бошқариш* дейилади. Учинчи қисм жамоатни бошқариш ва уни шаҳар, миллат (жамоа), мамлакатлар *сиёсати* дейилади. Мен бу (133) китобда ушбу учта қисм учун боблар ажратмадим. У, ҳамма орасида танилган, шу мутахассислик билан шугулланувчилар масаласидир.

Илоҳиёт илми эса бўлак ва қисмларга бўлинмайди. Мен унинг ибораларини ушбу бўлимнинг иккинчи бобида зикр этдим.

Табиёт илми қисмларига эса илму тибб, самовий ҳодисалар [метеорология] илми, яъни ёмғирлар, шамоллар, момақалдироқлар, чақмоқлар ва ҳоказолар кирди, маъданлар [минераллар, қазилмалар], ўсимликлар, ҳайвонот, илми ва нарса табиати илми, яъни Ой фалаги остида бўлган барча нарсалар табиатини ўрганувчи (илм), шунингдек кимиё [синоати] ҳам унинг қисмларига кирди, чунки у маъданларни ўрғанади.

Аммо *таълимий ва риёзиёт [математика] илми* тўрт қисмдан иборат бўлиб, бири арифметика илми, яъни сон ва ҳисоб илмидир, иккинчиси геометрия, яъни ҳандаса илми, учинчиси астрономия, яъни илму-и-нужум ва тўртинчиси мусиқа илми, яъни қуйи (оҳанг, мелодия, наво) илмидир.

Аммо *илму-д-ҳиял [механика]*, яъни ҳийлалар [ишлатиш] илми, бу тўрт илмларга ва бошқа илмлар (қаторига) кирмайди. Унинг [механиканинг] қисмлари учун бир неча бобни ўз ичига олувчи алоҳида бўлимни ажратдим ва у ерда Аллоҳ ёрдамида [ушбу илмининг] масалаларини баён қилдим.

ОЛИЙ ИЛОҲИЙ ИЛМНИНГ АТАМАЛАРИ ҲАҚИДА

Аллоҳ — Буюк, Марҳаматли, Азиз ва Олий — у олам холиқи, биринчи сабаби, ягона, ҳақиқатгӯй ва фақат угина ҳеч қандай ҳолатда ва тарафдан кўпликка эга эмас. Унинг ўзига хос сифати — у зарурий борлиқ, қолган барча мавжудотлар эса — мумкин бўлган борлиқ.

Фаол ақл — у илоҳий қувват бўлиб, унга юқори ва қуйи оламдаги барча нарсалар: фалаклар, юлдузлар, ноорганик жисмлар, онгсиз ҳайвонлар ўз эзгулигига эришиш йўлида амал қиладилар. Унда [фаол ақлда] ҳар бир нарсанинг асоси бўлиб, имкониятига яраша унга берилган вақт давомида мавжуддир; табиий олам нарсалари ичидаги бу қувват табиат дейилади.

Моддий ақл — бу инсондаги қувват ва у нафсда (жон) кўзнинг кўриш қувватига тенг жойида жойлашган. Фаол ақл эса нафс учун кўзга нисбатан қўш нури жойлашган жойда бўлади. Агар (135) бу қувват, яъни моддий ақл фаолиятга ўтса, *орттирилган ақл* дейилади.

Нафс (жон) — бу қувват бўлиб, у билан жонли тана тирик бўлади. Унинг исботига жонли тананинг ўз ҳолига қўйганда қилган ҳаракатлари далолатдир.

Умумий нафс — умумий инсон [маъноси] Зайд, Амр ва барча шахсларга нисбатан бўлгани каби бир тур.

Оммавий (яъни) нафс — бу [нафс] Зайд, Амр, ҳар бир [шахс], тирик мавжудотни ўз ичига қамраб олади. У "умумий инсон", "умумий ақл" сингари фақат ҳаёлдагина мавжуд. Аммо кўпгина файласуфлар умумий нафс мустақил борлиққа эга деб таъкидлайдилар, бироқ бундай эмас.

Табиат — бу табиий оламдаги ҳар бир нарсани бошқарувчи кучдир.

Табиий олам — Ой фалаги остидан то Ер марказигача бўлган борлиқ [дунё].

Учинчи боб

ФАЛСАФАДА ВА ФАЛСАФИЙ КИТОБЛАРДА КўП
УЧРАБ ТУРАДИГАН СўЗЛАР ҲАҚИДА

Бирламчи материя [модда] — бу ўзида шаклни мутассамлаштирган ҳар бир жисмдир; масалан, худди ёғоч сўри ва эшик, кумуш — муҳр ва обқузук, олтин — динор ва билакузук [шаклида] бўлганидек. Аммо [шаклдан]

озод бўлган бирламчи материяда олам материяси, яъни ўз ичига фалаклар ва юлдузларни, тўрт элементи ва ундан таркиб топган барча [нарсаларни] қамраб олган олий фалак жисми назарда тутилади.

Шакл — нарсанинг тузилиши ва кўриниши бўлиб, бирламчи материя билан безатилган жисм такомиллигига эришади, худди, масалан, сўри ва эшикка "сўрилиқ" ва "эшиклиқ", динор ва билакузукка "динорлиқ" ва "билакузуклиқ" берилишидек. Жисм бирламчи материя ва шаклдан иборатдир: шаклдан ажралган материя фақат ҳаёлдагина борлиққа эга, шунингдек материядан ажралган шакл ҳам фақат ҳаёлдагина борлиққа эга. Бирламчи материяни шунингдек материя, элемент, табиий материя, шаклни — кўриниш, (137) тузилиш деб номлашади.

Бирламчи элемент — оддий нарса бўлиб, ундан мураккаб нарсалар тузилади. Масалан: тошлар, гиштлар, ёғочлар, улардан қаср қурилади; ҳарфлар, улардан сўзлар тузилади; рақам, ундан сон тузилади. Бирламчи элемент, шунингдек асос (асосий таркибий қисм) дейилади.

Тўртта бирламчи элемент — олов, ҳаво, сув ва тупроқ (ер), улар шунингдек элементлар дейилади.

Бирламчи сифатлар — иссиқлик, совуқлик, рутубат ва қуруқлик. Булар бирламчи дейилади, чунки, табиатшунослар фикрича, қолган ранглар, ҳидлар, таъм, оғирлик, енгиллик, юмшоқлик, қаттиқлик, майинлик (эгилювчанлик), мўртлик сифатлари ушбу тўрт сифатдан пайдо бўлади.

Макон — ҳаводаги жисм билан қопланган чуқурлик ёки жисмдаги ҳаво билан қопланган чуқурлик.

Бўшлиқ — айтувчилар (бахс қилувчилар) фикрича у мутлақ макон бўлиб, унда жойлашган нарсага мутаносиб эмас. Кўпгина файласуфлар фикрича бўшлиқ оламда ва ундан ташқарида йўқ.

Замон — ҳаракат билан белгиланувчи муддатдир, масалан, фалаклар ва бошқа ҳаракатланувчи нарсалар ҳаракати (138).

Муддат — баъзи [файласуф]лар фикрича ҳаракат билан ҳисобланмайдиган мутлақ замон. Кўпчилик фикрича эса, у ҳаракатдан қоли қолди, фақат ҳаёлдагина мавжуд.

Табиий жисм — бу [фазода] жойлашган монелик қилувчи, қаршилиқ кўрсатувчи, ўз вақтида чинакам актуал [нарса], худди ушбу девор, ушбу тоғ, ушбу инсон.

Таълимий (хаёлий) жисм — у фақат хаёлда, тасаввурдагина мавжуд бўлган қандайдир [хаёлий] нарса.

Бўлиниш — унинг икки тури бор. Бирини таълимий, яъни хаёлий (концептуал) бўлиниш бўлиб, унинг ниҳояси йўқ, чунки хаёлий энг кичик нарсадан ҳам кичигини кўз олдига келтириш мумкин. Табиий, яъни моддий бўлинишнинг ниҳояси бор, чунки бўлинаётган нарса табиатан энг кичик ҳолатгача бўлинади. У, файласуфлар айтганидек, ҳиссий идрок этиш учун жуда нозиклик қилади, аммо муътазиллийларнинг [бу масаладаги] фиклари [ҳақиқатда айтилган бўлса, у] Калом бўлимида берилган.

Беш сезги — кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш ва тери сезгиси. *Ҳис* — сезги — сўзи "ҳ" ҳарфи билан ёзилган. Ал-Халил айтганидек, у шунингдек "ж", яъни "тажсис" сўзидан олинган "жаввос" [шаклида ҳам учрайди], лекин мутакаллимлар ва файласуфлар уни "ҳ" ҳарфи билан қабул қилишган; уни шунингдек "машоира" ҳам дейишади.

Умумий (ялти) ҳис — у нафсадаги қувват бўлиб, унга [юқоридан зикр этилган] (139) сезувчи ва қабул қилувчи сезгилар олиб боради.

Фантазия — нафсининг бошқа қувватлари сингари тасаввур қилиш кучи, у ёрдамида ҳис қилинаётган нарсаларни хаёлга келтирилади. Агар у ҳис (сиёт)дан ташқарида олинса, у тасаввур қуввати дейилади.

Файласуфлар фикрича *руҳлар* учтадир.

Табиий руҳ — ҳайвонлар (жониворлар) жигарида бўлади. У ҳайвонлар ва ўсимликлар орасида муштарак бўлиб, бутун баданга ҳаракатсиз томирлар [вена] орқали тарқалади.

Ҳайвоний руҳ — у онгли ва онгсиз ҳайвонларга хос бўлиб, [уларнинг] қалбида жойлашган ва ундан артериялар, яъни ҳаракатланувчи томирлар орқали бадан аъзоларига тарқалади.

Нафсоний (шахсий) руҳ — у мияда бўлиб, ундан бадан аъзоларига асаб орқали тарқалади.

Онгли нафс — у [фақат] инсонда бўлиб, бошқа ҳеч бир ҳайвонда йўқ.

Ҳайвон (тирик мавжудот) — бу ҳар бир тирик танадир.

Ўлик (тирик бўлмаган) — у тирик бўлмаган [тирикликдан холи бўлган] тана ва у, шунингдек, ноорганик жисмдир.

Баъзи файласуфлар, ўсимлик сингари ўсмайдиган тош ва у каби жисмларни *ноорганик жисм* деб айтадилар.

Табиий руҳ — уни [шунингдек] ўсувчи ўсимлик нафс ва сезгир нафс дейишади. (140) *Ҳайвоний руҳ* — уни газабий (газабли) нафс дейишади.

Яширин ҳолат — қандайдир нарсанинг ҳис учун яширинлиги, масалан, сариёғ пайдо бўлгунча сут [таркиби] да ва [ўсимлик] ёғи кунжутда бўлиши ҳолатидек.

Қиёфани ўзгартириш — нарсанинг ўз шаклини тарк этиши ва бошқа шаклни олиши, масалан таомнинг жигарда қонга айланиши.

Ирода — қувват, у орқали ҳар хил (бошқа) нарса эмас, битта нарса қасд қилиниши.

Имкони йўқлик (имконсизлик) — икки қарама-қарши [нарсани] бир нарсанда, бир замонда, бир қисмда ва бир хил муносабатда бирлаштириш.

Олам — бутун борлиқнинг бир қисми.

Мижоз (киён) — у суръний тилида табиат дегани. Ушбу сўз билан китоб "Самъ ал-Киён", сурънийча "Табиат овози", деб номланган.

Ор-номус қонулари (навомис) — донишмандлар одамлар оммасига уларнинг [фойдаси] бахт-саодати учун жорий этган қонулар, [бу сўзнинг] бирлиги "номус".

(140) МАНТИҚ ҲАҚИДАГИ ИККИНЧИ БЎЛИМ ТЎҚҚИЗ БОБДАН ИБОРАТ

Биринчи боб. Исоғучи ("Эйсагоге")

Иккинчи боб. Категориялар.

(141) Учинчи боб. Бори арминийс ("Таъбирлаш ҳақида").

Тўртинчи боб. Аналитика ("Биринчи аналитика", "Силлогизм").

Бешинчи боб. Аподейктика ("Иккинчи аналитика").

Олтинчи боб. Топика.

Еттинчи боб. Софистика.

Саккизинчи боб. Риторика.

Тўққизинчи боб. Поэтика.

Биринчи боб

ИСОГУЧИ (ЎКИ "КИРИШ")

Бу илм юнон тилида "логика", сурёний тилида "маллусо", араб тилида "мантиқ" дейилади.

Исоғучи — бу кириш, юнон тилида "Эйсагоге" дейилади.

Шахс — индивид — мантиқ аҳлида у: Зайд, Амр, бу киши, у эшак, от каби [маънони англатади]; уни, шунингдек, бирламчи тушунча дейиш ҳам мумкин.

Нав — кўриниш — бу худди: мутлақ инсон, эшак, от каби ва у "Зайд", "Амр", "бу от", "у эшак" индивидларни ўз ичига олади ва улар умумий бўлган ва барча индивидларни ўз ичига қамраб олган [кўринишга] тааллуқлидир.

Жинс — тур — бу кўринишга нисбатан умумийроқ хусусиятга эга бўлган нарса, худди "тирик" [сўзи] "инсон", "от", "эшак" [тушунчасига] қараганда умумийроқдир.

Жинс ал-ажнос — турлар тури ("олий тур") — бу ундан кўра субстанция каби умумийроқ тур йўқлигини англатади.

Нав ал-анво — кўринишлар кўриниши ("охирги кўриниш") — бу унга қараганда хосроқ тушунчалар орқали алоҳида индивидлар тушуниладиган (142) инсон, от, эшак кўриниш йўқлигини англатади.

Ҳар бир кўриниш кўринишлар кўриниши ва турлар тури орасида жойлашган бўлиб, ўзига нисбатан умумийроқ бўлганга кўриниш сифатида ва ўзига нисбатан хосроқ бўлганга тур сифатида бўлиши мумкин, худди "тирик" ва "жисм" каби.

Фасл — кўриниш фарқи — бу [бир] кўриниш бошқасидан [ўз] моҳияти билан фарқ қилувчи нарсадир. Тур ва кўриниш фарқидан ҳадд — таъриф аниқлаш ҳосил бўлади. Бунга мисол "инсон — бу онгли ҳайвондир", "ҳайвон" сўзи — тур, "онгли" сўзи эса — кўриниш фарқи.

Араз — акциденция — бу нарсани [бошқа] нарсдан фарқ қилиш, лекин [ўз] моҳияти билан эмас, масалан, "оқлик", "қоралик", "иссиқлик", "совуқлик" ва ҳоказо.

Хосса — ўзига хос белги (хусусият) — доимо бир кўринишга хос акциденция, масалан: "инсон кулгуси", "эшак ҳанграши", "ит вонуллаши", тур ва ўзига хос белгидан эса нарса тавсифи вужудга келади, худди "инсон — қулувчи ҳайвондир" иборасидек.

Маълум — субстрат — бу грамматиклар [исмий гапдаги] эга деб айтишадиган ҳамда хабарни (кесимни) талаб қилувчи, яъни тавсифланувчи нарсадир.

Маҳмуд — предикат — бу улар [грамматиклар] исмий гапдаги эганинг кесими дейишадиган ва у [кесим] сифатдир, худди "Зайд ёзувчи" иборасидагидек. [Бу ибората] "Зайд" — субъект (субстрат), "ёзувчи" (сўзма сўз маъноси: ёзаётган) бу кесим маъносидаги предикатдир.

(143) Иккинчи боб

КАТЕГОРИЯЛАР

Арастуниг мантиққа оид китобларидан биринчиси "Қотиғуриёс" дейилади. Аммо "Исоғучи"га келсак у Порфирий (китоби) бўлиб, уни мантиққа оид китобларга кириш сифатида тузган. Қотиғуриёснинг маъноси юнон тилида категорияларни [фикр, мулоҳазани] англатади. Категориялар ўнта ва [улар] "ал-Қотиғуриёт" дейиладилар.

Улардан биринчиси "ал-жавҳар" — субстанция — бу ўз ҳолича мустақил мавжуд бўлган ҳамма нарсалардир: "осмон", "юлдузлар", "ер ва унинг бўлаклари", "сув", "олов", "ҳаво", "ўсимликлар турли хили", "ҳайвонлар турли хили ва улар ҳар бирининг аъзолари". Абдуллоҳ ибн ал-Муқарфаъ субстанцияни "аъён" [яъни моҳият] деб атайди. У шунингдек барча категорияларни ва ушбу бўлимнинг бобларида зикр этилувчи барча нарсаларни [бошқа] номлар билан атади, [лекин] [бу] санъат аҳли уларни рад этди. Мен бу барча (номларни) эслатиб ўтирмадим, аммо уларда маълум бўлганинигина шарҳладим.

Иккинчи категория "ал-камм" — миқдор — бу [сўзда] "м" [ҳарфи] иккиланган, чунки "кам" [сўзи] грамматикларда ноқис исmdir. Агарда ноқис исmlар ва маънавий ҳарфлар тўлиқ сифатида "ал" артикли ҳўшиб ва турлаб ишлатилса, икки ҳарфдан иборат бўлган сўзлардаги ҳарфни иккилантирадилар ва турлайдилар. Абу Зайд аятади:

Лайта шизри ва айна минни лайтун

Инна лайтан ва инна лавван ансу

"Қанча?" саволига жавоб бўлувчи барча нарсалар ва (144) бутунлиги унинг бўлаги билан ўлчанадиган барча нарсалар ҳам шу категорияга тегишлидир, масалан: "чи зик", "юза", "ҳажм", "замон", "ҳолат". Чизик, юза яқлитлик ҳандаса бўлимида шарҳланган.

Учинчи категория "кайфа" — сифат — "қандай?" саволига жавоб бўлувчи ҳамда нарсаларнинг шакли, уларнинг ҳолати, ранги, таъми, ҳиди, [бадан билан] ҳис қилина диган ҳолатларни англатувчи барча нарсалар, масалан "иссиқлик", "совуқлик", "қуруқлик", "намлик"; нафс кайфияти ва ҳолати, масалан: "қўрқув", "уятчанлик" в ҳоказо.

Тўртинчи категория "мақула ал-идофа" — муносаба категорияси — бу икки нарсани бир-бирига солиштирган даги муносабат, масалан: "ота ва бола", "қул ва хўжа", "ака ва ука", "шерик ва шерик".

Бешинчи категория "мақула мато" — замон категорияси — бу нарсанинг маълум замонга тааллуқлигиди "ҳозирги", "келажак", "худди", "кеча", "ҳозир", "эртаги" каби.

Олтинчи категория "мақула айна" — макон категорияси — бу нарсанинг ўз жойига тааллуқлигидир, худди: "уйда", ёки "шаҳарда", ёки "ерда", ёки "оламда" каби ибораларидагидек.

Еттинчи категория "вадъ" — ҳолат — [у] шунингдек ўрнатиш ҳам дейилади, бу масалан: "турниш", "ўтириш", "ётиш", тирик мавжудот ва унга ўхшашларда ва бошқа нарсалардаги "таяниш".

Саккизинчи категория "мақула лаҳу" — тааллуқлик категорияси — баъзи бирлар уни (145) "жида" [янгилик, қарши] категорияси дейишади ва бу жисмнинг устки қисмига ёки унинг қисмига тегиб турган жисм муносабати, худди: "кийиниш", "оёқ кийим кийиш", "қуролланиш" инсонга [нисбатан], "пўстлог" дарахтга [нисбатан].

Тўққизинчи категория "мақула йафъалилу" — ҳаракатга йўлиқмоқ категорияси — бу таъсир этувчининг таъсирини қабул қилиш.

Унинчи категория "мақула йафъалу" — ҳаракат категорияси — бу таъсирни қабул қилувчи нарсага таъсир қилиш, масалан: "иситиш" ва "иситилмоқ", шунингдек "йиртмоқ" ва "йиртилиб кетмоқ".

Учинчи боб.

БОРИ АРМИНИЁС (БОРИ МИРИАС)

Иккинчи китоб номи "Бори арминийос" [бўлиб], "Таъбирлаш ҳақида" маъносини англатади. Унда исм, феъл, юкламалар зикр этилади.

Исм — [бу] қандайдир маънодан далолат берувчи ва маълум замонга далолат бермайдиган ҳар қандай бир сўз, масалан: "Зайд", "Холид".

Калима — феъл — бу араб тилшунослари "ал-фиъл" деб атайдиган [сўз туркуми]. Мантиқ аҳли уни "қандайдир маъно англатувчи ва маълум замонни кўрсатувчи ҳар қандай сўз бирлиги" деб таърифлайдилар, масалан: "у юрган эди", "у юрапти", "у юради", "у юриб кетаётган".

Риботот — юкламалар — бу грамматиклар "ҳуруф ал-маъони" деб атайдиган маъно юкламаларидир, баъзилар уни "ал-адават" деб атайдилар.

(146) *Хаволиф* — бу грамматиклар "асмо мубҳама" деб атайдиган фарқланмаган умумий маъноли исmlар ва [асли] "музмара" — кишилик олмошлари, яъни исmlарни алмаштириш, худди: "мен", "сен", "у" каби.

Қавл — муҳокама — [бу] исм ва "сўз" дан [яъни феълдан] иборат нарса.

Сур — миқдорий белги — мантиқ аҳлида бу "ҳар бир", "баъзи", "кимдир", "ҳар бир эмас", "ҳеч ким", "баъзилар эмас".

Қавл ал-жозим — қатъий муҳокама — бу буйруқсиз, саволсиз, илтимоссиз, мурожаатсиз ва ҳоказоларсиз хабар.

Қадиййа — бу "ал-қавл ал-жозим"дир, яъни қатъий муҳокама, худди "фалончи ёзувчи", "фалончи ёзувчи эмас".

Қадиййа мужиба — тасдиқловчи муҳокама — [бу] бирор нарсани бошқа нарсага нисбатан тасдиқлаш, худди "инсон — тирик мавжудот" иборасидагидек.

Қадиййа солиба — инкорий муҳокама — [бу] бирор нарсани бошқа нарсага нисбатан инкор қилиши, худди "инсон тош эмас" иборасидагидек.

Қадиййа маҳсура — миқдорий хусусиятга эга муҳокама — бу миқдорий кўрсаткичи бўлган нарса.

Қадиййа муҳмала — ноаниқ муҳокама — бу миқдорий кўрсаткичи бўлмаган нарса.

Қадиййа куллиййа — умумий муҳокама — унинг миқдорий кўрсаткичи ҳамма нарсаларга ҳам тасдиқловчи, ҳам инкор этувчи [сифатида] тааллуқлидир, масалан: "ҳар бир инсон тирик мавжудот" ёки "инсонлардан ҳеч ким тош эмас".

Қадиййа жузъиййа — қисмий муҳокама — (бу) ҳаммага тааллуқли бўлмайдиган (нарса), масалан: "баъзи одамлар ёзувчилар" ёки "ҳамма одамлар ҳам ёзувчи эмас".

Жиҳот — модаллик — муҳокамаларда (бу) худди: "вожиб", "мумкин бўлмаган", "мумкин" ибораларидагидек.

Қадиййа мутлақа — мутлоқ муҳокама — (бу) тарафлари бўлмаган нарса.

(147) Тўртинчи боб

АНАЛИТИКА¹

Бу китоб юнон тилида "Анулутиқо" дейилади ва унинг маъноси "ўғирилмоқ", "силлогизм", чунки унда асос [далил бўла] оладиган ҳукм қайтарилувчанлиги ҳақида ҳам

гапирилади, [яъни] улардан қайсилари қайтариладиган ва қайсилари қайтарилмайдиган.

Муқаддама — асос бўла оладиган ҳукм — бу силлогизмда муқаддима сифатида айтиладиган муҳокама.

Натижа — [бу] икки асос бўла оладиган ҳукмдан (посилка) келиб чиқадиган нарса, худди "ҳар бир инсон тирик мавжудот" ва "ҳар бир тирик [нарса] ўсади" иборатларидагидек. Бу икки посилканинг натижаси "ҳар бир инсон ўсади", уни шунингдек *ридф* — [силлогизм] хулосаси ҳам дейишади.

Қарина — солиштириш — бу биргаликдаги икки посилка.

Жомиъи — алоқа — бу солиштириш ва натижа, агар [улар иккиси] бирлаштирилса, у шунингдек "санъа" — санъат дейилади, юнон тилида уни "сумужисмус", яъни "силлогизм" дейишади.

Муқаддама ҳамлиййа — қатъий посилка — у фақат исм ва "сўз" [яъни феъл]дан иборат.

Муқаддама шартиййа — шартли посилка — у икки қатъий посилка ва шарт юқламасидан иборат, худди: "агар қуёш чиққан бўлса, кун бошланади" ва "сон ёки жуфт, ёки тоқдир" ибораларидагидек.

Қийос ҳамлийй — қатъий силлогизм — бир атамда умумийлиги бўлган икки посилкадан иборат (148) ва бу умумий атама "ўртача атама" дейилади. Қолган икки атама — "четки атамалар"¹ дейилади.

Агарда ўртача атама икки посилкадан бирида "субъект" (эга) ва бошқасида "предикат" (кесим) бўлса, бу тартиб "шакл аввал" силлогизмнинг биринчи шакли (фигураси) дейилади.

У [яъни ўртача атама] иккаласида [посилкада] предикат (кесим) бўлган ҳолатда "шакл соний" — иккинчи шакл (фигура) дейилади.

У [ўртача атама] иккаласи [посилка] учун субъект бўлганда "шакл солис" — учинчи шакл (фигура) дейилади.

Муқаддама кубро — катта посилка — бу катта атамаси (бўлиб) хулосада предикат вазифасини бажарувчи посилкадир.

Муқаддама суғро — кичик посилка — бу кичик атамаси (бўлиб) хулосада субъект вазифасини бажарувчи посилкадир.

¹ Яъни "катта атама" ва "кичик атама".

¹ Арастунинг "Биринчи Аналитика"си.

Уч шакл модуси. (кўриниши, тури). [Хулосада] иккита инкор, иккита жузъий, иккита ноаниқ, битта ноаниқ, битта жузъий ҳосил бўлмаслиги учун, ва умумий атама хулосада ишлатилмаслиги, ва хулосада икки посилкадагига нисбатан кичик миқдор ва сифат бўлиши учун, яъни "миқдор жиҳатдан кичик" деганда мен қисмий ва "сифат жиҳатдан кичик" деганда мен инкорни назарда тутаман.

Биринчи шакл модуслари [унда] катта [посилка] умумий (149) кичик — тасдиқловчи ва унинг хулосалари ё тасдиқловчи, ё инкор, ё умумий, ё айрим.

Иккинчи шакл модуслари [унда] катта [посилка] умумий, катта ва кичик бир-биридан сифатда фарқ қилади ва унинг барча хулосалари инкордир.

Учинчи шакл модуслари [унда] кичик [посилка] тасдиқловчи, катта миқдор ва сифат жиҳатидан қандай бўлса ҳам унинг хулосалари жузъий.

Уч шаклдан ҳосил бўладиган хулоса саккизта.

Биринчи — умумий тасдиқловчи катта [посилка] ва умумий тасдиқловчи кичик биринчи шаклда умумий тасдиқловчи учинчисида эса — жузъий тасдиқловчи хулоса чиқади.

Иккинчи — умумий тасдиқловчи ва умумий инкор қилувчи кичик [посилкалар]дан иккинчи шаклда умумий инкор хулоса чиқади.

Учинчи — умумий тасдиқловчи катта ва жузъий тасдиқловчи кичик [посилкалар]дан биринчи ва учинчи шаклларда жузъий тасдиқловчи хулоса чиқади.

Тўртинчи — умумий тасдиқловчи катта ва жузъий инкор қилувчи кичик [посилкалар]дан иккинчи шаклда мумкин бўлмаганга муносабатли жузъий инкор хулоса чиқади.

Бешинчи — умумий инкор қилувчи катта ва умумий тасдиқловчи кичик [посилкалар]дан уччала шаклда ҳам хулоса чиқади. Биринчи ва иккинчи [шаклда] — умумий инкор қилувчи, учинчидан эса — жузъий инкор қилувчи.

Олтинчи — умумий инкор қилувчи катта ва жузъий тасдиқловчи кичик [посилкалар]дан уччала шаклда жузъий инкор қилувчи хулоса чиқади.

Еттинчи — жузъий тасдиқловчи катта, (150) умумий тасдиқловчи кичик [посилкалар]дан учинчи шаклда жузъий тасдиқловчи хулоса чиқади.

Саккизинчи — жузъий инкор қилувчи катта ва умумий тасдиқловчи кичик [посилкалар]дан учинчи шаклда мумкин бўлмаганликни акс эттирувчи модаллиги бўлган жузъий инкор қилувчи хулоса чиқади.

Бешинчи боб

АПОДЕЙТИКА¹

Бу китоб "*Афудиқтиқо*" дейилади, унинг маъноси тушунтириш", чунки унда ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган иллогизмлар тушунтирилади.

Исбот усуллари. Асослари ва муқаддималари — бу амма билган нарса, худди "бутун қисмдан катта", битта нарсага тенг нарсалар ўзаро тенгдир" иборалаидагидек.

Иълла ҳайуланыййа — моддий сабаб — бу нарса асосини (негизини) билиш.

Иълла суриййа — формал [формага оид] сабаб — бу арса ўз формаси (шакли) жиҳатидан нимани ифодаланини билиш.

Иълла фоила — амалдаги сабаб — бу нарса сифатини илиш.

Иълла лимоййа — аниқ мақсадли сабаб — бу нарсаинг вазифасини [мақсадини] билиш.

Бурҳон — исбот — бу далил.

Халф — фарқ — "х" [ҳарфи] фатҳа ҳаракатини олган — бу бир-бирига тафовутий фикрларни айтишни келтириб иқарадиган нарса.

Истиқро — индукция² — бу умумийликни унинг барча индивидлари орқали (воситасида) билиш, агарда бирор яши истисносиз барча уйларни айланиб чиққан бўлса, 51) "фалончи қишлоқларни ва турар жой уйларини тганиб чиқди" дейишади.

Мисол — ўхшашлик — умумийликни кўрсатиш учун умумийликдаги индивидлардан бирини кўрсатиш.

¹ Арастунинг "Иккинчи Аналитика"си.

² Жузъий ҳодисалардан умумий хулоса чиқариш.

ТОПИКА

Бу китоб номи "Тубиқо" бўлиб, унинг маъноси предметлар, яъни диалектика¹ зикр этилган гап предметлари.

Жадл — диалектика — (бунинг маъноси) рақибни даъвоингизни, бу даъволар асосланган ёки асосланмаганлигига қарамай, тан олишга мажбур қилмоқ ёки шундай қилиш керакки, рақибингиз ўз тушунчаси ва фикри кен тарқалишини талаб қилмасин, чунки унинг ўзи уларда жазо чекиши мумкин.

Еттинчи боб

СОФИСТИКА² (САФСАТАБОЗЛИК)

Бу китоб "*Суфистиқо*" дейилади, унинг маъноси "до нишманд бўлиб кўринишга интилиш" ва софист (сафсатабоз) — сафсатабозлик билан шуғулланувчи киши. Унд [сафсатабозликда] сафсата турлари [адашишлар] зикр этилади ва улардан ўзини сақлаш [кўрсатилади].

Суфистоъиййун — сафсатабозчилар — бу нарсаларнинг тўғрилигини (ҳақиқатини) исбот қилмайдиганлар.

Саққизинчи боб

РИТОРИКА

Бу китоб "*Ритуриқо*" дейилади, унинг маъноси "ноаниқлик санъати". Унда [риторикада] гап (152) ишонтириш ҳақида боради.

Иқноъ — ишонтириш — бу гарчи далилсиз бўлса ҳам эшитувчининг ўзи ишонадиган сўзлар орқали бирор нарсани тушуниши.

¹ Ҳаракат ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фалсафий таълимот, шунингдек, ҳаракат ва ривожланишнинг ўзи.

² Арастунинг "Сафсатабозлик раддиялари ҳақида" китоби.

ПОЭТИКА

Бу мантиққа оид китобларнинг тўққизинчисидир ва у] "*Буйутиқо*" деб аталиб, унинг маъноси шеър. Унда *ит-Тахаййил* — тасаввурнинг уйғониши ҳақида гап борди. Бу [дегани] эшитувчида бирор нарсани хоҳлаш ёки индан қочиш, гарчи у бу билан қаноатланмаган бўлса ҳам, истагини уйғотиш; "*ит-тахаййул*", "*ит-тасаввур*", "*ит-тамассул*" ва шу каби сўзлар бу ва бошқа китобларда тўғри ва мажозий маъноларда ишлатилади. Агарда бирор нарсани ўз тасаввурда кўз олдига келтириши назарда тутилса, "*тасаввурту аш-шайъа*" [яъни тушум (елишигидаги) тўлдирувчи], шунингдек "*тамассалтуху*", "*тахаййалтуху*" ҳам дейишади. Аммо "*тахаййала ли*", "*тамассала ли*", "*тасаввара ли*" [яъни воситали тўлдирувчи] ҳаммага маълум. Худди шунингдек [аҳвол] "*табаййантуху*" [яъни воситасиз тўлдирувчи] — "*тахаййана ли*" [яъни воситали тўлдирувчи] ва "*тахакқактуху*" — "*тахакқақа ли*" сўзлари билан.

(152) УЧИНЧИ БЎЛИМ ТИББ

У саккиз бобдан иборат.

Биринчи боб. Анатомия (ат-Ташриҳ)

Иккинчи боб. Касалликлар ва хасталиклар ҳақида.

Учинчи боб. [Парҳез] таом. (Овқатни зикр қилиш ҳақида).

Тўртинчи боб. Содда дорилар.

Бешинчи боб. Кўринишидан [бошқа] ўхшаш нарса-ларнинг номини олган содда дорилар ҳақида.

(153) Олтинчи боб. Мураккаб дорилар ҳақида.

Еттинчи боб. Тибб аҳли [ишлатган] оғирлик ва сочилувчан [талқон] жисмлар ўлчовлари.

Саккизинчи боб. Ан-Наводир — Нодир [ҳолатлар].

Биринчи боб

АНАТОМИЯ (ат-Ташриҳ)

Шаройин — бу урувчи қон томирлар [артериялар] [сўзнинг бирлиги] — “шарайон” — улар юракдан бошла-нади ва улар орқали ҳақиқий, табиий ҳарорат тарқалади. Уларда маҳжа оқади, у эса юрак қонидир.

Ҳаракатсиз [яъни сокин] томирларга келсак, ула-жигардан бошланади ва уларда жигар қони оқади.

Артериялар қаторига қуйидагилар киради:

Абҳарони — [бу икки артерия] юракдан чиқиб келади сўнгра бошқа артерияларга бўлиниб кетади.

Маишхур ҳаракатсиз [вена] қон томирларига кирув-чилар:

Босилиқ. У билак [суяги] да жойлашиб, ички томонда қўлтиқ остига қараб кетган.

Қифол. У ҳам [худди] шундек [фақат] билак [суя-гининг] ташқи томонида жойлашган.

Акҳал. У босилиқ ва қифол орасида жойлашган. *Акҳалу*¹ арабча сўз, *босилиқ* ва *қифол* эса арабийлаштирилган [чет тили] сўзлари.

Вадажони — бу бўйиндаги икки томир, улардан бири ташқи, иккинчиси эса ички [чуқур, ичкарида жойлашган]; "*вадаж*" ва "*авдож*" [бир сўзнинг] икки варианты, кўплиги эса "*авдож*".

Ҳабл аз-зироб — [билак венаси] — бу томир (154) курак [суягининг] ташқи томонида бўлиб, қифолнинг тармоқларидан биридир.

Усайлим — бу вена жимжилоқ ва сўфи бармоқ орасида бўлиб, босилиқ тармоқларидандир; бу арабийлаштирилган сўз.

Софин — бу вена болдирда бўлиб, тупиқ олдида ички томондан бўртиб чиққан.

Ирқ ан-насо — бу [томир] ташқи томондан софин олдида жойлашган.

Азал — [мускуллар], унинг бирлиги "*азала*". Бу марҳаматли парвардигори олам Аллоҳ Таъоло тирик мавжудот учун яратган ихтиёрий ҳаракат қуролидир. [Мускуллар] гўшт, асаб ва пайлардан иборат. Инсоннинг энг катта [мускули] болдир мускули, энг кичиги эса қовоқни ҳаракатлантирувчи кўз мукулидир.

Наҳоб — орқа мия — бу умуртқа ичидаги оқ модда; ундан ва [бош] миядан нерв толалари тарқалади.

Кўз пардалари ўзлари ўхшаш бўлган нарсалар номлари билан аталади, масалан:

Машина — кўйлаксимон [парда], чунки у бола она қорнида бўладиган кўйлаксимон [пардага] ўхшашдир.

Шабакиййа — тўрсимон — тўрга ўхшаш.

Анкабутиййа — ўргимчаксимон, ўргимчак ини [ва унинг ҳар толасига] ўхшаш.

Қарниййа — шохсимон — ўз қаттиқлиги жиҳатидан шохга ўхшайди.

Мултаҳим — бу кўз оқининг пардаси.

Қасаба ар-риъа — халқумдаги [ўпка пайчаси], у нафас йўли бўлиб, (155) фақат ўпка билан уланган; у [қизилўнғачнинг] олд томонида жойлашган.

Мария — қизилўнғач — бу таом ва ичимлик учун меъдага олиб борадиган йўл бўлиб, у [ўпка пайи]нинг орқа томонида жойлашган.

¹ Маъноси — қорақўз.

Ҳанжара — ҳиқилдоқ — бу аъзо¹ бўйинда жағ ости бўртиб чиқиб туради ва у овоз учун қуролдир.

Маъида — инсоннинг меъдаси худди қўйлардаги қишнинг² худди ўзи.

Баввоб — [“дарвозабон”] — бу ичак меъда билан унинг пастки томонидан туташган [жой], овқат меъдага тушганда ва то ҳазм бўлгунча у ёпиқ ҳолда бўлади, сўнгра Аллоҳ Таъоло иродаси билан очилади ва шунинг учун у дарвозабон дейилади.

Исна ал-авшарийй — ўн икки бармоқ [ичак] — бу ичак дарвозабон билан туташган: унинг узунлиги ўн икки бармоққа [тенг].

Миъа соим — оч ичак — бу ичак ўн икки бармоқ ичакка туташган ва [уни] “*рўза тутувчи*” [оч] дейлишига сабаб унда таом тўхтамаслигидир.

Маробид — бу таом ва озуқа учун меъдадан жигарга бўлган йўл.

Қулун — бу қуланж [касалиги] пайдо бўладиган ичакдир ва ундан [касалик] номи келиб чиққан.

Аъвар — кўричак — бу ичак халта шаклига [эга] ва уни чиқадиган йўли бўлмагани учун “кўр” дейилади, у шунингдек “*мимрага*” ҳам дейилади.

Миъа мустақим — тўғри [халта] ичак — бу нажас (ахлат) чиқадиган жой; унинг охири (156) оддий халқ тилида “*сурм*” дейилади.

Ҳижоб — кўкрак — қўрсоқ пардаси — бу аъзо терига ўхшаш; у кўкрак сунгидан бошланиб орқагача давом этади ва қорин бўшлиғининг [икки қисмга] бўлади; юқори қисмда ўпка ва юрак, пасткисиди эса бошқа ички [аъзолар] жойлашган.

Масомм — теригади жуда майда тешикчалар — бу тешикчалар орқали тер чиқади; “*масомм*”нинг “*самм*” сўзидан бошқа бирлиги йўқ; унга ўхшаш сўзлар “*мазакир*”, “*маҳосин*”, “*маъоли*” бўлиб, уларнинг айтиб ўтилган сўзлардан ясалган бирлиги йўқ.

Мароқх — бу қориннинг юмшоқ қисми; бу сўзнинг айтиб ўтилган кўпликдаги сўзлан ясалган бирлиги йўқ.

КАСАЛЛИКЛАР ВА ХАСТАЛИКЛАР ҲАҚИДА

Саъфа — бу бошда ва юзда бўладиган қуруқ ёки суюқ жиринг оқиб турадиган нам, ярали тошмалар.

Ҳазоз, ибриййа ва ҳибриййа — бошдаги қазғоқ, худди кеспакка ўхшаш.

Баҳақ — (қора доғ) — бу теригади оқлик, [оқ доғ], аммо мохов эмас; у шунингдек қора ҳам бўлиши мумкин.

Шаро — (эщак еми) — бу терини дирҳам¹га ўхшаш қизил доғлар қоплайдиган касалликдир.

Ҳасаф — тер кўплигидан пайдо бўладиган тошмалар.

Қубоъ — (кал, қўтир) — бу маълум бўлган [касалик]да қуюқ шира тери юзасига чиқади (157) ва уни қоплаб олади.

Жузам — (мохов) — бу касалликда аъзолар ирийди, буришади ва [уларни] тошмалар қоплайди, овоз бўғила бошлайди ва сочлар тўкилади.

Шаъира — (говмичча) — бу қовеқдаги узинчоқ шиш.

Ҳасо — [ёпишқоқлик] — бу [касалик] вақтида одам уйғонгандан сўнг кўзини очини қийин бўлади.

Тишлардаги ҳафар — тишларга ташқи ва ички томондан ёпишган нарсалар [тошлар]

Сунан — қўлтиқлардаги ва човдаги бадбўй ҳид.

Узйут — бу эркак кишидан жинсий алоқа қилаётган вақтда ахлат чиқиб кетиши.

Хулүф — бу эркак кишида, агар у оч бўлса, оғиз бўшлиғи [ҳидининг] ўзгариши.

Қамират ал-айн — (қордан кўзнинг олиними) — “*қамират ал-айну тақмару қамаран*” — агар [кўз] қорганкилса, кўриш қобилияти ёмонлашади. Бу қорган узок тикилишдан бўлади.

Саҳж — терининг пўст ташлаши [шўралаши] ва шунга ўхшаш [ҳолатлар].

Ханозир — бу бўйин, қўлтиқ ва човдаги безга ўхшаш [шиш].

Саратон [рак] — бу танадаги катта илдизли қаттиқ шиш бўлиб, унинг [илдизини] (158) яшил томирлар [вечалар] озиқлантиради.

Дирҳам — кумуш танга

¹ Текстда “азм” — суяк, қўлбёманинг Британия музейида 2524 рақами остида сақланаётган нусхасида “асв”, уни “азн”, яъни “аъзо” деб ўқиймиз.

² Қириш — меъда.

Салъа — (хавфсиз ёғ ўсмаси, ёғли шиш) — "ё" (ҳарфи) фатҳа билан ва "л" (ҳарфи) сукун билан ҳаракатланган — танадаги [ғуддалар] шишлар, агар уларни қимирлатса [ҳаракатлантурса], оғриқсиз қимирлайди ва улар нўхатдан тортиб қовунгача ҳажмда бўлади.

Намла — (герпес) — бир оз яллиғланган, қичимали ва [ловуллашли] кичкина тошмалар: уларни ушлаб кўрганда иссиқ [сезилади]. Улар тезда яраларга айланади.

Нор форсийа — "форс олови" — бу суюқ "сув" билан тўла қаварчиқ [ғурра, пўрсилдоқ, пайса]лар. [Улар] қичима ва яллиғланишдан сўнг пайдо бўлади.

Доҳис — тирноқларни қамраб оладиган ва тўхтаб-тўхтаб турадиган қаттиқ оғриқли шиш.

Бу бобга тааллуқли бўлганлар қаторига заҳарли [ҳайвон]лар ҳам киради.

Жаррот — бу ўз думларини (ерда) судраб юривчи кичкина чаёнлардир; улар Хузистон билоди¹да учрайди ва наботийликлар тилида "каруро" дейилади.

Рутайло — заҳарли ўргимчак; фаланга, бий — ўргимчаклар оиласидан. У "Фухайд" деб номланган [ўргимчакка] ўхшаш, лекин у ["Фухайд"дан] кичикроқ.

Шабас — [бу ҳашарот], узун оёқли катта ўргимчакка ўхшаш.

Нимс — бу ҳайвон [ҳақида] ал-Халил энг зарарли йиртқич деб айтган.

Калб калиб — бу таомни инкор этиб, сувдан қочиб юрадиган ғазабли ва қутурган ит; агар у исонни тишласа, одамда ёмон аломатлар пайдо бўлади, (159) у сувдан ва барча суюқликлардан қўрқади ва ташналикдан ўлади.

Шақиқа — бош миянинг ярим палласидаги оғриқ.

Давор — бу [касал] ҳолатида инсонга худди барча [нарсалар] айланаётгандек туюлади, кўз олди қоронгулашади ва йиқилгиси келади. "Дир биҳи, йудору доворан", ["уни бош айланиши билан айлантираяпти"] дейдилар.

Сарсом — [бу шундай касалки, унда] бош оғриқли доимий иситма бўлади, бошда ва кўзларда оғирлик [бўлади], кўз қаттиқ қизаради ва ёруғдан ўзини четга олади.

¹ Мамлақати.

Сакта — (апоплексия) — [бу касалликда] инсон худди ухлаётгандек ётади. Уйқусиз хуррак отади ва ийна санчса сезмайди. Эркак кишига сакта зарар етказса "ускита ражулу искотан" дейишади.

Субот — (караҳтлик) — киши худди ухлагандек ётади, сезади ва ҳаракат қилади, аммо кўзлари юмуқ бўлади; балким у кўзларини очар, сўнгра эса яна [юмади].

Шухус — [бу касалликда] киши [кўпинча] ётади ва кўзларини пир-пир учирмайди; уни "шоҳис" дейишади.

Фалиж — (фалаж) — бу маълум. Инсон [баданининг] бир томони бўшашади [кучини йўқотади]. Инсоннинг баъзи аъзолари сезувчанликни ва ҳаракатини йўқотганда "қад фулижа фулонун" дейишади.

Хадар — киши қўли (160) ёки оёғида увишиш пайдо бўлади ва уни тарк этмайди¹.

Лақва — (юз фалажи) — инсон юзи қийшади ва у битта кўзини юма олмайди; бу касал билан оғриганини "макхув" дейишади.

Ташаннуж — (сиқилиш, қисилиш) — бу аъзолардан бирийнинг қисқариши.

Тухама — (меъданинг сустлиги) — маълум. [Бу сўз] "вахома"дан "в" [ҳарфини] "т"га [алмаштириш] йўли билан, худди "туҳама" сўзи "ваҳм" [ясалгандек] ясалган; адабий тилда "х" [ҳарфи] фатҳа билан ҳаракатланади.

Саръ — (тутқаноқ, қуёнчиқ, эпилепсия) — инсон йиқилади ва хириллайди, тиришади, типирчилайди ва ҳушидан кетади. [Бу ҳолатда] "қад суриъа, йусраъу саръан" [у тутқаноқ билан касалланган] дейишади.

Кобус — (босинқираш) — инсон уйқусида гўё унинг устига оғир одам йиқилгани, уни босаётгани ва бўғаётганини сезади.

Молинхулийа — бу телбаликнинг [жиннилик, сазой-илик] тури; [бу касалликда] инсонда бемаъни ҳасёллар пайдо бўлади, уни ғам ва қўрқинч қамраб олади, гоҳо бақиради, тутуруқсиз гапиради ва унинг сўзлари тартибсиз бўлади.

Сабал — кўзнинг оқи ва қорачиги қалин қизил томирлардан иборат пардага ўхшаш нарса билан бекилади.

(161) **Зафара** — бурун томонидан кўзнинг [ички] бурчагида пайдо бўлиб, кўз қорачиги томон борадиган парда.

¹ Британия музейида 23.429 рақами остида сақланаётган нусхасида: ланжлик, масалан бирон нарса чаққанини сезмайди.

Тарфа — зарб ёки бошқа нарсадан кўзда пайдо бўлган қизил нуқта.

Иитишор — (кўз қорачигининг) ҳар томонга кўз оқини бутунлай эгаллагунча кенгайиши, [у] зарба натижасида ёки қаттиқ бош оғригидан кейин [бўлиши мумкин].

Ғарб — (чипқон ёки яранинг кўзи) — бу касалда кўздан суюқлик чиқади, кўзни пирпиратганда суюқ йиринг чиқади, у шунингдек "носур" дейилади; гоҳе носур тананинг бошқа жойларида ҳам бўлади.

*Бавосир*¹ — (бу касалликда) — бурун ичида гўшт ўсиб чиқади ва уни тўсади: [бу сўзнинг] бирлиги — "босур", бурунда шунингдек, юқорида зикр этилган "саратон" ҳам бўлиши мумкин.

Хашм — (ҳид билмаслик) — [бу касалликда] киши ҳид билиш қобилиятини йўқотади; ҳид билиш қобилиятини йўқотган киши на ёқимли ва на бадбўй ҳидни сезмайди; [бу сўз] "хайшум"дан келиб чиққан, чунки [касал] бурун тешикларини зарарлайди.

Кулоъ — (оқсим) — бу таълайнинг иккала тарафи ва тил [устигаги] тошмалар.

Дифдаъ — ("қурбақа") — бу тил остида пайдо бўладиган ғудда [шиш].

Хуноқ — (ангина) — [бу касаллик натижасида] халқум тораяди: [ангина билан оғриганин] унга "хавошиқ" бўлди ва у "махжуқ"дир дейишади.

Зот ал-жанб — (плеврит, зотилжам) — қовурга ости оғриғи, (162) йўтал ва иситмали касал.

Зот ар-риъа — (ўпка яллиғланиши) — ўпкадаги нафас олишни қийинлаштирадиган яра.

Шааса — ал-Халил айтишича, бу касалликда шамол қовургаларда қуюқлашади: [бу билан оғриганин] "шо-сатҳу шааса" дейилади.

Силл — (сил) — [бу касалдан] инсон сурункали [музмин] йўтал ва кўп балғам тупуриб ташлашдан озиб кетади; "музмин" — "қадимий", "аввалги замондаги" маъносига эга ва у "замон" сўзидан ясалган. [Шунинг учун] сурункали касалликни "Марази музмин" дейишади. Музмин сўзи билан, шунингдек, наслий [касалликларни] ҳам ифодалашади.

¹ Бурундаги ўсимта.

² Абу Али ибн Синода бу касал "иуса" дейилади. Қаранг: Тиб қонунлари, 2-нашр, Тошкент, 1979, III китоб, I том, 467-бет.

Ҳайза — (ич кетиш тури) — унда [қориндаги] оғриқлардан ва гангиган [ташвишли] ҳолатдан сўнг қайт қилиш ва ич кетиш келади. "Қад ҳийза ражул" киши шу касал билан оғриганини англатади. "ал-ҳайз" — бузилиш [парчаланиш] англатади.

Шаҳва калбиййа — ("ич иштаҳаси") — унда инсон доимий очликни сезади ва натижада у кўп ейди, бу эса уни оғирлаштиради, ундан сўнг кўнгил айнаш ва қайт қилиш [га олиб] келади. "Калибат шаҳватуху калабан", яъни [қаттиқ] иштаҳа келди [очилди] дейишади, шунингдек "калиба бард" дейишади ва у қаттиқ совуқ, яъни ич чидайдиган совуқни англатади, бу ердан "калб калиб", яъни қутурган ич ибораси [келиб чиққан].

Йарақон ва арақон — бу сариқ касаллиги, унда ўт пуфаги тўлиб кетиши ва сариқ сафронинг қон билан аралашishi натижасида инсон кўзи ва терисининг ранги сарғаяди; (163) "уриқа ражул ва ҳува маъруқ" дейишади [бу эса] — киши сариқ касаллиги билан оғриди [маъносини] англатади.

Истисқоъ — (истисқо) — [бу касалликда] қорин ва бошқа аъзолар шишади; истисқоъ уч хил бўлади: "мешсимон", "ноғорасимон" ва "гўшт"; "мешсимон" истисқоъ келса [унда] қорин шишади, киндик бўртиб чиқади ва ҳаракат қилганда қулқуллаш эшитилади. "Гўшт" (истисқоъси)да қовоқларда ва қўл-оёқлар учида юмшоқ шиш пайдо бўлади, мойклар шишиб кетади, юз ва бутун бадан шалвираган бўлиб қолади. "Ноғорасимон" истисқоъда қорин шишади ва таранглашади; агар уни чертса ноғора овозига ўхшаш овоз эшитилади; бемор доимий ташна бўлиши сабабли бу касал "истисқоъ" ва "сақй" дейилади.

Қуланж — (колит) — бу ичакда тикилмалар сабабли ич юришмаслиги бўлиб, у "қулун" [колон] дейилади.

Хилфа — (ич кетиш тури) — бу касалликда таом одатдагидек қоринда ҳазм бўлиб турмайди, балки тезда, ўзгармаган ҳолда чиқиб кетади. Шу алфозда ачишиш ва қоринда оғриқ сезилади, [ажралиб чиққан нарса] суюқ йирингни эслатади.

Заҳир — (ич кетиш тури) — бу маълум касал, [унинг номи] "тазаҳҳур" [сўзидан] келиб чиққан.

Ҳасот — ("тош") — бу касалда қовуқ ва буйрақларда қуюқ хилтинг қаттиқлашиши натижасида тош пайдо бўлади.

Саласу ал-баал — (қовуғи бұшлик) сийдикни тутолмас-лик, [чакмазак] — бу ҳолатда инсон ачишишсиз кўп сияди.

(164) *Бавосир* — (геморрой) — [бу] орқа томондаги [шишлар] бўлиб, улардан вақти-вақти билан куюқ қон оқади; улар чиқиб туриши¹ ёки бекиқ [яширинган] бўлиши мумкин, улардан йиринг оқади; гоҳо улар осилиб чиқади.

Навосир — бу шишлар [тешик яра] ҳам орқа тешикда пайдо бўлади.

Раҳо — бу хасталик аёлларда бўлади, уларнинг ҳолати ҳомиладорларни эслатади: қорни катталашади, юзининг ранги ўзгаради, ҳайзи тўхтайд.

Фатҳ — (грижа — дабба) — эркаларда қорни [дево-ри] юпқа бўлган жойда бўлади, агар [бемор] чалқанча ётиб уни бармоқлари билан босса, у йўқолади, турганда эса яна қайтиб чиқади.

Қарв — [бу касалликда] мойак халтасининг унда ел ёки сув [йиғилиши] натижасида катталаниши, ёки ичак, ёхуд қоринёғ чўзилиши [осилиши]: [бу касални] шунингдек "қарва" ҳам дейишади.

Ниқрис — (подагра) — бугинларда моддалар йиғилиши натижасида пайдо бўладиган шиш.

Ирқ ан — насо — (ишмас) — "н" ҳарфи фатҳа билан ҳаракатланган ва алиф мақсураси бор — [бу касалликда] оғриқ соннинг бирор жойида бошланиб, у сўнгра бутун сон бўйлаб тарқалади ҳамда болдир ва оёқ юзи [каф-ти]ни ҳам эгаллашгача етиб бориши ҳам мумкин.

Даволи — (вена кенгайиши) — оёқ юзасида (165) тўқ кўкимтир рангли эгри-бугри, йўғон томирлар [веналар] пайдо бўлиши.

Доғ ал-фил — (фил касаллиги) — бу касалликда оёқ-нинг ҳамма қисми шишади ва катталашади.

Ҳуммо йавм — (бир кунлик иситма) — у узоқ вақт давом этмайди ва унинг хуружи фақат бир марта бўлади.

Диққ — (ингичка оғриқ) — бу иссиғи баланд бўлмаган давомий ва ажралмас иситма; унинг безовталикнинг, лабларнинг катталаниши, [оғиз] қуриши ва тилнинг қоралиги каби яққол белгилари йўқ; касаллик охирига бориб инсон мадорсиз ва ҳорғин бўлади.

¹ Нутув ёки газув.

Вирд — бу ҳар кун хуруж қиладиган ва кўп ҳолда келиб чиқиши балғамли [шилликли] иситма.

Ғибб — (уч кунлик иситма) — бу иситма хуружи кунора бўлади ва унинг келиб чиқиши одатда сариқ сафроли.

Рибъ — (тўрт кунлик иситма) — [бу иситма] хуружи биринчи кун бўлиб, [ксийинги] икки кун бўлмай, тўртинчи кун такрорланади; аксар ҳолатда унинг келиб чиқиши қора сафролик.

Химс — (беш кунлик иситма) — ва сидс — (олти кун-лик иситма) ҳам шундай. Бу номларнинг мажозий маънода ишлатилишидан "туя ташналиги" келтириб чиқарилган.

Ҳуммо мутбиқа — (тинка-мадорни қуритадиган иситма) — у доимий, ажралмас ва қондан келиб чиқади; ундан кўзлар, юз-қулоқлар қизаради, [беморни] ғам ва ташвиш [қамраб] олади.

Ҳуммо муҳриқа — (куйдирувчи иситма) — у уч кунлик [иситмалар] туридан, бироқ [у] доимий ва [уч кунлик иситмага] нисбатан кучлироқ, иссиғи баланд бўлиб, (166) гоҳо жуда кўтарилиб кетади.

Вабов — ҳамзали ва қисқа "а" (ҳарфли) — ўлат, кенг тарқаладиган [эпидемик] касаллик, бу сўзнинг кўплиги "авбов". Бу [сўзда] "а" [ҳарфни сўз охирида] чўзиқ қилиб бўлмайди ва кўплигини "авбия" шаклида ҳосил қилиб бўлмайди.

Учинчи боб

[ПАРҲЕЗ] ТАОМ

(ОВҚАТНИ ЗИКР ҚИЛИШ ҲАҚИДА)

Атрийа—"аксийа" вазнида (угра ош) — Сурия аҳли таомларидан (бири); ал-Халил бу [сўзнинг] бирлиги йўқ деган эди; баъзилар [у] "зибнийа" вазнида касра билан ҳаракатланган дейишади.

Фаронийй — бу "фурнийй" [сўзи]нинг кўплиги; ал-Халил: "бу турли шаклда ёпилган ва [ёпилганидан сўнг] унга сут, ёғ ва шакар сингдирилган далғал нон" дейди; "фурнийй"—"фурн" [ўзагидан] келиб чиқади, "фурн" эса нон ёпиладиган катта ўчоқдир.

¹ Абу Али ибн Синода "ишрийа" вазнида берилган. Қаранг: Тиб қонунлари. 2-нашри, Тошкент, 1982, II-Китоб, №-73, 110-бет.

Қатоғиф — "*қатоғиф*" кийимига ўхшаш, унинг бирлиги "*қатиға*"; "*қатиға*" — бу бахмалдан тикилган [ҳаммага] маълум кийим.

Намо — (крахмал) — *намостаж*; бу [сўзнинг] охири қисми [таллаффузни] енгиллатиш учун тушириб қолдирилган: бу худди "*манозил*" ўрнига "*mano*" деб ишлатишганидек.

Ҳинта маслуқа — пиширилган, сувда қайнатилган [буғдой]. Сувда пиширилган ҳамма нарса "*маслуқ*" дейлади, масалан: қайнатилган тухум.

Байд (167) нимбришт — [чала пиширилган тухумга] келсак, у форсча сўз, (тухум) қуюқлашгунча қиздирилган маъносини англатади. У тўлиқ пишса, уни "*разод*" дейлади.

Ҳабб ас-санавбар кабир — катта санавбар бужури ["*Қадр ёнгоқлари*"] — маълум дарахт мевалари.

Ҳабб ас-санавбар сағир — кичик санавбар бужури — бу ўрмон ёнгоғи.

Норжил — бу кокос ёнгоғи.

Субор — бу янги [узилган] тамарҳиндий [мевасири].

Фарорих — жўжалар — форсчадан араблаштирилган [сўз], бу [сўзнинг] кўплиги "*ташнур*" вазнида "*фарруж*".

Бахатта — сивдча сўз — бу сут ва ёғ билан пиширилган гурунч.

Кишк — бу ҳавончада, яъни қобиёлари ажраб чиққунга қатар майдаланган буғдой ва арпа.

Қатаф — ("*рум исмалоғи*") — бу кенг баргли нозик ўсимлик.

*Талахшақуқ*¹ — (қоқигул, момақаймоқ) — бу "йаъдид"².

Ҳуммоз — (қўзиқулоқ, шовул) — бу гули қизил полиз кўкати.

Ҳуммоз ал-утружжа келсак, у — [цитроннинг] ичидаги бор нарсалари.

Ҳазоъ — бу кўкат ўз ҳиди билан сельдерейга ўхшаш; у (168) форс тилида "*динорувайҳ*" [дейилади]; [унинг] бирлиги "*ҳазоъа*".

Тутти шомийй — (Сурия тутти) — бу *хартутдир*.

Амбарбарис — (зирк) — бу форс тилида "*зириш*" [дейилади]; уни шунингдек "*зирт*" ва "*зирк*" ҳам дейишади.

Турмус — люпин, ["*миср боқиласи*"] — унинг дони [уруғи] ясиқниқидан каттароқ ва у дуккакли ўсимликлар оиласидан, яъни миср боқиласидан.

Ҳаршаф — (артишок, кангар) — бу канкардир.

Равосир — бу *рисор*¹нинг кўплиги, арабийлаштирилганда "*рижор*" [каби вазнда талаффуз қилинади].

Ҳилъун — [морчўба (сарсабин)] — ал-Халил "бу ўсимлик [ўз ривожланишининг] бошланишида янтоққа ўхшаш бўлади" дейди, уни зайтун ёғи билан ейишади ва шаҳвоний ҳисни [орттириш учун] ишлатилади.

Малукиййа ва малухиййа — (жут, тугмачагул) — бу гулхайрига ўхшаш кўкат.

Ҳалазун, ирбийои ва садаф — (шилликқурт, омар ва садаф) — бу денгизчилар ва гаввослар ейдиган денгиз жониворларидир.

Ҳозибоъ бунний, жиррис, шаббут, (169) шулуқ — [майда балиқ, илонбалиқ (угор), зоғорабалиқ (сазан)] — балиқ турлари.

Рубайсоъ, саҳноъ, сир ва сумаикот — бу (зираворлар, ҳайла)ни майда балиқлар ва туздан тайёрлашади.

Самаки мамқур — бу тузланган [балиқ] — уни сирка за унга ўхшаш [суюқликларга] тузлаб қўйилади.

Тўртинчи боб

СОДДА ДОРИЛАР

Содда дорилар, бу — ўсимлик, яъни унинг мевалари, уруғлари, гуллари, барглари, шохлари, илдизлари, пўстлоглари, [сиқиб (эритиб) чиқарилган] ширалари, сутсимон ширалари, елими, ёки минерал, унга тошлар ва битумга ўхшаш кон моддаларига тааллуқли, ёки ҳайвоний [бу] олақуланг,² ҳайвонлар аъзолари, уларнинг ичак-чавоқлари ва ўтлари кабилардир.

Ақоқийо — бу араб акациясининг шираси [ёки елими].

¹ Рисор — райҳон тури.

² Дарахт ва буталарни зарарлайдиган қўнғизчаларни қуришиб, майдалаб тайёрланган молҳам.

¹ Абу Али ибн Синода бу сўз "тариҳшақуқ" шаклида берилган. Қаранг: Тиб қонунлари, 2-нашри, Тошкент, 1982, II-Китоб, №-303, 287-бет.

² Бу одатда сачратқини (хондриллани) англатади.

Истирак — (стиракс) — бу зайтун дарахти елими.
Басбоса — (мускат ранги, маңис) — бу мускат ёнгоғининг пўсти.

*Доршишгон*¹ — (*Calycotome spinosa* LK дуккакли чўл ўсимлиги) — бу Ҳинд сунбулининг илдизи.

Дибқ — (асал майвизак) — [уни] дуб ёнғоқ, олма ва нок дарахтларидан йиғишади.

Варс — (*Flemmingia* безчалари ва бошқалар) — уни Ямандан келтирадилар, [у] ярқираган қизил рангда (170) бўлиб, дарахт пўстлоғларида учрайди, ўша жойда уни йўнадилар ва йиғадилар; у янчилган заъфаронга ўхшади.

Ҳабб ан-нил (*Ipomoea hederacea* Jacq) — бу Ҳинд маҳсаридир.

Ҳузаз Ҳиндий — (Ҳинд ликий шираси) — (уни) қуйидагича ҳосил қиладилар: зирк ёғочи олинади ва унда ҳеч қандай қувват қолмагунча қайнатадилар, сўнгра [қайнатма], сузгичдан ўтказилади ва қизаргунча² қайнатилади.

Фил захраж — (ликий) — сурёнийча "марорат фило". У айтадики: у уч хил (бўлади): улардан бири зиркдан олинандиган ҳузаз, иккинчиси хулон шарбати [подшоҳ дарахт меваси] ва учинчиси туя сийдигидан олинандиган дори; мен уни [учинчисини] тўғри деб ҳисобламайман.

Толисфар — бу Ҳиндистондан келтириладиган пўстлоғ [дарахт қобиғи].

Коканж — (пақ-пақ) — бу қизил мевали итузум.
Лоийа — (*Euphorbia triaculeata* Forsk) — бу тоғ бағриларида ўсадиган ўсимлик бўлиб, унинг ёқимли ҳидли баргларига асаларилар қўнади; унинг жуда кўп сутсимон шираси (171) бўлиб, кесганда юзага чиқади.

Йаттуьот — (сутламаликлар) — бу сутсимон шираси бўлган барча ўсимликлардир.

Майба — (стиракс (бальзам ва смола) — бу Румда ўсувчи дарахтдан ўзидан-ўзи томчилаб чиқадиган смола; уни йиғадилар ва қайнатадилар [пиширадилар]; тиниқ бўлгани — бу суюқ [оқувчан] — майба, чўкинди ҳолда қолгани эса — қуруқ майба.

¹ Британия музейида 7528 рақами остида сақланаётган нусхасида "доришшаён". Солиштиринг: Абу Али ибн Сино. Тиб қонуналари 2-нашри, Тошкент, 1982, II-Китоб. № 170, 185-бет.

² Британия музейида 7528 ва 2524 рақамлари остида сақланаётган нусхалари бўйича "қуюқлашгунча".

Мугос — (*Glossostemon*'a илдизи) — бу ёввойи анор илдизи.

Нормушк — (*Mesua Fegrea* L., анор ипори) — бу "номошир" деб номланган дарахт гуллари.

Санжисбуя — (мелио ацеларах уруғлари) — бу сабистон¹ уруғлари.

Созаж — (малобатр) — бу Ҳиндистонда ботқоқлик жойларда ўсувчи ва сув юзасида бақатун [сув ясмиги] сингари пайдо бўладиган ўсимлик; унинг илдизи йўқ, уни йиғадилар, зиғир [толасидан қилинган] ипга терадилар ва қуритадилар.

Сақмушйо — (*Convolvulus scammonia* L.) — дарахтдан ўз-ўзидан томчилаб чиқадиган сутсимон ширадир.

Сайсолийус — ("Рум сассиқ қаврағи") — бу рум "анжузони" — дир².

Фоғира — ("Ибн Сино фоғираси") — бу Ҳинд сув ни-луфарининг илдизи.

Филфилмуйа — бу мурч дарахтининг илдизи.
(172) *Дор филфил* — (узун мурч) — бу мурчнинг биринчи [олдин] [кўринган] мевалари, сўнгра [пайдо бўлувчи] *филфил абйаз* — [оқ мурч], бу эса хом [мева].

Асвад — (қора мурч) — бу (пишган) етилган мева³.

Зарв [зирв] — (мастаки дарахти ва унинг елими) — бу Ямандан келтириладиган "Камком" деб номланувчи дарахтнинг елими.

Қирфа — (долчин) бу Хитой долчини [дорсиний] турларидан бири; буни унга [яъни дорсинийга] ўхшади бошқа нав [тур] дейдилар.

Қардамоно — (ёввойи зира) — бу рум каравайаси⁴.

Иқлимийо — (шунингдек) қалимийо — [металлар чирки, Cadmie] — номи билан ҳам маълум; [у] мис тутуни ва кумуш рудасидан ҳосил бўлади; унинг турларидан бири — конга оиди, сунғийси эмас.

Сафсийо — бу тоғ газякўтининг елими.

¹ Қаранг: Беруни, IV-том, № 526, 1-изоҳ.

² Британия музейида 2524 рақами остида сақланаётган нусхаси бўйича "анжудон". Қаранг: Беруни, IV том, № 107.

³ Берунийда акси, қаранг: Беруни, IV-том, № 789.

⁴ Рум каравайаси — майда ва оқ рангли, ўткир мазали. Қаранг: Беруни, IV-том, №-823.

Ҳилтис — (ангуза, сассиқ қаврак елими)¹ — бу анжун ўсимлигининг елими.

Займурон — (райҳон) — бу *шоҳисфарам*².

Куркум — бу заъфарон, бундан "*куркум дориси*" номи [келиб чиққан].

Ҳамомо — (амом) — цейлон долчинининг турларидан бири.

Жинтийоно — (гентиана илдизи) — Рум сунбулининг илдизи.

Жундбийдастар — (қундуз қири, ўглоноши) — дарё ҳайвонининг мойги; у шунингдек "*хазмийон*" (деб ҳам аталади).

(173) *Шаҳм ҳантал* — (колоквинт юмшоғи) — бу [ўсимлик] форс тилида "*кабаста*" дейилади.

Йабруҳ — (меҳриғиё) — бу³ бу форс тилида "*ҳазоркашой*" бўлиб, "минг тугунни счувчи"ни англатади.

Ҳабб баласон — (бальзам дарахти уруғлари) — бу *маншим*.

Бешинчи боб

КЎРИНИШИДАН [БОШҚА] ЎХШАШ НАРСАЛАРНИНГ НОМИНИ ОЛГАН ДОРИЛАР ҲАҚИДА

Асобиб суфр — "*сарик бармоқлар*" — (панжанхушт, прутняк) — бу ўсимлик жинниликда фойдаси бор.

Иклил ал-малик — "*шоҳ тожи*" — (қашқарбеда) — бу маълум ўсимлик.

Азфор — "*тирноқчалар*" — форс тилида "*нахуна*" — ҳушбўй моддалар [тайёрлаш] учун ишлатилади.

Озон ал-фаър — "*сичқон қулоқлари*" — (бўтакўз) — бу ўт зафарани⁴ олдини олади ва ундан [тузилишига] ёрдам беради.

Басал ал-фаър — "*сичқон пиёзи*" — бу денгиз пиёзи.

¹ Беруни, IV-том, № 344.

² Беруни, IV-том, № 657, 4-изоҳ.

³ Британия музейида 23,429 рақами остида сақланаётган нусхаси бўйича: ёввойи ўсимлик илдизи.

⁴ Қаранг: Шу бўлимнинг иккинчи бобида энкр этилган зафари касали. 120 бетда.

Бақла ал-ҳамқо — "*аҳмоқлар сабзавоти*" — (семизўт) — бу рижла, уни шунингдек *бақла йамонийа* — "*ямаи сабзавоти*" [олабўта, ёввойи гултожихўроз] деб аташади ва бу бошқа [ўсимлик] дейишади.

Бақла йаҳудийа — "*яхудийлар сабзавоти*" — (кўктикан) — бу бошқа [сабзавот].

Жор ан-наҳр — "*дарё қўшиниси*" — (сузувчи ғиччак) — у нилуфарга ўхшаш ва ларс қирғоқларида ўсади.

Ҳайй ал-ъолам — "*оламдаги тирик (мавжудот)*" — (гулҳамишабахор) — бу *бўстони афруз* — "*бўстонни ёритувчи*" — (гултожихўроз) — бу шунингдек ардаширжон [канавчонинг оқ тури].

Марв — "*чақмоқтошлар*" — (канавча) — бу (гултожихўроз) — турларидан бири.

Мармоҳур — бу (гултожихўрознинг) бошқа тури.

(174) *Хусо ал-калб ва хусо ас-саълаб* — "*ит мойги ва тулки мойги*" — (салиб) — бу икки ўсимлик шаҳвоний ҳисни кучайтириш учун жуда яхши.

Хониқ ан-нимр — "*қоплон бўғувчи*" — (ларпи тури) — бу ўсимлик чиришга сабаб бўлади [чиришни қўзғатади].

Занаб ал-хайл — "*от думи*" — (қирқбўгин) — бу буриштирувчи [қамаштирувчи] ўсимлик.

Зу салос шуъаб — "*учбарг*", "*себарга*" — (унинг) барглари бавосир [касалига] даво бўлади.

Рижл ал-ғуроб — "*қарға оёғи*" — бу ўт.

Райҳон Сулаймон — "*Сулаймон райҳони*" — (сертола райҳон) — бу Исфаконда барра укроп сингари ўсувчи [ўсимлик] ўт.

Рижл ал-жарод — "*чигиртка оёғи*" — бу маълум сабзавот, ал-қутруб — "*жинчиروق*" — (рапдак) — бу ўсимлик¹.

Шақоъиқ ан-нуъмон — "*Нуъмон она-сингиллари* (эгачилари)" — (анемона) — бу лола.

Шажара Мирйам — "*Марьям дарахти*" — (альп гунафшаси ва бошқалар) — бу ўсимлик, [унинг табиати] иссиқ, қуруқ.

Баҳур Мирйам — "*Марьям хушбўй тутатқиси*" — (альп гунафшаси) — бу бошқа ўсимлик.

Асо ар-рағи — "*қўпон таёғи*" — (қизил тасма) — бу қамаштирувчи [буриштирувчи] ўсимлик.

¹ Британия музейида 23,429 рақами остида сақланаётган нусхаси бўйича: "бошқа ўсимлик".

Иккаб ас-сағлаб — "тулки узуми" — (ит узуми) — бу [форс тилида] "рубоҳ зирик", уни [шунингдек] *ганам* дейишади.

Қуррат ал-байн — "кўз қорачиғи" — ("Сув петрушкаси") — бу сувда ўсадиган ўсимлик, у қовуқдаги тошларни майдалайди.

Қотил ал-килоб — "итларни ўлдирувчи" — (апоцидум) — бу маълум ўсимлик.

Қотил абиҳи — "ўз отасини ўлдирувчи" — (ер дарахти) — у пашшаларни ўлдирди ва қамаштириш [табиати].

Лисон ал-ҳамал — "кўзичоқ тили" — (баргизуб) — бу қамаштирувчи, қуритувчи ўсимлик.

Алсина ал-асофир — "чумчуқлар тиллари" — (мум-тол) — бу маълум дарахт меваси ва (175) шахвоний қувватни кучайтирувчи дорилардан бири.

Лисон ас-саор — "буқа тили" — (говзавон) — бу [юракни] кучли қилувчи ўсимлик [унинг табиати] иссиқ, хўл.

Лиҳйа ат-тайс — "эчки соқоли" — (такасоқол) — бу қамаштирувчи табиатли ўсимлик, унинг гулларининг қуввати баргларииникига қараганда кучлироқ.

Мизмор ар-рағи — "чўпон найи" — (булдурўқут) — бу [буйракдаги] — тошларга [даво] дори.

Вард ал-ҳубб — "севги атиргули" — (айиқтовон) — бу кабижаж¹.

Вард ал-ҳимор — "эшак атиргули" — бу (табиати) иссиқ, қуруқ дори.

Қотил мафсиҳи — "ўзини ўлдирувчи" — бу мирта навларидан бири.

Бақла ал-ғазол — "ғазол учун сабзавот" — бу машка-таромашир (кийикўт).

Айн ал-бақар — "буқа кўзи" — (говчашм) — бу сариқ баҳор².

Лиҳйа ал-ғамз — "така (серка) соқоли" — (такасоқол) — бу денгиз бўйидаги кўктикан.

Шаър ал-жини — "жин сочи" — бу сунбулсоч [парсиёвушон], [уни шунингдек] "чўнқа сочи" дейишади.

¹ Айиқтовоннинг бошқа номи.

² Говчашм. қаранг: Беруни, IV-том, № 189.

Бақла ал-биър — "қудуқлар ўти" — қудуқларнинг қоқ ўртасидаги тошлар орасида ўсгани учун уни шундай деб номлашган.

Ҳайй ал-болам — "оламдаги тирик [мавжудот]" — [гулҳамишабаҳор] — бу ҳамшишак.

Олтинчи боб

МУРАККАБ ДОРИЛАР ҲАҚИДА

Тирйоқ — (тарёқ) — бу [ном] юнонча "тирйун" сўзидан келиб чиққан бўлиб, илон ва шунга ўхшаш чақувчи ҳайвонларни билдирди, араб тилида уни, шунингдек, (176) "дирйоқ" дейилади.

Тирйоқ ал-афоғи (эфа тарёқи) — *тирйоқ ал-форух*¹ дир.

Тирйоқ ал-арбаъи — (тўрт) нарсадан тайёрланадиган (тарёқ) — унинг шундай номланишига сабаб гентиана илдизи, дафна меваси, узун аристокхония ва муррлар тўрт қоришмасидан иборатлигидир.

*Атрифал*² — ҳинд тилида уни "три абхал", яъни "уч қоришма" дейишади ва улар қуйидагилар: сариқ ҳалила, балила ва омила.

Дори хиллари [яъни шакллари] маъжунлар, иёражлар [тузатувчи сурги], қайнатмалар, ҳандорилар, яланадиган дорилар, кулчалар, жуворишинлар ["овқатни ҳазм қилувчи"], қуюқ суртмалар, атилалар³, [марҳамлар], ёғлар, ичимликлар, шарбатлар, мураббололар ва анбажлар⁴.

Майбиҳ — (беҳи шарбати) — беҳи шарбати ва шаробдан иборат бўлгани учун унинг номи иккала таркибий қисм номидан иборат.⁵

Жуланжабин — бунинг маъноси "атиргул" ва "асал".

¹ Яъни, захарларга қарши ишлатиладиган, тарёқнинг энг яхши хили (сўзма-сўз: ажратувчи тарёқ)

² Қаранг: Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 2-нашр. Тошкент, 1980, V Китоб, 35-бет.

³ Ибн Синода бу "ишёр" деб берилган. Қаранг: Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, 2-нашр, Т., 1980, V Китоб, 179-184-бетлар.

⁴ Турли нарсалардан асал билан қўшиб тайёрланадиган мураббо.

⁵ Форс тилида май — шароб, биҳи — беҳи.

Сиканжабин — (сиркасал (охумел)) — у сирка ва асалдан иборат, кейинчалик (177) гарчи асал ўрнига шакар, сирка ўрнига беҳи шарбаги ёки бошқа бирор нарса ишлатилган бўлса ҳам [дориларни] шу ном билан аташган.

Анбажот — (мураббо) — Ал-Халил: "анбаж" ёки "анбих" — бу Ҳиндистонда (ўсадиган) дарахт меваси бўлиб, унга асал қўшиб мураббо тайёрлашади, дейди. Бу мева шакли учи қийшайиб тугилган шафтолига ўхшайди ва унинг ичида шафтоли данагига ўхшаш данаги бор. [Бу меваларни] Ироққа олиб келадилар ва бу ердан "анбажот" номи келиб чиққан. Бу цитрон, сариқ ҳалилалардан ва унга асал қўшиб тайёрланган мураббо.

Мураббо — бу [нарсани] тайёрлаш бола тарбиялашга ўхшаш: бу сўз "нарсa [предмет] катталашиди, ўсди" маъносигаги "*рабо ашшайъа*" дан келиб чиқадн. Аммо "мураббо" (сўзига) келсак эҳтимол у "мен болани тарбияладим" маъносигаги "*раббаъту сабийъа*" иборасидан келиб чиққан, шундан "тарбиячи" ("*ар-рабб*") ва "тарбиячи аёл" ("*ар-рабба*") сўзи ҳам келиб чиққан. У шунингдек, мевалардан сиқиб олинган нарса маъносини англатувчи "*рубб*" сўзидан келиб чиқиши мумкин; гўё у сиқиб олинган, [бирок] биринчи [фикр] ҳақиқатга (178) ақин.

Мураккаб дориларга, шунингдек [ҳуйидагилар] киради: *Ҳуқан* — (унинг) бирлиги "*ҳуқна*" — (клизма); агар клизма билан даволанса "*ихтақана*" [дейишади].

Фарзажот, *шиюфот*¹ ва *ҳамулот* — бу барча (дорилар)ни орқа тешик ва мойлиққа (ҳазнага) киритилади.

Буларга (мураккаб дориларга), шунингдек, кўз дорилари ҳам киради — бу "*шиюфот*", "*акҳол*", "*зарурот*" ва "*барудот*", охириги (сўзда) "б" (ҳарфи) фатҳа ҳаракатланган; бу дорилар кўзларни совутадилар.

Мароҳим — (марҳамлар) — бу дорилар билан жароҳат ва яралар даволанади; Ал-Халил "мен жароҳатга марҳам қўйдим маъносида "*марҳамту журҳа*" дерди; "*умари-муҳу*" — мен унга марҳам қўяман, чунки "м" (ҳарфи) унда ўзақлар.

Сақунот — (тиш кукуни) — бу дори билан инсон тишларини даволайди.

Ғумар — (*Flemmingia* безчалари ва бошқалар) — бу "*ғумра*" (сўзининг) кўплиги бўлиб, уни аёллар юзларига суртадилар.

Кўпгина дориларнинг номлари "*фатҳул*", яъни биринчи ўзак (ҳарф) фатҳа билан ҳаракатланган шаклда бўлади, масалан: *ғасулот*², *натулот*³, *сакубот*⁴, *важурот*⁵, *саъутот*⁶, *ладудот*⁶, *лаъуқот*⁷.

Еттинчи боб

ТИББ АҲЛИ [ИШЛАТГАН] ОГИРЛИК ВА СОЧИЛУВЧАН [ТАЛҚОН] ЖИСМЛАР ЎЛЧОВЛАРИ

Итолиқус — ўн саккиз уқийй, уқийй миқдори (179) фикҳ бўлимида зикр қилинган эди.

Қист — хушбўй моддалар учун йигирма тўрт уқиййга тенг.

Қинтор — бир юз йигирма ритл.

Қутил — етмиш икки мисқол.

Қуб — уч ритл.

Куз — олти қист.

Бундуқа — бир дирҳам.

Навот — мисқолнинг учдан бири, бирламчи эса уч мисқол [эди].

Жиржир — мисқолнинг учдан иккиси¹⁰.

Татратин — тўрт навот.

¹ Жароҳатларни ювини учун (ишлатиладиган) дорилар.

² Оғриган аъзолар устига бинтни ҳўлаб боғлаш учун (ишлатиладиган) дорилар.

³ Оғриган аъзолар устидан қўйини учун (ишлатиладиган) дорилар.

⁴ (Болалар) оғзига қўйиладиган дорилар.

⁵ Буриакни дорилар.

⁶ Касал оғзининг бир чеккасига қўйиладиган дорилар.

⁷ Ялаш учун дорилар.

⁸ Фикҳ бўлимининг бешинчи бобида араблар ишлатган оғирлик ва ҳажм ўлчовлари берилган. Шу бобда 14-бетда: "уқийй — усфийй" шаклида, унинг кўплиги "авоқил" 105 дирҳам оғирлигида; мой уқийси 10 дирҳамга тенг" — дейилади; Британия музейда 23,429 рақами ва Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сақланаётган нусхаларида: "Китоб айндя: уқийй — мой ўлчовларидан бири бўлиб, 7 мисқолга тенг (7 мисқол 10 дирҳамга тенг).

⁹ *Қист ал-атрий* — хушбўй қист. X-XI асрда тибб аҳли ишлатган оғирлик ўлчовларига солиштириб кўрини учун қаранг: Абу Али ибн Сино. Тиб қоқумлари. 2-нашр, 1980, V Китоб, 227—229-бетлар.

¹⁰ Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сақланаётган *муқадда*: бирламчи оғирлиги бир мисқол [эди].

¹ Қаранг: Беруни, IV-том, № 629, 1-изоқ.

Қирот — уларда [тибб аҳлида] тўрт шаъира ва у [шаъира] *Шом жинганаги* уругига [вазига] тенг.

Луъқа — маъжунлар учун тўрт мисқолга тенг.

Юнон боқиласи — йигирма тўрт шаъира.

Миср боқиласи — қирқ саккиз шаъира, бу эса ўн икки қиротга тенг.

Искандария боқиласи — тўққиз қирот.

Турмуса — икки қирот.

Дарахмий — етмиш икки шаъира.

Катта жомо — уч мисқол.

Кичик жомо (180) — икки мисқол.

Қалихйун — бир ярим мисқол.

Кичик ускурража — уч уқийй.

Катта ускурража — тўққиз уқийй.

Кафф — олти дарахмий.

Йахудиййа — ярим қист.

Самитир — тўрт қист.

Толантун — қар бир ритли ўн икки уқиййга тенг ҳисобида олинганда бир юз йигирма беш ритл.

Тулу — тўққиз уқийй; уни шунингдек қутул ва катта ускурража дейишади.

Ҳузма — тўрт мисқол.

Наво — беш дирҳам.

Кубос — олти ярим дирҳам.

Жавза — тўрт мисқол.

Ибриқ — икки мани.

Нотил — етти дирҳам.

Улар [тибб аҳли] ўлчовлари ана шулар.

Саккизинчи боб

АН-НАВОДИР — НОДИР [ҲОЛАТЛАР]

Амзижа — (мизожлар) улар тўққизта: мўътадиллик, иссиқлик, совуқлик, ҳўллик, қуруқлик, иссиқ-ҳўл, иссиқ-қуруқ, совуқ-ҳўл, совуқ-қуруқ.

Ахлот — [хилтлар] — бу қон, балғам, [сарик] сафро, савдо; улар [шунингдек] "амшоҳ" дейилади.

Аъзо ар-раъиса — (бошқарувчи аъзолар) — улар тўртта: мия, юрак, жигар ва икки моёқ.

¹ Фикҳ бўлимининг бошинчи боби. 14-бетда берилишича: мани — бу икки юз эллик етти-ю ўндан етти дирҳам ёки мисқолда бир юз саксон мисқол ёки уқиййда йигирма тўрт уқийй огирликка тенг.

Ҳорр бил-феъл — аслида иссиқ — бу масалан, олов каби.

Ҳорр бил-қувва — қуввати билан иссиқ — бу масалан, қалампир ва шунга ўхшаш, шунингдек

Борид бил-феъл — аслида совуқ — муз каби.

Борид бил-қувва — қуввати билан совуқ — сутчўп, қоҳу ва сачратқи каби.

*Кимус*¹ — бу модда: бу таом яхши ёки ёмон кимус пайдо қилади дейишади, яъни бу атама билан баданда овқатлан пайдо бўладиган нарса белгиланади.

Килус (*хилус* — бу ном) билан меълада аралашмиш натижасида "моъ аш-шаъир" [арпа қайнатмаси, суви]га ўхшаш бўлиб қолган таом ва ичимликка айтилади.

Бироз — бу [сўз] билан овқат қолдиқлари, яъни нажас назарда тугилади.

Тафсира — бу [сўз] билан сийдик назарда тугилади. Аййуб ар-Рухови шу сўз билан — "Ат-Тафсира" — китобни номлади.

Табиъа — (табиат) — у билан қориннинг юмшоқ ёки қуруқ ҳолатини номлашади, унинг табиати қуруқ, яъни унда қабзият ёки унинг табиати юмшоқ, яъни уни ичи кетаяпти дейишади.

Илож — (даволаш) — қайт қилишни шундай номлашади.

(182) *Саҳна* (ташқи кўриниш) — бу инсон баданининг ҳолати: семизлик, ориқлик ва ҳоказолар.

Ноқиҳ — (соғайовчи) — бу соғайган ва қувватга кирган киши; айтадилар: "нақиҳа, мин марадиҳи" — у соғайди, [сўзнинг ҳозирги-келаси замондаги шакли] "йанқаҳу" ва "ноқиҳ" [яъни соғайовчи].

Рийода — (жисмоний машқлар) — бу зўриқиш [кучаниш] [ёки меҳнат] ва ҳаракат.

Бухрон — (кризис) — бу ҳолатда беморда тўсатдан бўшалиш ёки кескин ўзгаришлар бўлади; бу одатда огир касалликларда бўлади, огир касаллар деганда мен куйдирувчи ва узулукли иситмаларни назарда тутаяпман: бемор [кризисдан] бухрондан соғайишга ёки гоҳо огирроқ ҳолатга ўтади; "бухрон" — бу сурёний сўзи ва табиблар кризисни назарда тутганда: бу "йавм боҳурийй" [кризис куни] дейдилар ва деярли "бухронийй" демайдилар.

¹ Абу Али ибн Сино буни сўзни "каймус" деб беради. Қараг: Абу Али ибн Сино. Тиб қонуналари. 2-нашр. Тошкент, 1983, 1-Китоб, 31-бет.

² Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сақланаётган нусхада: "Ўз китобини". Аййуб ар-Руховийй — юнон табиблари асарларини сурёний тилга таржима қилган (820 й. яқин).

Истифроғ — (бўшаниш) — бу сўз билан айтганда бадандан қон чиқариш, ич кетказиш, қайт қилиш, терлаш ва шу кабилар орқали ортиқча табиатни ҳайдаш назарда тутилади.

*Нафд*¹ — бу бадандан ортиқча (183)ларни даволаш воситалари, яъни қон чиқариш, сурги ва қайт қилдирадиган дорилар орқали.

Сийдакни тавсиф қилганда [аниқлаганда]: ранги, консистенцияси [унинг қуюқ - суюқлигини] назарда тутилади; қанақа чўкиндилари бўлишига [қаралади]. Бу уч ҳолат (фактор)нинг ўз номлари ва тавсифи [бор], масалан, рангни [аниқлаётганда] "олов ранг", "тўқ сариқ", "анжир ранг", яъни анжир шарбати рангига ўхшаш дейишади; чўкиндиларни [аниқлаганда]: "толқонсифат", "қумсифат" ва "арпасифат" дейишади.

Асноф ан-набз — (томир уриши турлари). Улар [турлари] кўп:

Тавил — (узун) — бу билак бўйлаб кучли бўлгани.

Ариз — (кенг) — бу билак энига кучли бўлгани.

Шоҳиқ — (балана) — бу ушлаб кўрган бармоқларни куч билан итариб юборувчи.

[Юқоридаги зикр этилган] бу барча хусусиятларни бирлаштирганда [томир уриши] *ғазим* [буюк, катта дейилади].

[Бу белгилар] етишмаган ҳолатда [томир уриши] *сағир* [кичик дейилади].

[Томир уришининг яна бошқа] кўпгина ҳолатлари ва ҳар бирининг ўз номи бўлиб, уларни зикр қилиш гапни чўзиб юборади. Уларни фақат моҳир ҳозиқ табибларгина тасаввур қила оладилар, улар, масалан, қуйидагилар: "*чумолисимон*", "*чувалмангсимои*", "*аррасимон*", "*кийиқ томир хруши*" (*кийиқсимои*), "*сичқон думисимон*", "*болғасимон*", "*тўлқинсимои*" ва шунга ўхшашлар.

(255) АЛ-КИМИЁГА БАҒИШЛАНГАН ИККИНЧИ ҚИСМНИНГ Тўққизинчи Бўлими УЧ БОБДАН ИБОРАТ

Биринчи боб. Ушбу санъат [алкимийёда ишлатилади-ган] асбоблари ҳақида.

Иккинчи боб. Қимматбаҳо ва оддий тошлардан тайёрланадиган дори ва дориворлар ҳақида.

(256) Учинчи боб. Ушбу (кимийёвий) моддаларни ишлаш усуллари ва тадбирлари ҳақида.

Биринчи боб

УШБУ САНЪАТ [АЛКИМИЁДА ИШЛАТИЛАДИ-ГАН] АСБОБЛАРИ ҲАҚИДА

Ушбу санъат "*ал-кимийо*" дейилади. Бу сўз арабча бўлиб, "*камо-йакми*" фсълдан келиб чиқади ва "яширмоқ" бекитмоқ маъносини англатади. Айтадиларки: "*камо-и-шаҳодата йакмиҳо*" ва бу "исбот [ҳақиқат]ни яширди" маъносини англатади. Бу санъат билан шуғулланувчилар уни "*ал-ҳикма*" [ҳикмат, донишмандлик] деб атасалар, баъзи бирлар эса уни *санъа* [санъат] дейдилар.

Уларнинг асбоблари орасида заргарларга ва бошқа ҳунар эгаларига маълум бўлганлари бор. Масалан: *кур* — темирчилик ўчоғи, *бутақ* — тигель, *мошиқ* — болға, *рот* — қолип, *зиққ* — [ўчоққа] ҳаво ҳайдаш учун ишлатиладиган тери. Бу барча асбоблар эритиш ва қуйиш учун ишлатилади.

Рот — қолип — бу эритилган кумуш, олтин ва бошқа "жисм"лар [яъни металллар] қуйиладиган нарса. Уни, шунингдек, "*мисбака*" ҳам дейишади. У темирдан худди қамишининг [икки] ярмига ўхшаб тайёрланади.

Уларнинг асбоблари орасида яна

Бут бар бут — тигел устидаги тигел — бу (257) тагида тешиклари бўлган тигелни бошқаси [тигел] устига қўйилган ва уланган жойлари лой билан яхшилаб сувалган [асбоб] киради. "Жисм" юқориги тигелда эритилади

¹ *Нуфда* — титраш, эт увишиш.

ва у пасткига оқиб тушади, унинг шлак ва ифлослари юқоридагида [тигелда] қолади. Бу жараён *истикзол*¹ дейилади.

[Моддаларни] ишлаш учун қўлланиладиган асбобларга (қуйидагилар) киради:

Қаръ — қовоқ (кукурбит) — ва *анбиқ*-алембик — бу иккаласи гулоб тайёрлаш учун ишлатилади; [асбобнинг] таг қисми — бу қовоқ, юқоридагиси эса, [табиблар] банкасининг шаклига эга бўлгани, алембикдир.

Анбиқ аъмо — кўр алембик — [бу] нови бўлмагани. *Асол* — алудел — бу уларнинг асбобларидан бўлиб, шийша ёки лойдан қопқоқлик ҳамда қулоқлари (яъни чиқиб турган нарсалари)² бўлган идиш сифатида тайёрланади; у симоб, олтингугурт, ауримигмент (ёки реальгар) ва ҳоказоларни ҳайдаш учун ишлатилади.

Қобила — қабул қилувчи — бу ўзига бир ратлга³ яқин [моддани] сиғдирувчи асбоб, унга алембик оқаваси киритиб қўйилади.

Мавқид — ўчоқ — уни новвойлар ўчоғига ўхшашлиги бор.

Тобистон — манқал, қўра — у қовуриш учун [ишлатиладиган] ўчоққа ўхшаш.

Нофих нафсиҳи — ўз-ўзини пуфловчи — бу пастки қисмида уч оёқлик, (258) ён ва таг томонларида тешиклари бўлган ўчоқ; унинг лойдан ясалган дўкони [корпуси, танаси] бор, у ерда олов ёқилади ва уст қисмига лой чапланган дорилик қумгон қўйилади. [Ўчоқни] ҳаво уриб турадиган жойга қўйилади.

Дарж — қути, коробка — лой коробкага ўхшаш, атрофида⁴ олов ёқилади ва унда "жисм"ларга ишлов берилади.

¹ Сўзма-сўз: "пастга тушүриш".

² Матнда берилган изоҳда Британия музейида 2524 рақами остида сақланаётган нусхада бу сўз "*шураф*" сифатида берилди ва "*шурфа*" — "карниз", "балкон" сўзининг кўплиги бўлиши мумкин. Ар-Розийда алуделни тавсифлашда "қапотлар" (*ажнаҳа*) эслатиб ўтилади, эҳтимол иккала ҳолатда ҳам алуделнинг бир детали (қисми) ҳақида сўз бораётгандир (Қаранг: Каримов У. И. Неизвестное сочинение ар-Рази "Книга тайны тайн". Ташкент, 1957, С. 155, прим. 347). Кейинчалик "Сирлар сири китоби".

³ Оғирлик улчонларидан, бу ҳақида тибб бўлимининг еттичи бобида қаранг. Шу ерда, 134-135-бетлар.

⁴ Сўзма-сўз: унинг устида.

УШБУ САНЪАТДА ИШЛАТИЛАДИГАН ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР. ДОРИВОР ВА ДОРИЛАР ҲАҚИДА

Ажсод — "жисмлар" (металлар). Улар қуйидагилар: олтин, кумуш, темир, мис, қўрғошин, қалай, хорсиний (рух). Хорсиний — бу деярли номаълум камёб модда. Ушбу касб эгалари жисмларга қуйидаги рамзаларни бердилар: олтин — *Қуёш*, кумуш — *Ой*, мис — *Зуҳра*, қўрғошин — *Зухал (Сатурн)*, темир — *Миррих (Марс)*, қалай — *Муштарий (Юпитер)*, рух — *Уторид (Меркурий)*. Бироқ улар орасида бу рамзаларнинг баъзи бирларини ёки кўпгинасини қўллашда муҳолиф фикрлар мавжуд, лекин "Қуёш" ва "Ой" рамзларида уларнинг деярли хилофлари йўқ.

Арвоҳ — "руҳлар" (259) [Уларга қуйидагилар тааллуқли] — олтингугурт, ауримигмент (ёки реальгар), симоб ва новшадил. У [биринчилар-жисмлар] оловга чидамли бўлганлари учун "жисмлар", булар эса олов таъсирида учиб кетганидан "*руҳлар*" деб аталади.

Дориворларга тааллуқлилар:

Милҳ — туз. У *ширин* [яъни ош тузи], *аччиқ*, *оқ*¹, *қизил* — ундан тигель тайёрланади, *чақмоқ тошли*, *нефтли* — нефть ҳиди бўлган, *тухумли* — қайнатилган тухум ҳиди бўлган, *ҳинд* — қора, *тош*, *сийдик* — сийдикдан олинадиган, *ишқорли* (поташ) — ишқордан олинадиган бўлади.

Нушодур — ношатир, новшадил — у икки хил бўлади: конга оид ва сунъий; иккинчиси (260) сочдан қилинади.

Бурақ — бура — унинг қуйидаги хиллари бор: *пон бураси*, *сода* деб аталувчи хили, *заргарлар бураси*, *заровандий бураси* — у энг яхшиси ва *тинкор* — бу сунъий (бура).

Зожот — купорослар — уларнинг қуйидаги хиллари бор: *оқ* — "*минҳоний*" деб аталувчи ва кўк томирлари бор, сўнгра *аччиқ тош* — у соф оқ рангли, *этикдўзлар купороси*, *сурий* — у қизил рангли ва "*қалқадун*" деб номланувчи кўк (яшил) — агар уни қўллаш ва темирга ишқаланса, у қизил бўлади.

¹ Матнда бу сўз "андароний" вазнида берилган, бироқ Абу Бақр ар-Розийнинг "Сирлар сири" китобида бу "*зороний*" вазнида берилди ва у "оқ" деб таржима қилинди, ана шу (вази) бу ерда тўғри келади. Қаранг: Каримов У. И. Неизвестное сочинение ар-Рази "Книга тайны тайн". Ташкент, 1957, С. 61.

² Қаранг: Беруни, IV-том, № 221.

*Морқшисо*¹ — марказит — у квадрат, думалоқ, яхлит бўлак ҳамда бошқа турли шаклда бўлади ва бир неча тури бор: сариқ, у олтин рангли, оқ — кумуш, қизил — (261) мис рангли дейилади.

Мағнисийо — марганец рудаси — у бир неча турли бўлади: *тупроқли* — қора рангли [металл] жилвали; ўша жилвали (металл) катта, қаттиқ бўлак; темирга ўхшаш тури — қизил ва бошқа бир-бирига ўхшаш турлар.

Тутийо — галмей (рух (цинк)оксиди) — у яшил, сариқ рангли ва *тангали* бўлади; [ҳар хил] турлари бор: оқ [тури]—Ҳинд тури [дейилади] ва у жуда нодир ва қимматбаҳо, *сариқ* [тури] "хузий"² (дейилади), *яшил* [тури] "қирмоний" [дейилади], "ал-мухаввас" деб аталувчи тури ва бошқа турлар бор; ҳинд [тури] — сунъий.

Даҳнаж — малахит — бу яшил тош бўлиб, ундан узукларга кўз ва маржон тошлар тайёрланади.

Файрузаж — феруза — у худди шунақа тош, лекин унинг рангида малахитникига қараганда яшиллиги камроқ.

Лозвард — заҳармуҳра — бу жилвали нуқталари бўлган тош ва ундан маржон тайёрланади.

(262) *Талқ* — слюда — бу бир неча турли бўлади: *денгизники*, *яманники*, *тоғники* — урганда у юққа ялтироқ (жилвали) ясси парчаларга ажралади.

Жамаст — аметист — бу оқ, тоғ тоши.

Шозанж — қизил темир рудаси — ёсмиқсимон (чечеви-насимон) ва *халуқий* бўлади.

Куҳл — сурьма — бу қўрғошин субстанцияси (моҳияти).

Масҳақунийо — бу ойнада оқиб тушувчи модда; у оқ, қаттиқ, эрувчан ва мустаҳкам туз.

Шақк — мишьяк оксиди — икки тури бор: сариқ ва оқ; у маъданий ҳамда кумуш бугидан олинадиган ва "самм фағр" [сичқон заҳар—маргимуш] дейилдиган сунъий заҳар бўлади.

Давс — қорамтир темир рудаси — бу темир суви³.

¹ Шу сўздан бошлаб "аҳжор" — "тошлар" бошланади.

² Ар-Розий ўзининг "Сирлар сир китоби"да бу сўзни "хазорий" шаклида беради, у "каспийли" деб таржима қилинади. Қараг: Каримов У. И. Неизвестное сочинение ар-Рази "Книга тайны тайн", С. 132, 73-прим.

³ Бу темир рудаси бўлиши мумкин. Қараг: Беруни, IV-том, № 445.

Сакта — бу тошни металл асбоблар ясайдиган ишчи-лар ишлатади.

Ротинаж — бу пиний [дарахтининг] елими [кани-фоль].

Зирних — мишьяк — қизил (яъни реальгир), *сариқ* (яъни аурипигмент) ва *яшил* турлари бор; *яшил* — энг ёмон, энг яхшиси эса — *қават-қаватлиги*.

Мағнотис — магнетит, магнит темиртош — бу ўзига (263) темирни тортувчи (тортиб олувчи) тош.

Сунъий йўл билан олинадиган дориворлар ҳам бор. Уларга кирувчилар:

Занжор — зангор бўёқ — уни мисдан тайёрлайдилар. [Миснинг] ясси парчаларини сирка қуйқасига соладилар, улар у ерда зангори бўлади, уларни оладилар, йўнадилар (қиртишлайдилар) ва яна қуйқага (токи) ҳаммаси зангор бўёқ бўлгунча сола берадилар.

Зунжуфр — киноварь — уни симоб ва олтингургурдан оладилар; олинган моддаларни катта ишша идишга соладилар ва (тагидан олов) ёқадилар ва улар киноварга айланади; олов меъёри тажриба йўли билан аниқланади; олинадиган дозалари (миқдорлари): бир ҳисса симоб ва бир ҳисса олтингургурт.

Усрунж — сурик — қўрғошинни кучайиб борувчи оловда [қўрғошин] қизил бўлгунга қадар қиздириш йўли билан ҳосил қилинади (тайёрланади).

Мурдосанж — глет (қўрғошин оксиди) — [уни тайёрлаш учун] қўрғошин чуқурда (ўрада) эритилади¹, устидан майдаланган ғишт кукуни ва кул сепилади, [қоришма] қотиб глетга айлангунга қадар [оловни] қаттиқ пуфлайдилар.

Қалимийа — бу барча тозаланувчи металллар шлаки.

Исфидож — қўрғошин белиласи (қўрғошинли оқ бўёқ) — уни қўрғошин ясси парчаларидан сирка ёрдамида худди занжор тайёрлаш усули билан ҳосил қиладилар.

Худди шу усул билан олинадиганлар:

Заъфарон ал-Ҳадид — темир оксиди [сирка — кислота-ли темир] — темирдан [олинади].

Тутийо — галмей (рух оксиди) — уни мис ва сурьма тутуни [яъни бугидан] тайёрлашади.

¹ Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сақланаётган нусхаси бўйича: "эрийди".

УШБУ (КИМИЕВИЙ) МОДДАЛАРНИ ИШЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Тақтир — дистилляция, софлаш — гулоб тайёрлашга ўхшаш: моддани [жисми] қовоқ [кукурбит] ичига соладилар ва тагидан олов ёқадилар, натижада унинг [модданинг] суви *алембикка* кўтарилади ва *қобила* (қабул қилувчи асбоб)га оқиб тушади ҳамда ўша ерда йиғилади.

Тасъид — возгонка (қаттиқ жисми бевосита бугга ва, аксинча, бугни бевосита қаттиқ жисмга айлантириш) — у софлашга ўхшаш, бироқ бу ерда аксар ҳолатда қуруқ моддалар ишлатилади.

Тарҳим (*таржим*) — бу возгонка хилларидан бири.

Таҳлил — эритиш — бу қаттиқ моддаларни [жисмларни] суюқ (ҳолатга) айлантириш усули.

Муъқад — қотириш — моддани қовоққа [кукурбитга] соладилар ва то [модда, жисм] қотиб тошга айлангунча тагидан олов ёқиб турадилар.

Ташвиъа — қовуриш — баъзи дориворлар сувда ҳўлланади, катта шиша идишга ёки лой чаплаган косага солинади, осиб қўйилади, катта шишанинг оғзи пробка (тиқин) билан беркитилади ва (ичидаги) қовурилиб бўлгунча оловда ушлаб турилади.

Ташмиъ — юмшатиш — [бу ҳолатда] жисми мумдек бўлгунча юмшатилади.

Тасдиъа — занглатиш [занг келтириб чиқариш] — зангни худди занжорни ишлаш усулидагидек [қиладилар] оладилар.

Таклис — пишириш (бўрни) (265) — "жисм"ни сопол кўзага соладилар ва ["жисм"] то майда кукунга айлангунча оловда ушлаб турадилар.

Тасвил — бу суюқликда чуқувчи жисми сузувчи жисмга айлантириш; (бунинг учун) жисми сув юзасида сузиб юра олиши учун кукун қилиб майдалайдилар, жисми аввал пиширадилар, сўнгра уни сув юзасида сузиб юрдиган қилалдилар.

Илғом — амалгама (симоб билан қоплаш) — жисми [металлни] кукун қиладилар, сўнгра симоб билан ара-лангтирадилар; мен уни симоб билан (амалгама) қопладим ва у амалгамаланди маъносида "*алғамтуҳу бил зайбақ валтағамма*" дейишади.

Иқома — кўтариш (турғун, чидамли, пишиқ қилмоқ) — бу жисми оловга [чидамли] турғун ҳолатга келтириш ва ёлиб кетмайдиган қилиш; (бу ҳақида) юқорида зикр қилинди.

Истинзол — бу ҳақида биринчи бобда айтилган.

Тин ал-ҳикма — ҳикмат (лойи) гили — гилни ивитадилар; унга майдаланган тезак, юк [кўтарувчи] ҳайвонининг майда қирқилган жуни ва туз солинади.

Ал-Иксир — эликсир — бу шундай дорики, у билан эритилган жисмлар [металлар] пиширилса, металлни олтин ёки кумушга айлантириш, ёки унинг рангини оқ ёки сариққа ўзгартириш мумкин.

Ҳажар — тош — бу жисм алхимийё аҳли санъатининг [асоси], яъни элексир тайёрланадиган нарсадир. У икки турга бўлинади: ҳайвоний ва минерал, (266) бу иккала турдан яхшироғи ҳайвоний бўлиб, у қуйидаги хиллардан иборат: соч, қон, сийдик, тухум, ўт, мия, калла суяк, чиғаноқ, шох (мугуз); булардан энг яхшиси — инсон сочи, сўнгра тухум.

(Элексирнинг) минерал турларига "жисмлар"дан [металлардан] олтин, кумуш, қўрғошин, қалайи, "рух"лардан эса симоб, аурпигмент (ёки реалгар), олтингугурт ва нашатир киради.

Қолий аз-зирних — реалгар — оқ (элексир) рухи.

Кибрит — олтингугурт — қизил (элексир) рухи.

Зайбақ — симоб — иккаласи учун "рух" бўлиб хизмат қилади.

Ал-Иксир — элексир — "жисм" ва "рух"дан иборат.

"Мафотих ал-улум" китоби тамом бўлди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва унинг "Мафотиҳ ал-улум" асари	5
Анъанавий "араб" илмлари ва илк Ўрта асрларда гуманитар билимлар	9
Анъанавий бўлмаган — "араб бўлмаган" илмлар	23
Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва Ўрта асрларда илмишунослик	57
Илова "Мафотиҳ ал-улум" асаридан таржималар	
Тарих	77
Фалсафа	99
Мантиқ	105
Тибб	115
Ал-Кимийё	138

Роик Маджидович Бахадиров

АБУ АБДАЛЛАХ АЛ-ХОРЕЗМИ И ИЗ ИСТОРИИ КЛАССИФИКАЦИИ НАУК

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон" — 1995 — 700129, Ташкент, Навои, 30.

Бадий муҳаррир *Х. Мехмоноов*
Техник муҳаррир *М. Хужамқуллова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Орипова*

Теризга берилди 20.01.94. Босишга рухсат этилди 15.02.95. Формати 84x108¹/32. "Таймс" гарнитурда терилди. Шартли Босма тобоги 7,36. Нашр тобоги 7,31. Тиражи 3000. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №1353

"Ўзбекистон" нашриёти. 700129, Ташкент, Навоий, 30.
Нашр № 214-93.

Оригинал-макет изготвлен на базе технических и программных средств ОсОО "Ношир". Отпечатано на картфабрике института "Уздарверлойдеха". 700096, Ташкент ул. Мехнатчилар 187.